

496
1986/1



ГУЛИСТОН
1
1986

496
1986



Меҳнат — жамият моддий ва маънавий бой-лигининг асосий манбаи, кишининг социал обрў-эътиборини баҳолайдиган асосий мезон, унинг муқаддас бурчи, шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг негизидир.


КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасидан



ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

Машраб РАҲИМҚУЛОВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, экскаватор машинисти



Совет Иттифоқи Коммунистик партияси-нинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳа-билан синчиқлаб танишиб чиқар эканман, муҳалқ муҳокамасига қўйилган бу муҳим партиявий ҳужжатни жамиятимиз тарақ-қийетининг, истиқболимизнинг ёрқин кўзгуси деб биламан. Программа лойиҳасида уқти-рилганидек, жамиятимизнинг коммунизм сари ҳаракати шонли коммунистик пар-тияимизнинг доно раҳбарлигида унинг атро-фида маҳкам жипслашган совет халқининг технати билан омухталаниб, изчил ва са-арадор бўлиб бормоқда. Халқимизнинг ивёдорона меҳнати самараларида менинг ам камтарона улушим, юзлаб ва минглаб афдошларимнинг ҳиссаси борлигидан чи-қамамига фахрланаман. Шунинг учун ҳам программа лойиҳасидаги ҳар бири дилга

яқин даъваткор жумлалар бизни изчил ҳа-ракат ва фаолиятга ундайди.

Мазкур партиявий ҳужжатдаги ҳар бир сўз дилимга яқин ва менинг миллионлаб совет кишиларининг тақдирига туташ экан-имдан далолат: «Партия белгиланган ва-зифаларни муваффақиятли ҳал этишни инсон омили ролининг ошири-лиши билан боғлайди. Социалистик жамият ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳала-рида оманинг ижодий фаолиятини ривож-лантиришнинг янги-янги йўлларини топ-масдан туриб, самарали тарзда иш юрита олмайди. Тарихий мақсадлар кўлами қан-чалик кенг бўлса, миллионларнинг уларга эришишида эгаларча манфаатдорлик, масъ-улият билан, онглилик билан фаол иштирок этиши шунчалик муҳимдир».

Ҳақиқатан, ўйлаб қарасам, Фарғона сув хўжалиги қурилиши трести ташкил топган-дан буён касбдошларимиз билан биргаликда Катта Фарғона ва Жанубий Фарғона канал-ларини кенгайтириш, Марказий Фарғона чўл ерларини ўзлаштиришда миллионлаб куб метр тупроқни қазиб чиқарибмиз. Ана шу йиллар давомида 50 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди, 100 минг гектардан зиёд суғориладиган майдонларнинг мелио-ратив ҳолати яхшиланди. Бу — асрий чўл-лар ўрнида бўстонлар пайдо бўлди, пахта-зорлар бунёд этилди, халқимиз турмуши янада фаровонлашди, дегани.

Партия бизни меҳнатда янада изчил фао-лият кўрсатишга чорламоқда. Бу сўзлар қалбимиз даъвати эканлигига қафолат бе-раман.

УЛУҒ РЕЖАЛАР

Тўлқин МИРКОМИЛОВ,

техника фанлари доктори, профессор

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№ 1 (431)
Январь
1986



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

Марксизм-ленинизм таълимоти инсоният-ни нурди келажак сари бошловчи маъқдир. КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасида мамлакатимизда социализм тўла галаба қилган ҳозирги шароитда ягона мақсад — коммунизм сари интилайётган кўп миллиятли совет халқларининг олдидан турган улутвор вазифалар ўзининг яққол ифодаси-ни тошган.


Социализмнинг тарихий ютуқлари чексиз. Бу ҳаққоний ижтимоий тузум ўзининг дастлабки босқичларидаёқ халқлар тинчли-ги, бахт-саодатининг ҳақиқий ифодачиси сифатида жаҳонга қудратли куч бўлиб танилди. «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон фаровонлиги учун!» — соци-ализмнинг шиори ана шундай. Мамлакатимиз халқлари ўзларининг куч-қудратларини ле-нинчи Коммунистик партия раҳнамолигида шу олий мақсадини тўла-тўқис амалга оши-риш йўлида сафарбар этмоқдалар.

«Партия СССРнинг жаҳон социалистик системасидаги ҳамма давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик ва мустақкам дўстона муносабатларини яхшилашга ҳаракат қи-лади», — дейилади партия Программаси лойиҳасида. Бу, КПССнинг халқаро миқёсда

тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун олиб бораётган сиёсатининг нақадар муҳимлиги-ни кўрсатиб турибди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси лойиҳасида СССРни социал-иктисодий ривожлантириш шарт-шароитла-рига кенг ўрин берилган. Лойиҳада мамла-катни социал-иктисодий ривожлантириш босқичма-босқич таҳлил қилинади. Шу бора-да фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқа-ришдаги ҳал қилувчи роли ҳам алоҳида таъкидланган. Бу бежиз эмас, албатта. Фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигида тезкорлик билан қўллаш ва шу асосда мамлакат моддий-техника базасини муста-қамлаш ҳозирги шароитда муҳим сиёсий-иктисодий масала эканлиги Программа лой-иҳасида алоҳида уқтирилган. Унда техни-ка тараққиётини янада юксалтириш, унинг унум билан ишлайдиган, техника жиҳатидан мустақкам турларини яратиб вазифаси ил-гари сурилган. Бу республикаимиз олимлари, инженер-конструкторлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Демак, биз олим-лар илмий-тадқиқотлар йўналишини аниқ мақсадларга қаратиб, унинг самарадорлиги-ни тезкорлик билан оширишга эришимиз лозим.


ЛЕНИН ИШИ ДОИМ ЯШАЙДИ



В. И. ЛЕНИН МАРКАЗИЙ МУЗЕИИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИДА.



В. Дидюков фотолари



Ҳамроқул РИЗО

НОН — ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Туғилган онимда чойшабга ўраб,
Естигим остига нонни қўйишган.
«Бошоқдай етилсин қуёшга қараб,
Нондай азиз бўлсин», дея суйишган.
Тилимни чиқарган муқаддас сўзлар —
«Нон» билан «Она» дир сўз мулкин тахти.
Бу сўзлар тафтидан эрийди музлар,
Улар замирида — одамаот бахти.
Менгача тоғлару денгиздан ошиб,
Бир қўшиқ чулғаган улуг дунёни:
«Майдала, жонивор, майдала босиб,
Бугдойи менгаю сенга сомони».
Гарчанд ўлчов бўлган бугдой нон асли,
Ҳаёт оқимига, ҳаёт тарзига.
Ҳаёлда товланган келажак васли
Ва нон мадҳи кўчган шоир назмига.
Чунки нон қадимдан деҳқон эртаги,
Оловдай тандирда пишади иссиқ.
Бугдойзор — уфқнинг олтин этаги,
Бепоев ер узра билмайди тўсиқ.
Поёнсиз бугдойзор бошоқларида
Инқилоб етилди, порлади қуёш.
Қувонган меҳнатқаш бармоқларида
Гуллади, яшнади дала, тупроқ, тош.
Аммо озодликнинг душмани Колчак
Маҳрум этмоқ бўлди бизларни нондан.
Ул ёвузга қарши курашдик бешак,
Нондан кечмас эдик, кечсак-да жондан.
Нон — қурол, қўшиққа айланган чоғда
Ватандан душманини қувиб чиқдик биз.
Ҳаётин насоба — она тупроқда
Қолган доғларини ювиб чиқдик биз.
Энди сиз нон ёпинг, мунис онажон,
Умид, яшаш завқи нонда мужассам.
Нонга сероб бўлсин юртим — жонажон,
Риққи улуг бўлсин ҳар яхши одам.
«Нон», дея мен ёниб қуйлаётган чоғ,
Ўт тушди колхознинг бугдойзорига.
Юрагимга кирди дахшатли титроқ,
Гўё олов келди ёшу қарига.
Беқасам тўнани иргитиб ташлаб,
Чопиб кетди отам бугдойзорга, гаш.
«Учирса», дер онам кўзини ёшлаб,
Отам бақирарди титроқ аралаш.
Отам олов билан олишди узоқ.
Неча бор танаси оловда қолди.
«Ендим» деб оловдан чиқмади бироқ,

Итиқлиди... онамни фарёдга солди.
Одамлар келарди ҳай-ҳайлаб, шошиб,
Қўлларида кетмон, бел ҳамда челак.
Отам мурдасига бир-бир ёндишиб,
Туриб қолишарди иложсиз, бешак.
Кимдир оқ тортади, кимдир йиғлар жим,
Кимдир елкам кучиб, бошим силайди.
Ака, сингилларим ва онажоним
Менинг юрагимни тирнаб йиғлайди.
Отам меҳри бўлиб қолди бугдойзор,
Бугдойзор отамнинг ҳайкали бўлди.
Қаерда бугдой бор, унда отам бор,
Мана шу ишончга юрагим тўлди.
...Юртимни қучганда ажиб фароғат,
Димоғим яйратди патир нон иси.
Топди шоирларнинг шеърда хурмат,
Гиждали нон ёпган Самарқанд кизи.
Истайман, номимиз байроғимиздай
Доим баланд турсин кўзларимизда.
Гулларда товланган ҳур боғимиздай,
Ҳаёonga айтилсин сўзларимизда.
Аммо орамизда нонни унутиб,
Исроф, увол қилган ношукурлар бор.
Бир-бирига биллур қадахни тутиб,
Қошиқни нон билан артирар такрор.
Бундайлар манглайда кўринган терга
Шоир каби ғазал бағишлай олмас.
Тўн дастурхоним — шу она ерга
Содиқ фарзанд каби меҳр қўёлмас.
Мен улар ҳолига назар солган дам,
Жигаримни бургут чўқийди бир-бир.
Бундайларга аввал, севиқли укам,
Лаянат тошларини отади шоир.
Айт, улар қаерда воёга етган,
Айтгин, улар нечун орсиз, беҳаё?
Айт, қайси кўчадан мактабга ўтган?
Айт, қайси китобдан таниган дунё?
Бундайлар тақдирни оқибат ёмон,
Бундайлар ҳамша қулдир базмга.
Нонни ёзозлайди, мамлакат, замон,
Нон билан борамиз коммунизмга.
«Першинг» ракетаалар ўрнатилган ер
Истайман, ғаллазор жойга айлансин.
Қуёш елкамадар, мен тўқаман тер,
Истайман, бошоқлар белга бойлансин.

Гулистон шахри

Қамбар УТАЕВ

Масофа

Съездни бошқарар Ленин даҳоси

Йигирма еттинчи съезд иш бошлар:
Долзарб масалалар,
Жаҳоний тақдир...
Еркин келажакка чўнг назар ташлар,
Кўрилар мукамал ленинча тадбир.

Ленин талаблари бағрини очган,
Миллион-миллионларнинг ягона аҳди —
Съездлар саройига тўла нур сочган,
Порлайди замини замоннинг бахти.

Ҳаётбахш минбарда Ленин сиймоси,
Ленин руҳияти,
Ленин даҳоси.

Қалбларга таралган ишонч зиёси —
Халққа бахшидадир Ленин дунёси.

Съездни бошқарар барҳаёт Ленин.
Жаҳоннинг жамоли,
Инсон камоли —
Кўрсатар тинчликнинг умидбахш йўли.
Нур олар Лениндан башар иқболи.

Совет мамлакатин зўр истиқбол,
Порлоқ келажакни режаси шоён.

Коммунистлар курашда яратган толе
Жаҳон тақдирини кўринар аён.

Қаллоблик, бидъату ғафлатга қарши,
Бекорчи ишратга жанг очар съезд.
Бидъату офату ғурбатга қарши,
Эгулик эшигин кенг очар съезд.

Съезд ўз маънавий хазинасидан
Сочади ҳалоллик уруғларини.
Халқларга толеннинг зўр зинасидан
Йўллар коммунистик йўриқларини.

Жаҳон халқларининг қалб хоҳишига
Истиқбол режаси — мукамал кўзгу.
Ленин даҳоси бош съезд ишига
Ҳар сўзи курашдир,
Ҳар сўзи эзгу.

Буёқ анжуманда қилинади ҳал
Долзарб масалалар,
Жаҳоний тақдир.

Инсоннинг толеи бўлсин деб тугал
Съезд белгилайди ленинча тадбир.

Бу дунёнинг бор ибтидоси,
Аммо йўқдир унга интиҳо.
Асрларнинг мунгли нидоси
Қулогимга чалинар гоҳо.
Узоқ ажлод чеккан жафони
Секканасан қилсанг тасаввур.
Азобларга тўла дунёни
Қони билан чизган мусаввир.
Давр кўксига кўринар равшан
Халқи учун ўтда куйганлар.
Хотирадан ўчмас ҳеч қачон
Ватанини қалбда туйганлар.
Ибтидодан — саноқсиз аср —
Орамизда чексиз масофа.
Давр ўтар... очилар ҳар сир.
Топар дунё дардига даво.
Инқилобнинг ғалабалари
Бўлсин дея мангу мустаҳкам.
Ҳаёт, ишда босиб илгари,
Тер тўқамиз ҳар лаҳза, ҳар дам.
Эҳтимолки, ҳамма замонда
Тугал бахтин яратиб қийин.
Муаммолар кўпдир жаҳонда
Кашфиётлар қилганин сайин...
Дунё бахтин ўйладик ёниб,
Яшамадик ахир беҳуда.
Миллион йиллар ўтса ҳам, аниқ
Жаранглағай бу содиқ садо.
Бир кун бизга ниҳоят узоқ
Масофадан термилиб қараб,

Дерлар балки, дунёда мутлақ
Яшамаган одамаот яйраб.
Ортда қолган қанча мушкул йўл.
Олдда эса — чексиз масофа.
Мерос бўлса бизнинг шонли йўл,
Олам мангу бўлғай мусаффо.

* * *

Инсонга курашмоқ тугма фазилат.
Ҳаво,
нон,
сув,

кураш мангуга керак!
Ҳа, ўлик муҳитга айланар керак!
Бир лаҳза курашдан тўхтаса юрак.
Она Ватан,
виждон,

ҳақиқат учун
Дунёда тўкилган қонлар беҳисоб.
Курашсиз бахтимиз бўлмасди бутун,
Одамзод кўксига қўнмасди офтоб.
Толмас курашчига абадий шараф,
Ҳам мангу оловга айланганларга!
Хавфсизраб, дардларин турмасдан

санаб,
Лаҳзада курашга шайланганларга!
Сохта обрў учун, жигилдон учун
Виждонини ютувчи бор экан ҳали,
Ҳалоллик, покиза қалб, даврон учун
Абадий тўхтамас курашнинг гали!



Совет кишилари соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг актив умрини узайтириш энг муҳим ишдир. Партия шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг барча хилдаги юқори малакали медицина хизматига эҳтиёжини ҳамма ерда ва тўла қондиришга, бу хизмат сифатини тубдан оширишга эришиш вазифасини қўяди.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасидан



ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИББИЁТ

Ёлқин ТУРАҚУЛОВ,

УзССР Фанлар академиясининг академиги, Улка медицина илмий тадқиқот институтининг директори

БИЗНИНГ давримиз жамиятда ва табиатда тарихан қисқа вақт ичида катта ўзгаришлар рўй берганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Бу ўзгаришларнинг негизи XIX, айниқса XX асрларда фундаментал фанлар — математика, физика, химия, биологияда эришилган улғу кашфиётлар асосида техника ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида янги технология ва янги ташкилий шакллари қўлланишида ўз ифодасини топди. Бу жараённинг тобора тезлашиб бориши жамият ҳаётида мислсиз тараққиётлар, кашфиётлар, ажойиб қўлайликлар яратди. Илмий-тадқиқот техникасининг мислсиз шиддат билан ривожланиши туфайли жисмлар ва жонли табиатнинг кўзга қўринмас қисми, яъни микродунёси очилди: атом парчаланиши, масса ва энергия алмашинув қонуниятлари, барча организмларнинг тузилиш бирлиги бўлган хужайра аъзоларининг тузилиши ва бажарадиган вазифалари чуқур ўрганилди. Натijaда неча асрлардан буён муаммо бўлиб келган ҳаётнинг яширин сири — наслнинг материал асослари, насли (ирсий) информациянинг тузилиши, сақланиши ва авлоддан авлодга ўтиш қонуниятлари кашф этилди. Фундаментал фанларда эришилган ва кашфиётлар техниканинг ривожланиши воситасида ҳаётнинг ҳамма тармоқларига кириб келди.

Ишлаб чиқариш техникаси ва ҳаётнинг ҳамма тармоқларига шиддатли куч билан таъсир қилаётган фан-техника тараққиёти ташқи муҳитда ҳам туб ўзгаришларни вужудга келтирди.

Ташқи муҳитдаги бу ўзгаришлар инсон организмнинг ҳамма аъзоларига ва системаларига қўшимча юк бўлиб, уни зиддиятли шароитда яшаш ва ишлашни тақозо этади. Натijaда ор-

ганизмнинг резервлари сарф бўлади, мослашиб ишлаши бузилади, касалликлар пайдо бўлади.

Фан-техника тараққиёти ва урбанизация (катта шаҳарларда аҳолининг қўлайлиги) оқибатида аҳоли орасида тарқалган касалликлар тури ҳам ўзгариб кетди. Юксак ривожланган мамлакатларда юқумли касалликлар, хавфли эпидемиялар деярли йўқотилди. Одамларнинг ўртача (узқ) умри 73 ёшга яқинлашди. Юксак тараққиёт этган мамлакатларда аҳолининг ўлимига сабаб бўладиган касалликлар орасида — юрак-томир касалликлари (юракнинг ишемик касаллиги, миокард инфаркти, гипертоник ва марказий нерв системаси касалликлари) биринчи ўринда туради. Аҳоли ўлимининг 40 процентига мана шу касалликлар сабаб бўлмоқда. Емон сифатли ўсма (рак) касаллиги иккинчи ўринда туради ва у ўлимининг 16—23 процентига сабаб бўлмоқда. Бутун дунё бўйича йилига 2 миллион одам рақдан ҳалок бўлаётир. Афесуски, рақни келтириб чиқарадиган сабаблар, касалликнинг ривожланиши ҳали тўла аниқланмаган. Бу даҳшатли касалликнинг чорасини топиш хозир ва келажак учун долзарб муаммо бўлиб турибди.

Учинчи ўринда қандли диабет ва бошқа эндокрин касалликлар туради. Жаҳонда 30 миллионга яқин киши қандли диабет касалига чалинган, юксак тараққиёт этган мамлакатларда диабет билан касалланганлар умумий аҳолининг 2—3 процентини ташкил қилади.

Ўзбекистонда ҳам чор ҳукумати замонидан қолган даҳшатли касалликлар — вабо, безгак, лейшманиоз, тиф, чиллашар ва бошқа юқумли касалликлар революциядан кейинги 10—15 йил ичида деярли батамом тугатилди, буқоқ касаллиги оммавий дард сифатида йўқотилди. Эндилликда, ҳамма мам-

лакатларда бўлганидек, юрак-томир касалликлари, рақ, қандли диабет ва тиреотоксикоз касаллиги ҳамда юқумли касалликлар бўлган грип ва гепатит кўпроқдир. Кейинги ўн йиллар давомида кўп мамлакатларда оммавий текшириш ўтказилди ва бунда юрак-томир, онкологик касалликлар кенг тарқалганлиги аниқланди. Тўпланган маълумотлар шу учала касаллик учун хатарли омиллар бир хил эканлигини кўрсатди. Булар, яъни жисмоний ҳаракатнинг камлиги (гиподинамия), семизлик, чекиш, артериал гипертония (қон босимининг баланд бўлиши), нотўғри овқатланиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва бошқалардир. Бу омилларнинг кучайиб кетиши фан-техниканинг ривожланиши туфайли ташқи муҳитда юз берган салбий ўзгаришлар, тезкор суръатлар ва ижтимоий ҳаётда, қундалиқ турмуш уринишлари ва ишда тугиладиган зиддиятлар (стресс ҳолатлари)дир. Биология ва ижтимоий ҳаёт ўртасида уйғунлиқнинг бузилиши капиталистик мамлакатларда «цивилизация касалликлари» деб аталиб, ҳамма айбни индустриал ривожланиш ва урбанизация устига юкламоқчи бўлган олимлар ва врачлар, социологлар ҳам кам эмас.

Лекин бу фикр мутлақо хато ва у буржуазия социологиясининг манфаатларини ифодалайди, холос. Аввало цивилизациянинг меъри фақат индустриал ривожланиш ҳамда урбанизациянинг ўзи билан чегараланмайди, у моддий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма томонларини ўз ичига олади. Фан ва техника ривожланишининг инсоният ҳаётига салбий ёки ижобий таъсири ижтимоий тузумнинг характериға боғлиқдир.

Фан-техниканинг умумий тараққиёти медицина идеологиясида чуқур ўзгаришлар яратди, бунда методларнинг янгиланишига, бойишига, янги ташкилий

шакллар методологиясининг юксак даражада ривожланишига асос бўлди.

Аввало касаллиқни вақтида аниқлаш (диагностика) медицинанинг энг зарур вазифасидир. Узққ асрлар давомида беморга тўғри диагноз қўйишнинг муваффақияти фақатгина табиининг, врачнинг билими, савияси ва тажрибасига боғлиқ бўлибгина қолганди. Ҳозирги замон врачлари ихтиёрида эса ўнлаб диагностика асбоблар, махсус лабораториялар мавжуддир. Аммо улардан самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳам врачдан чуқур билим, юксак савия ва тажриба талаб қилади. Кейинги йилларда юрак-томир касалликларининг диагностикасида ақлли электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) қўлланилаётган бўлса ҳам, улар ҳеч қачон малакали врач ўрнини боса олмайдди.

Диагностика ва терапевтик усуллар орасида шубҳасиз рентген ва радиологик технология биринчи ўринда туради. XIX асрдан охирида немис олими Рентген кашф этган кўзга қўринмайдиган нурлар ва француз олимлари Беккерель ва Кюрилар очган моддаларнинг радиоактив парчаланишида ажралдиган гамма нурларнинг тўсиқлар орқали ўтиши хосасидан фойдаланиб оғир касалликларни даволаш мумкинлиги маълум бўлган эди. Бу нурлар таъсирида хужайраларнинг ҳалок бўлиши имконияти рентген нурларидан рақни даволашда (тўкималар ичига чуқур кириб, ички аъзоларни текширишга) фойдаланишга асос бўлди. Шу тариқа медицинада рентгенология даври бошланди. Радиоактив парчаланишнинг кашф этилиши медицина ва биология учун яна ҳам қудратли тадқиқот курули — радиоактив изотоплар (организмга ва касалликларни даволаш учун чуқур таъсир этувчи нурлар) манбаини «ҳада» этди.

1934 йили машхур француз олимми Ф. Жолио-Кюри биринчи бўлиб сунъий радиоактивликни кашф этди. Энди реакторларда барқарор элементларни атом ядросининг оғир зарралари билан «бомбардимон» қилиш орқали янги изотопларни олиш имконияти туғилди. Бу кашфиёт туфайли фан ва техникада, шунингдек, медицинада диагностика ва даволашни, илмий-тадқиқот ишлари учун керакли изотоплар билан таъминлаш имконияти туғилди. Фан ва техникада атомлар даври, умуман, атом асри бошланди. Рентген ва гамма нурлар ҳозирги замон медицинасининг касалликни аниқлаш ва даволашда қулатки воситаларидан бўлиб қолди.

Кейинги йилларда рентгенографияда суратга олиш учун аввалдан ишлатилиб келинган кумуш эмульсияли плёнка ва пластинкалар ўрнига мутлақо янги усул қўлланила бошланди. Бу усул электрорентгенография деб аталиб, унда ярим ўтказгичларнинг фотографик хусусиятидан фойдаланилади, рентген сурати зарядланган ярим ўтказгич селен пластинкасига туширилиб, тўғридан тўғри оддий қоғозга кўчирилади.

Сунъий радиоактив изотоплар ва улар қиритган бирикмалар биологик ва химиявий ҳоссалари бўйича ўзининг муҳим туридан фарқ қилмайдди. Сунъий изотоплар биохимик, физиолог, врач учун энг яхши ёрдамчи ҳисобланади. Чунки тадқиқотчи бемор организмга шикаст етказмай, ташқарида туриб унинг қони, сийдиғи, нафас билан чиқариладиган ҳавони текшириш орқали ички аъзоларда тўхтовсиз кечаётган химиявий жараёнлардан хабардор бўлади, касаллик туфайли организмда модда алмашинувнинг бузилиши ҳақида тўлиқ маълумот олади.

Медицинада диагностика ва даволаш мақсадлари учун электрнинг турли кучлинишларида ишлайдиган асбоблардан ва организмнинг ўзида ҳосил бўладиган биологик ток (биоток) ларни ўлчашдан кенг фойдаланилмоқда. Булардан энг муҳими шу асрининг 20-йилларида амалга қўлланила бошланган электрокардиография осон ва безарар усул бўлиб, юрак мускуллари функциясини унда ҳосил бўлган биотокларнинг ўтиш тезлигини ўлчаш йўли билан аниқлаш имконини беради. Мия биотокларини электроэнцефалограф ёрдамида ўрганиш орқали унинг айрим бўлимларининг иши ҳақида ахборот олиш мумкин.

Замонавий медицина технологияси принципиал янги методлар яратиш билан бир қаторда эскиларини ҳам тақомиллаштириб фойдаланишни осонлаштирди. Рентген нурлар, ультратовуш тўлқинлари, гамма нурлар ёрдамида одам аъзоларини қатма-қат кўриш, суратга олиш (томография), рентгенофлюорография — омвийли текширишлар учун қулай, рентгенологик тасвирни флюоресцирловчи (ёруғланувчи) экрандан фотографик қоғозга тушириш, электрорентгенография ва бошқа ихтиролар шулар жумласи-

дандир. Юрак-томир касалликларини диагностикасида радиоэлектроника, телемеханика схемаларидан фойдаланиданг бир қатор махсус методлар қўлланилаётди.

Ички аъзоларни текшириш, улардаги ўзгаришларни кузатиш ва суратга олиш, анализ учун аъзоларнинг керакли жойидан юкка кесимталар (биопсия) олиш ва ташқаридан туриб ички аъзоларда кичик операцияларни ўтказиш учун эндоскопия аппаратлари ишлатилмоқда. Бу операцияларни амалга оширишда фото ёки киноплёнкага суратини олиш учун эндоскопик аппаратлар толали оптика билан жиҳозланган.

Даволаш техникаси ва технологияси ҳам юксак даражада кўтарилди. Хирургияда эришилган ажойиб ютуқлар ҳайрон қоларли даражада. Трансплантация — аъзоларни (буйрак, юрак, жигар, баъзи ички секреция безлари), айрим тўқималар (суяк, қон томирлари, мускулларни) кўчириб пайванд қилишда эришилган ютуқларни фангаги чинакам мўъжизалар деса бўлади. Бундай операциялар ҳозир кўп клиникаларда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундай моҳирона техникани кенг қўллашдан илгари узоқ йиллар тажриба шариотиди, ҳайвонлар устида ўтказилган ўнлаб операцияларда бир қатор мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келди. Булар орасида энг муҳими — кўчирилган ўтказиладиган аъзо ва тўқималарни қаердан, қимдан олиш, ўтказиладиган аъзонинг қабул қилувчи организмда яшаб кетиши учун турлар, шахслар орасида тўқима номунасонбилиги қаршилигини енгиш каби муаммоларни ҳал этиш лозим эди.

Ҳозирга қадар дунёда 20 мингдан ортиқ буйрақни кўчириб ўтказиш операцияси амалга оширилди. Юрак трансплантацияси XX асрининг иккинчи ярмида назарий ва амалий жиҳатдан эришилган муҳим галабалардан бири бўлди. Бу мураккаб операция биринчи марта 1967 йили Жанубий Африка Республикасида Кристиан Бернард томонидан бажарилган эди. Ундан кейин анчагина юрак трансплантацияси, шу жумладан, сунъий юракни ўрнатиш операцияси хал қилинди. Аммо ўзга юрак билан узоқ яшаган кишилар ҳозирча йўқ. Гап шундаки, маақур муаммонинг ҳал қилинмаган томонлари кўп. Тегишли, мувофиқ келадиган донор (кўчириб ўтказиладиган юракни) топиш, иммунологик келишмовчиликни йўқотиш муаммоси турибди. Қолаверса, бу операциянинг ахлоқий томони — юрак донори ким бўлишига ҳам аҳамиятга эгадир.

Хирургиянинг бошқа соҳаларида ҳам талайгина муҳим янгилликлар бор. Ортопедия, травматологияда синган суякларнинг тез ва беуқсон битиби кетиши, томирларни, узилган мушакларни тикиш методлари ишлаб чиқилди. Офтальмохирургияда, яъни кўз касалликларини даволашда янги микрохирургик техника, лазер нур-

ларидан фойдаланиш кенг жорий этилмоқда.

Юрак мускуллари функциясини ўрганиш, унинг ҳолати ҳақида текшириш йўли билан ёки автоматик равишда ахборот олиш ҳамда бузилган ритмин тездан тузатишга қаратилган тадбирларнинг қўлланиши — бу юрак-томир касалликларини диагностикаси учун ва кейинчалик самараси энг мақбул даволаш усулларини танлашда жуда катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам маақур соҳани тақомиллаштириш замоннинг зарур талаби. Чунки юрак-томир касалликлари аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва кўпга ўлимга сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда медицинада диагностика ва даволаш учун электромагнит тўлқинларнинг бошқа хиллари кенг қўламда муваффақият билан қўлланилаётди. Шулардан энг муҳимлари ультратовуш ва лазер нурларидир.

Ультратовуш оддий товушдан тўлқин узунлиги (частотасининг юқорилиги) билан фарқланади. Одам қулоғи 16 минг герцгача бўлган тўлқинларни қабул қила олади. Ультратовуш тўлқинлари эса 20 минг герцдан ортиқ бўлгани учун эшитилмайди, лекин оддий товуш каби жиесларда ва тўлқинларда тўлқин узунлигига қараб маълум тарзда тарқалади (ютилади) ёки бирор тўсикка урилганда акс садо ҳосил қилади. Ультратовуш импульслари текшириладиган жойга юборилганда турли аъзолардан, тўқималардан қайтарлиб, электрон-нур лампаси уларнинг йўналиш тасвирини беради. Бу метод ультратовуш эхографияси деб аталади, медицинада тобора кенг қўлланилмоқда. Ультратовуш ёрдамида аъзо ва тўлқинларнинг ҳажми, шакли, тузилиши, таркиби, ўзаро жойланиши ҳақида бир неча дақиқа ичида маълумот олиш мумкин. У ақшерликда ҳомиланинг тақомили ва унинг жойланишнинг текшириш учун жуда қулай, шунингдек, юрак ва унинг атрофидаги тўқималарнинг тузилишини, функционал ҳолатини, офтальмологияда эса кўз ўлчовларини аниқлаш, унда ўсма ёки ёт нарсалар бор-йўқлигини билишда ва қалла суякларини текширишда қўлланилаётди. Ультратовуш нурларидан баъзи касалликларни даволашда ҳам фойдаланилмоқда.

Кейинги йилларда медицинада диагностика ва даволаш мақсадида лазер нурлари ҳам кенг қўлланила бошланди. Бу нурлар операция жараёнларида, хусусан, офтальмохирургияда катта муваффақият билан қўлланилмоқда. Лазер нурларидан тўқимани кесиб, ямаш ва бошқа бир қанча операцияларда ҳам фойдаланилмоқда. Бунинг учун операция майдонини астойдил таъйиш талаб қилинмайдиган, маҳаллий оғрикислантириш ҳам лозим эмас. Шуниси ҳам борки, лазер нурлари яра битишини тезлатади.

Дорилар ёрдамида даволаш медицинанинг энг эски, ишончли воситасидир. Қадим замонлардан бери асосан табиатдаги тайёр доривор ўсимликлар ва

улардан тайёрланадиган дорилардан фойдаланиб келинган. Оз бўлса-да ҳайвонот маҳсулотлари, турли минерал моддалар, тузлар ҳам ишлатиларди. XIX асрининг ўрталаридан бошлаб органик ва фармацевтик кимёнинг ривожланиши туфайли синтетик дорилар яратиш қўлами кенгайдди.

Асримизнинг 40-йилларидан химиотерапевтик препаратлар, айниқса, кўп синтез қилина бошланди. Бу даврда йирингли касалликлар, масалан, зотилжам, яра-чақаларнинг йиринглини, қонда бактерияларнинг тарқалиши, сепсис бемор соғлиги учун жуда хавфли ва ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўлади. 1920 йилларда инглиз олимми Флеминг биринчи бўлиб бактерия — оддий моғор замбуруннинг ўсиши йиринг ҳосил қилувчи (ҳавода, туپроқда, умуман, атроф муҳитда кенг тарқалган) микроб — стафилококки ўлдирадиган моддани кашф этди ва уни пенициллин деб атади. Маълумки, уруш шариотидида жуда ҳам кўп учрайдиган йирингланган яраларни даволашда пенициллин ниҳоятда самарали бўлиб чиқди. Неча минглаб беморларни ўлимдан сақлаб қолди. Шу тариқа турли юқумли ва яллиғланган касалликларини даволаш учун ўнлаб антибиотик дорилар яратила бошланди.

Партия ва ҳукуматимиз ҳамisha халқ саломатлигини муҳофаза қилишни ўзларининг биринчи галдаги вазифалари деб қарадилар ва доим совет халқларининг саломатлиги ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳасида партия ва ҳукуматимизнинг халқ саломатлигини сақлаш йўлидаги оталарча ғамхўрлиги яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топган. Лойиҳада, жумладан, шундай сатрларни ўқийми: «Аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва дам олиш шариоти доимо яхшилаб борилсин. Соғлиқни сақлашнинг профилактика йўналиши кучайтирилсин, медицина хизмати сифати яхшилансин ва бутун аҳолини ҳар йили диспансер кўригидан ўтказишга аста-секин ўтиш таъминлансин».

Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш устида кенг қўламда мана шундай кузатиш ва назорат олиб бориш мақсадида махсус автоматик системалар яратилган. Эпидемиологик текширишлар, диспансеризация, касал диагностикаси ва уни даволаш жараёнида жуда кўп анализлар, инструментал текширишлар ўтказилиб, унинг ҳолати ҳақида мукаммал ахборот олинди. Қон, сийдик, ошқозон-ичак шираси, тўқима кесмалари (биопсия), хилма-хил биокимёвий, иммунологик, гормонал ва морфологик анализлар қилинди. Кейинги вақтларда касал диагностикаси учун қонда, тўқималарда ферментларни текшириш, анализлар учун энзимлардан фойдаланиш (эн-

ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАРНИ КЎЗЛАБ

ХОЗИРГИ пайтда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий машина ва дастгоҳлар шу қадар тақомиллашиб бораётки, бу ҳол тезкор асримизда табиийдай туюлиб қолди. Ҳолбуки, ота-боболаримиз илгари қандай иш қуролларидан фойдаланганига эътибор берсак, ишлаб чиқарилаётган техника воситаларининг аҳамяти ўз-ўзидан равшан бўлиб қолади.

Масалан, лоқал ота-боболаримизнинг асосий касби бўлган пахтачиликни олиб кўрайлик: ...Чигит не-не машаққатлар билан ерга қадалган. Етиштирилган ҳосил урчуқларда ёки жўнгина дастгоҳларда йгирилган. Эндиликда эса электрон мосламалар ўрнатилган «Кедр» типидagi чигит экиш сеякалари, урчуқсиз йигирув машиналари ва бошқалар меҳнат унумдорлигини гоётада ошириш имконини берапти.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги номли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси атиги бундан икки йил муқаддам республикада қолоқ корхоналардан бири ҳисобланар эди. Ҳа, 1983 йилгача корхона бир маромда ишламас, давлат пландари ўлда-жўлда бажарилар, қишлоқ меҳнаткашларига берилган ваъдалар қозғада қолиб кетар эди. Корхонадаги кадрларнинг салкам учдан бир қисми турли сабаблар билан бўшаб кетишар, айниқса инженер-техник ходимлар ўртасида кадрлар кўнимсизлиги авж олган эди.

Ўқтам Исмоилов ана шу корхонага директор этиб тайинлангандан сўнг асосий

эътиборни меҳнат интизомига, кадрлар билан ишлашга қаратди. Кечагина қоқоқлар рўйхатида бўлиб келган корхона эндиликда фақат республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам илгорлар қаторида тилга олинadиган бўлди. 1985 йилнинг социалистик мусобақаси якуналари бўйича корхона Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзулари Совети, шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини олди. Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўн биринчи беш йилликнинг якуновчи йили пландари муваффақиятли адо этилди. Ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ўсиши юксак натижалар берди.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Октябрь пленуми маъқуллаган КПССнинг янги тахрирдаги Программаси ҳамда «СССРни иқтисодий-социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳалари биланшма инженер-техник ходимлари ва ишчи-хизматчиларининг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигини оширишда муҳим омил бўлди. Пленумда ўқитиб ўтилганидек, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва халқ фаровонлигини янада ошириш, она-Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш қилинаётган ишларнинг асосий заминини ташкил этади.

Улкан режаларни амалга оширишда фан-техника тараққиётини ҳар томонлама ривожлантириш тажрибаларини Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда корхонада

замонавий технология базасида сеякаларнинг рама конструкцияларини пайвандлаш ва бўяш бўйича иккита комплекс, механизмлашган линия, майда сериядаги машиналар ва эскорт маҳсулотлар цехлари, кўсак чувиш машиналарини конвейер усулида йиғиш ва автоматларда деталларни қайта ишлаш комплекс механизациялаш участкалари ишлаб турибди.

Ўтган ўн биринчи беш йилликнинг кейинги икки йилида корхонада чинакамига улкан ўзгаришлар рўй берди. Ишчи-хизматчилар учун катта гамхўрлик кўрсатилаётган бу корхона цехларида фақат унумли меҳнат қилиш учунгина эмас, балки мароқли дам олиш учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилган. Учинчи, йигирманчи, ўттиз олтинчи цехлари, қуюв цехидаги ишчиларнинг дам олиш хоналари расомлар томонидан гоёта нафис қилиб безатилган. Бу ерда меҳнат эстетикасининг намунаси йўлга қўйилганини эътироф этиш керак.

Корхонада ишчи-хизматчилар учун барча маиший шарт-шароитлар яратилган. Ишчилар бу ердаги магазинлардан хоҳлаган нарсаларни ортиқча вақт сарф қилмай харид қилишлари мумкин. Корхона ҳар йили шаҳар Бош универсал магазини билан шартнома тузмоқда. Ишчиларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шартноманинг ҳажми йил сайин ошиб бermoқда.

Шунингдек, Тошкент районидagi Карл Маркс номли ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг меҳнаткашлари машинасозларни бир неча йилдан буён муттасил янги сабзавот ва мевалар билан таъминлаб турибди. Хуллас, бу ерда ишчи ва хизматчи-

зимнодиагностика) жуда кенг қўлланмоқда.

Ҳозирги медицина технологияси бу анализларни ишончли: кўпинча автоматлаштирилган аппаратлар (автоанализаторлар) ёрдамида, юксак даражада тақомиллашган замонавий усулларни қўллаб, тезлик билан бажарилишини кўзда тутаяди. Лекин ҳамма касалларни, хусусан, рақни, ҳомилла ривожланишидаги нуқсонларни белгилашда анализ қилиб диагноз қўйиш усули ҳозирча ишлаб чиқилган эмас. Бунинг учун бошқа усуллар қўлланилади.

Иммунодиагностика ва (иммуно) энзимотерапия клиникаларда кенг қўлланади, касаллик патогенини ва келиб чиқиб механизмини аниқлашда молекуляр биология, генетика ва иммунологиянинг сўнгги ютуқларидан фойдаланилмоқда. Ҳозирги замон медицина технологиясидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш медицина хизматининг сифатини оширади. Бу метод ва маъруза технологиядан самарали фойдаланиш врачдан, ўрта медицина ходимлари ва

техниклардан махсус тайёргарликни талаб қилади. Медицина технологиясининг самарали натижа бериш аҳоли орасида медицина билимлари тарғиботи, санитария ва гигиена маданияти юксак даражада бўлишига ҳам боғлиқдир. Аввало, шунга доимо алоҳида эътибор бериш керакки, профилактика, яъни касалликнинг олдини олиш уни даволашдан кўп марта қулай ва арзондир. Бу талаб ва тартибга фақат медицина ходимигина эмас, балки ҳар бир киши қатъий риоя қилиши зарур. Айниқса, бу талабнинг ўринли эканлигини врач назоратида бўлган ҳар бир бемор яхши тушуниб етиши керак. Масалан, қандли диабетга учраган бемор врач тайинлаган режимга амал қилмас, қон ва сийдикда қанд миқдорини вақтида текширтириб турмас, у шифо топиши қийин бўлади. Демак, бунда буюк ҳақим Ибн Сино айтгандек, бемор ва шифокор бир томонда бўлса, албатта кутилган натижага эришилади.

Медицина фани улкан муваффақиятларга эришган бўлишига қарамай ҳали ҳал бўл-

маган долзарб муаммолар талабига. Тиббиёт ходимларининг вазифаси ҳаёт кўндаланг кўйган муаммоларни фан ва техника тараққиёти эришган энг юксак гоёлар ва техника ютуғи омиллари асосида ҳал қилишдир. Бу вазифани медицина фани физика, кимё, биология, техника ва шу фанларнинг айрим тармоқлари ҳамкорлигида ҳал қилиши лозим. Ҳозирги замон медицинаси олдида хавфли ўсманнинг табиатини тушуниш, унинг олдини олиш, даволашнинг самарали методологиясини ишлаб чиқиш энг долзарб масаладир. Уни ҳал қилишда генетика, вирусология, молекуляр биология фанларининг ютуқларидан ва методларидан фойдаланган ҳолда рақни даволаш учун янги кимёотерапевтик препаратлар яратилиши керак. Наслий касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳам шу кунинг муҳим муаммоларидир. Бугунги кунда фан олдида юрак-томир касалликларининг пайдо бўлишини ўз вақтида аниқлаш, унинг мураккаблашининг олдини олиш, қандли диабетнинг тарқалишини чеклаш, самарали,

қулай ва арзон даволаш усулларини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифалар турибди.

Вирус касалликлари, хусусан, юқумли гпигит (сарик касаллиги) ва унинг бошқа хилларни, алергик касалликлар, гриппнинг тарқалиш қонунияти ва профилактика асосларини ишлаб чиқиш шифокорлар олдида турган зарурий вазифалардир.

Бу муҳим ва мураккаб масалаларни замонавий жиҳозланган лабораторияларда малакали ходимлар ва ўз ишининг фидойилари шугўллангандагина муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Шубҳа йўқки, фан-техника ривожланган бизнинг давримизда медицина технологияси ҳам фундаментал тадқиқотлар асосида янги босқичга кўтарилди. Олимлар ва врачларимиз ўз зиммаларидаги олижаноб, айна вақтда мураккаб вазифа — совет кишиларининг саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли бурчларини адо этишлари учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар мавжуддир.

ларнинг рўзгор эҳтиёжлари учун ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Ишчиларга хизмат кўрсатаётган тўртта магазинда харидорлар талабини ҳисобга оладиган дафтарлар ташкил этилган. Корхона ичида газета киоскидан тортиб, омонат кассагача, поезд ва самолёт билетларини сотадиган кассаларгача мавжуд. Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг ишчилар учун кўрсатаётган оталарча гамхўрлиги натижасидир.

Бундан бир неча йил муқаддам ишчи-хизматчилар корхонадан безиб, бўшаб кетишган бўлса, эндиликда кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди. Корхонанинг юқори малакали мутахассислари ҳар бир ишга қабул қилинаётган бўлажак ишчилар билан батафсил суҳбатлашадилар. Уларнинг қобилиятларига муносиб баҳо берадилар.

Корхона ишчилари яқин келажақда спорт-соғломлаштириш комплексига эга бўладилар. Шунингдек, бу ерда 800 ўринли кинотеатр, 400 ўринли клуб бунёд этилмоқда. Пойтахт областининг Хумсон посёлкасида ишчиларнинг фарзандлари учун 240 ўринли пионер лагери, корхона профилакторийси қурилиши тугалланмоқда.

Буларнинг барчаси меҳнат интизоми, иш ва сўз бирлиги, иш унумини янада ошириш масалалари билан боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, барча салбий ҳодисаларга барҳам бериш юзасидан бирлашма маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари изчил иш олиб бормоқда.

Маълумки, замонавий шароит тақозосига кўра ишчи касбининг моҳияти тубдан ўзгартирилмоқда. Мавжуд машина ва ускуналар

ишчиларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан шаклланишларини тақозо қилаяпти. Зотан, бугунги ишчи ўз малакаси, билими, техникани тушуниш савияси юксаклиги билан ажралиб туради. Ҳазрати ишчиларимизнинг ўз касбларига онгли муносабатда бўлганлари сари иш сифати, самараси яхшиланиб бораёпти. Жумладан, биргина Тошкентда ҳар кун ўртача 71 та трактор, 28 та пахта териш машинаси, 23 та компрессор, 22 та чигит экиш сеялкаси ишлаб чиқарилаёпти.

КПСС XXVII съездини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун иш унуми ва сифатини тобора ошираётган бирлашма коллективи мавжуд резервларини ишга солишга муҳим эътиборни қаратаёпти. Улар олдида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида барча бўлимларда раҳбарлик ишларини қайта кўриш, топширилган иш учун масъулиятни кучайтириш, қишлоқ меҳнаткашларига етказиб берилаётган машиналар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг техникавий савиясини янада мустаҳкамлашдек муҳим вазифалар турибди.

Ун иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида — бирлашма коллективи фаолиятида катта ижобий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бу ерда ҳозир ҳисоблаш маркази учун замин тайёрланаёпти. Учта ихчам технологик системани жорий этиш, 35 та рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳларни ўрнатиш, 20 та ёрдамчи ишлаб чиқаришда техника янгиликларини жорий этиш кўзда тутилаяпти. Эскирган ускуналарни олиб ташлаш, прогрессив технологик жараёнларни жорий этиш борасида бир мунча ишлар қилинаяпти.


Айни пайтда эса «УПХ-1,5В» маркали

кўсак чувиш машинасини такомиллаштириш ва «СХС-8» машинасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини анча ошириш, меҳнат сарфини бирмунча камайтириш имконини берди.


Ун иккинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини ўтган беш йилликка нисбатан салкам 42 процент, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатини эса деярли бир ярим баравар ошириш кўзда тутилаяпти. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг ўн иккинчи беш йиллик учун фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан ўз иммаларига олган социалистик мажбуриятларида, жумладан ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, қўллик металл ва электр қувватини тежаш, «СХС-8» типдаги юқори унум билан ишлайдиган янги саккиз қаторли сеялкаларни тайёрлашни ўзлаштириш ва гербицидларни сочишга мўлжалланган «ПВГ-8» қурилмаларини тайёрлашни йўлга қўйиш, камида иккита маҳсулотни юксак сифат категориясига тавсия қилишга тайёрлаш ва бошқа режалар белгиланган.

Бирлашмада ҳар бир ишчи бу юксак мажбуриятларнинг бажарилиши унинг қўшадиган шахсий ҳиссасига боғлиқ эканлигини яхши тушунади. Ленин ордени нишондори Д. Нурматов, слесарь-асбобсоз С. Отажонов, токарь В. Дьяков, Ф. Холматов, Ж. Юнусов ва бошқа юзлаб коммунистик меҳнат зарбдорлари «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик» вахтасида туриб ишлаб, аjoyиб муваффақиятларини қўлга киритишмоқда. Ҳа, улар ишчи номини шарафламқодалар. Карл Маркс ибораси билан айтганда, бугунги ишчилар синфи ҳозирги замоннинг етакчи кучи — «социал ақли ва социал юраги» ҳисобланади. Улар эришаётган ютуқлар умумхалқ мулкига айланиб бормоқда. Бирлашма ишчилари ўз касбларини удуғлаб, халол ва фидокорона меҳнатлари билан эл-юрт олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Ҳамид ИКРОМОВ



Пармаловчи уста Нормурод Назаров.



Қизилқумдаги чуқур хавзаларга ўрнатилган пармалаш ускунаси.

В. Казанцев фотолари.
(ЎЗТАГ)

ҚАДИМГИ ҚЎЛЕЗМА

Мини вилоятидаги Эл-Амрада мавзигида қазилган ишлари олиб бораётган мисрлик ва кувайтлик археологлар мусулмонларнинг Мисрни истило қилиш даврига оид тўртта қадимий сағанани, фавворани ҳамда уй буюмлари ва бронза тангаларини топдилар. Яна энг ноёб топилма шу бўлдики, олимлар 13 аср муқаддам тузилган ва «Эл-Бахнасининг истило этилиши» деб номланган жуда қадимий қўлёмани ҳам қўлга киритдилар. Олимларнинг айтишича, маъмур қўлёмаси бу вилоятнинг истило қилиниш тарихига оид муҳим маълумотлар бериши, мусулмонларнинг бостириб кириши ва мисрликларнинг истилочиларга қарши кўрсатиш воқеалари баён жихатидан ҳам муҳим тарихий қимматга эгадир.

РАҲБАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ

Эркин ЮСУПОВ,

ЎзССР Фанлар академиясининг вице-президенти

СИЁСИЙ маданият — бу, ўзида маънавий ҳалол-покликни, ишчанлик ва узоқни кўзлаб иш тутати билан фаилатларни мужжасам этган кадрларнинг гоёвий-сиёсий етуқлиги, назарий билимларни истиқболни эркин тасаввур этган ҳолда амалда қўллаб билиш, кун тартибидоги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий вазибаларни кенг миқёсларда ҳал эта олиш маҳорати демакдир. Бу тушунча фаоллик ва ташаббускорликни, юксак ахлоқийлик, ирода, муомала, масъулият туйғусини ҳам ўз ичига олади.

В. И. Ленин назарий масалаларни юзак билишнинг, сўзда қайд этишнинг ўзигина вазибаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлай олмайди, деб қайта-қайта таъкидлар эди. Назарий билимлар ҳар бир коммунистнинг эътиқодига, фаолияти ва хатти-ҳаракатининг мазмунига айлангандагина сиёсий маданиятнинг асоси бўлиб юзага чиқади.

В. И. Ленин сиёсий маданиятни шакллантириш партия ва совет ташкилотлари раҳбарларини тарбиялашнинг энг муҳим шари экани устида тўхтаб шундай деган эди: «Биз ўз йўлимиздан бораверамиз, ҳақиқий ташкилотчиларни, яхши ўйлаб иш қиладиган, ишнинг кўзини биладиган, социализмга садоқатли бўлиш билан бирга жуда кўп кишининг совет ташкилоти доирасида аҳил бўлиб, биргалишиб, пухта ишларни жимгина (тўс-тўполон ва шовқин-суронга парво қилмасдан) йўлга қўя оладиган кишиларни мушкн қадар эҳтиётлик ва чидам билан синиб, билиб олишга ҳаракат қилаверамиз. Фақат ана шундай кишиларни, ўн марта синиб кўргандан кейин, энг олдий вазибалардан энг қийин вазибаларга кўчира бориб, халқ меҳнатига раҳбарлик қилиш, идора ишларига раҳбарлик қилиш сингари масъул вазибаларга кўтармок керак». (ТАТ, 36-том, 219-бет.)

КПСС бугунги куннинг реал имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳисоба олиб, социал-иқтисодий, илмий-техникавий тараққиётни янада жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва интенсификация, кишиларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолигини кучайтириш, хўжалик механизмини бошқаришни такомиллаштириш каби аниқ вазибаларни кўйган ҳозирги шароитда раҳбар кадрларнинг сиёсий маданиятини доимий суратда ошириб бориш зарурлиги ҳақидаги ленинча гоёлар янада муҳим аҳамият касб этмокда.

Ҳозирги шароитда раҳбар кадрлар партия сиёсатининг моҳияти ва мақсадларини чуқур тушунишлари, ўзларининг зиммасига юкланган вазибаларга нисбатан муносабати, кишиларни халқ хўжалиги олдида турган кечиктириб бўлмас вазибаларни бажаришга сафарбар эта билишлари ниҳоятда катта аҳамият касб этмокда.

КПСС Марказий Комитетининг Март (1985 йил) пленумида таъкидланганидек, барча участкаларда, ҳамма ерда ва ҳар ишда коммунистлар гражданилик бурчини адо этиш, жамият манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор тоштириш намунаси бўлишлари керак. Бу гап аввало партия кадрларига, партия ва давлат раҳбарларига тааллуқлидир.

Юксак сиёсий маданиятга эга бўлган раҳбар кадрлар партиянинг олтин фонди ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1985 йил 7 сентябрда Целиноград шаҳрида бўлиб ўтган партия-хўжалик актив кенгашида сўзлаган нутқида кишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида партиянинг асосий вазибаларини таъкидлаб, куйидагиларни айтди: «Кадрлар билан ишлаш — кишлоқ райкомни ун муҳим масала. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари — чиндан ҳам кадрларимизнинг олтин фондидир. Ҳар бир районда, ҳар бир область, ўлка, республикада хўжалик раҳбарлари кадрларининг барқарор корпуси вужудга келиб, мустаҳкамланиши учун раислар ва директорларнинг оғир ишни юксак қадрлаш ва бу ишнинг обрўсини ошириш керак». Бу масалани жадаллик билан ҳал этиш зарурати жамиятимизда социалистик демократияни такомиллаштириш жараёни билан ҳам белгиланади. Социализмнинг маънавий бойликлари барча совет кишиларининг кундалик турмушларида одатий ҳол бўлиб қолаётди. Буларнинг барчаси «сиёсий маданият» деган тушунча мазмунини янада кенгайтиради. Раҳбарлардан талаб қилинадиган масъулият ҳам ортб бормокда. Раҳбар — бу омманинг ташкилотчиси, жойларда, конкрет участкаларда партия сиёсатини ўтказувчидир. Раҳбар — бу, омманинг мураббийси бўлиб, фақат гап-сўзлари, билими, тажрибалари билангина эмас, балки бутун гоёвий-маънавий қиёфаси, муомаласи, инсонийлиги, партиянинг ҳозирги замон шароитидаги

ички ва ташқи сиёсати моҳиятини чуқур англаши билан ҳам одамларга таъсир ўтказа билиши керак.

Имперализм ва реакция кучлари илмий социализм ва коммунизм гоёларига, КПССнинг ижтимоий ва миллий сиёсатига қутуриб ҳужум қилаётган, халқларимиз дўстлигига раҳна солишга интилаётган бир пайтда, мафкуравий кураш жаҳон миқёсида доимий суратда кучайиб бораётган шароитда раҳбарларнинг сиёсий маданиятини ошириш зарурати яна ҳам муҳим бўлиб қолмокда.

Раҳбарларнинг сиёсий маданиятини ошириш формалари, методлари, воситаларини такомиллаштириш борасида бизда бирмунча ижобий тажрибалар тўпланганки, республиканинг партия ва совет органларида ишлаётган кўплаб кадрларнинг гоёвий-сиёсий даражаси, маънавий жиҳатлари ва профессионал билимлари ана шундан далолат беради. Бироқ бу ишда ҳам расмиятчилик, кўзбўямачилик ҳамон оз эмас. Бизда раҳбар кадрларнинг сиёсий маданияти даражасини белгилаш учун талаб қилинадиган мезонлар ҳали-ҳозир етарлича чуқур ишлаб чиқилмаган. Кадрларнинг гоёвий-сиёсий етуқлигини баҳолаш борасидаги қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликлар оқибати экономика соҳасидаги қўшиб ёзишларга нисбатан ҳам хавфлироқдир. Иқтисодий ҳаётда йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни тезда йўқотиш мумкин. Гоёвий-сиёсий ишда гап кишиларнинг дунёқарашини, эътиқоди, тушунча ва тасаввурлари ҳақида бормокдаки, бу борада йўл қўйилган камчиликларни тугатиш анча мураккабдир. Кадрларнинг партия ички ва ташқи сиёсати билан расмий суратдаги розилиги эмас, балки олдимишга қўйилган вазибаларни ҳал этишда фаол, онгли, аниқ мақсад билан иштирок этишлари ниҳоятда муҳимдир.

Ваъзид раҳбар кадрларнинг хўжалик ва ташкилотчилик фаолиятидаги кўрсаткичларга асосий эътибор қаратилиб, уларнинг гоёвий етуқлиги, шахсий фаилатлари, маънавий поклиги каби жиҳатларга кечиримли назар билан қаралади. Иқтисодий кўрсаткичлар, вақтинчалик муваффақиятлар соясида қолган паст сиёсий маданият йирик ишларда — партиянинг миллий ва социал сиёсатини ўтказишда, гоёвий-тарбиявий ишларда салбий оқибатларга, катта ижтимоий-сиёсий йўқотишларга олиб келадики, бу нуқсонларни тузатиш учун қанча-қанча йиллар керак бўлади.

Иқтисодий ва социал ҳаётда етмишинчи йилларда кенг тус олган рақамбозлик шундай бир ҳолга олиб келдики, бунинг натижасида айрим партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари, колхоз раислари, ишлаб чиқариш корхоналари ва совхоз директорлари сохта шон-шухратга буркандилар, улар қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликка ружу қўйиш оқибатида халқ хўжалиги планларини бежаб кўрсатиб келдилар. Айрим пайтларда олсини кўришдан ожиз раҳбарларга нисбатан кечирувчанлик муносабатлари бўлиб турди.

Ҳаётимизда ана шундай салбий жиҳатларнинг мавжудлиги раҳбар кадрларнинг сиёсий ўқуви таъсирчанлиги ва самардорлиги масаласини ҳам жиддий таҳлил этишни тақозо қилмокда. Ахир шу каби хатоликларга йўл қўяётган раҳбар кадрларнинг кўпчилиги сиёсий маориф бўғинларининг талайгина босқичларидан ўтганлар-ку. Бундан шундай ҳулоса келиб чиқадики, раҳбарларнинг сиёсий маданиятини ўстириш мақсадида сиёсий ўқув соҳасидаги расмиятчилик ва бюрократизм, юзакчилик каби иллатлардан тезда халос бўлиш зарур. Раҳбар ҳодим яхши назарий тайёргарликка эга бўлмоғи, партия гоёларининг туб моҳиятини билиши ва садоқатли бўлиши лозим. Унинг маънавий эътиқоди ва етуқлиги, умумий маданият савияси қилаётган ишларда намоён бўлмоғи керак. Айниқса бу ҳол ижтимоий тараққиётда инсон омили беқисс даражада ўсаётган ҳозирги шароитда ниҳоятда муҳимдир. КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасида ҳам бу муҳим масала куйидагича алоҳида қайд этилади: «Партия белгиланган вазибаларни муваффақиятли ҳал этишни инсон омили ролининг оширилиши билан боғлайди. Социалистик жамият ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг янги-янги йўлларини топмасдан туриб, самарали тарзда иш юрита олмайди. Тарихий мақсадлар кўлами қанчалик кенг бўлса, миллионларнинг уларга эришишида хўжайинларча манфаатдорлик, масъулият билан, онглилик билан фаол иштирок этиши шунчалик муҳимдир».

Давримиз ана шундай долзарб вазибаларни олдинга сураётган бир пайтда на миллий, на жинсий мансубликдан ва ёшидан қатъий назар сиёсий маданият ҳар бир раҳбарнинг зарурий фаилат белгисига айланиши лозим. Бу борада барча раҳбарлар сиёсий маданияти

даражаси учун бир хил мезон мавжуд бўлиб, унинг қандайдир иккинчи даражали омиллар учун қурбон этилиши умумий ишимизга ҳамиша катта зиён етказиб келган ва зиён етказмоқда.

Баъзан айрим раҳбарлар маълум маънода сиёсий тайёргарликка эга бўлсалар-да, уларда зарурий профессионал савия етишмайди. Сиёсий билимлар эътиқодга айланмаган, профессионал савия ижтимоий ва фан-техника тараққиётининг сўнгги ва энг янги ютуқлари билан омухталаниб, изчил ўстириб борилмаган жойда ана шундай ҳол ўз беради. Айрим раҳбарлар умумий профессионал тайёргарлиги даражасининг пастлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнаткашларнинг маданияти, турмуш фаровонлигини кучайтириш йўлига тўсиқ бўлиб қолаётди.

Шу билан бирга маънавий ахлоқ масалалари ҳам муҳим, зеро, раҳбарлар томонидан коммунистик ахлоқ нормаларининг бузилиши оммага ниҳоятда салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли сиёсий баркамоллик, профессионал етуклик ва маънавий поклик ҳислатларининг муштараклиги барча раҳбарлар учун мажбурий бўлиши лозим. Мана шу фазилатларнинг барчаси биргалликдагина раҳбарнинг юксак сиёсий маданиятини ифода этади.

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ партия, совет ходимлари ҳақида таъриб, уларнинг зарурий фазилатларини куйидагича — ҳалоллиги, сиёсий позицияси, иш билиши, маъмурий ишларга қобилияти нуқтаи назаридан (ТАТ, 53-том, 109-бет) белгиланган эди.

Бу масалага масъулият билан ёндашиш ва барча бўғинлардаги раҳбарларни жамиятимизнинг бугунги тараққиёт босқичи талаблари ҳисобга олиниб, сиёсий доимий суратда, принципиаллик билан аттестациядан ўтказиш пайти етиб келди.

Раҳбарнинг сиёсий маданияти унинг истикболни кўра билишида, янги ва прогрессив жиҳатларни пайқаб, ўз пайтида қўллаб-қувватлаб, ҳаётга татбиқ эта олишида ҳам намоён бўлади. Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, республикада партия раҳбарларининг кўп қисми ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш масалаларини ўз пайтида ҳал этиш учун ғайрат билан ишга киришмоқдалар. Шу билан бир қаторда ҳамон интизомсизлик, лоқайдлик ва сусткашлик, умумдават манфаати нуқтаи назаридан фикрлай олмаслик, маҳаллийчилик каби ҳоллар ҳам рўй бериб турибди.

Раҳбарларнинг юксак сиёсий етуклиги партиянинг кадрлар сиёсатини тўғри тушуниш ва амалга ошириш борасида ҳам намоён бўлади. Кадрларни уларнинг сиёсий савияси, ишчанлик фазилатлари ва ахлоқига қараб тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1985 йил Март, Апрель, Октябрь пленумларининг қарорлари қай даражада муваффақиятли амалга оширилаётганлигини кўрсатувчи тадбирлардир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида республиканинг Бухоро, Қашқадарё ва бошқа областларида йўл қўйилган камчиликлар жиддий танқид қилинди. Сиёсий тайёргарлиги саёз бўлган раҳбарларда юлғичлик кайфияти ва маҳаллийчилик кўринишлари айниқася кучли намоён бўлишини тажриба кўрсатди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу борадаги нуқсонларни муросасизлик билан очиб ташлади. Ҳар бир раҳбар

олдига халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишга «катта сиёсат» нуқтаи назаридан ёндашиш вазифалари қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми баъзи кишиларнинг раҳбарлик лавозимларига ошна-оғайнигарчилик ва юртдошлик белгиларига қараб кўтарилганликларини кўрсатди. Улар орасида Қашқадарё областидаги бир қатор район партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари Н. Ҳикматов, Т. Тиллаев, Д. Қўшназаров, А. Умиров, Х. Холиқов ва бошқалар бор. Улар ўз фаолиятларида катта хатоликларга йўл қўйиб, кўзбўймачилик ва юлғичлик билан шугулланган кишиларни ҳоимийлик остига олдилар. Фақат ана шу областнинг ўзидагина беш йилликнинг бошидан буён 250 минг тонна пахта турли сабаблар рўқач қилиниб, қўшиб ёзилди. Буларнинг барчаси жамиятимизга фақат иқтисодий томондан эмас, сиёсий томондан ҳам зарар етказди. Бундай хатоликлар республикамизнинг Жиззах ва бошқа областларида ҳам содир бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI, XIX Пленумлари кадрлар билан ишлашда ленинча принципларга қатъий амал қилишда партия комитетларининг масъулиятини кучайтиришни талаб қилди. Ҳозирги пайтда республикада кадрларни лавозимларга кўтаришда юртдошлик, қариндош-уруғчилик ёки манфаатдорлик нуқтаи назаридан қарашларга батамом барҳам бериш учун барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айрим раҳбарларнинг хатти-ҳаракатидаги партиявийлик принципларига, давлат манфаатларига зид бўлган бундай хатоликлар йўқотиб боришмоқда. Лекин бундай иллат йиллар давомида бирмунча илдиэз отган бўлиб, бу заҳарли дарахтнинг шох-шаббаларини кескининг ўзигина кифоа қилмайди, уни таг-томири билан батамом қўпориб ташлаш лозим.

Порахўрлик, ўғирлик ва бошқа ҳар қандай нопок ишлар билан шугулланадиган раҳбар — партияга, социалистик воқеликка соя ташлаётган, тузумимизнинг яширин душмандир.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ёшларнинг билими, куч-ғайрати ва шижоати ёки кадрларнинг тажрибаси, узоқни кўра билиши ва донолиги билан омухталаниши муҳим аҳамиятга молик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI, XIX пленумлари ўртага қўйган вазифалар фақат кечаги кун ҳақида мулоҳаза юритиш учун эмас, балки бугунги кун учун, келажак учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Ўзкомпартия Марказий Комитетининг XIX пленумида сўзлаган нутқида шаронити тўғри таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларни энгиб ўтиш йўл-йўриқларини белгилай олмаган раҳбарларни кескин танқид қилди. Пленумда таъкидланганидек, юзага келган вазиятни ижодий, хушёрлик билан партиявий таҳлил этган тақдирдагина мавжуд камчиликларни ва нуқсонларни ўз пайтида бартараф этишимиз ҳамда фойдаланилмай ётган имкониятларни ишга солиб, иқтисодий тараққиёт суръатларини тезлаштиришимиз, маданиятни юксалтиришимиз, социалистик хўжалик юритишнинг шакл ва методларини такомиллаштиришимиз мумкин.


Раҳбар ходимларнинг сиёсий маданияти тақомилида ватанпарварлик, интернационал тарбиянинг аҳамияти катта. Ватанпарварлик туйғусининг ва сиёсий маданиятнинг етуклиги бир-бири билан



209-мактаб ўқувчиси Шоҳида Зоҳидова.



Ўқувчи Светлана Хрипко.



Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбина-тида. Суратда: 221- ва 225-мактабларнинг ўқувчилари — Дилдора Абдуазимова (ўнгдан), Галина Қосимова ва Марина Александрюк операторлик касбини эгалламоқдалар.

В. Мосин фотолари

чамбарчас алоқадор ва бири иккинчисини тўлдирди. Ватани, партияни, халқни севиш учун энг аввало жамият олдидан турган вазифалар ва мақсадларни чуқур билмоқ керак. Сиёсий эътиқод ва ғойвий камолот билан узвий суратда бирикмаган ватанпарварлик қуруқ шioriғина холос. Ватанпарварлик фидокорона онгли меҳнатда, жамият ва халқ манфаатларини чуқур ҳис эта билишда, жамият олдидан турган вазифаларни англаш ва амалга ошира билиш лаёқатида намён бўлади.

Доно раҳбар одамларни ўргатибгина қолмайди, балки ўзи ҳам оммадан ўрганиб боради. Омма билан доимий мулоқот раҳбарларга янгидан куч-ғайрат бағишлайди, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради, ҳаётга, ўзининг бурч ҳамда вазифаларига жиддий билан қарашга мажбур этади.

Ўзининг хатти-ҳаракатларини, ҳар бир корхонадаги мавжуд аҳволдан доимий таҳлил эта билиш, белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг амалдаги натижаларини танқидий нуқтаи назардан қиёслаш, етилиб қолган вазифаларни ҳал этишнинг энг қулай йўл-йўриқларини излаб топиш — раҳбар ходим сиёсий маданияти етуқлигининг кўрсаткичидир. Ҳар бир меҳнат коллективи олдидан турган вазифаларнинг чуқур сиёсий-иқтисодий таҳлили, бу вазифаларни бутун мамлакат ҳал этаётган вазифалар билан боғлай олиш — кичик нарсаларда яхлитлигини, айрим факторларда чуқур ички жараёнларни илғай билиш маҳоратидан далолатдир.

Ҳозирги замон шароитида — ҳаётнинг барча соҳаларида интенсив тараққий бораётган бир пайтда барча бўғинлардаги раҳбарлар учун вазифаларга нисбатан мустақил ижодий ёндашув ниҳоятда зарурдир.

Жамиятимиз бирлиги ва мўътадиллигининг муҳим шарти бўлган социал адолат принципини тўғри англаш ва унга доимий амал қилиш юксак сиёсий маданият белгисидир. Бу принципнинг бузиллиши фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки, энг асосан, сиёсий, ижтимоий жиҳатдан ҳам зарар келтиради.

Раҳбарлик лавозими — бу, илтиёз эмас. Раҳбарлик — янги масъулиятдир. Лавозим қанчалар юқори бўлса, раҳбарнинг масъулияти ва унга нисбатан талаб ҳам шунчалар катта бўлади. Фақат сиёсий жиҳатдан етуқ бўлмаган кишиларгина раҳбарлик лавозимининг имтиёзларини ўйлаши мумкин.

Ижтимоий жараён муқаррар суратда шунга олиб келадики, эртанги кун кишилари бизнинг бугунги хатти-ҳаракатларимизни социал-иқтисодий, ғойвий-маънавий тараққийнинг янада юксакроқ босқичида туриб баҳолайдилар. Кўпгина собиқ раҳбарларнинг хатоси ҳам шунда эдики, улар ўтган кун воқеаларини баҳолаш билан ўралшиб қолиб, ўз хатти-ҳаракатларининг, ўзлари белгиланган вазифаларнинг сиёсий, иқтисодий, идеологик оқибатлари ҳақида чуқур ўйламадилар. Бугун йўл қўйилган хатони тарих эртага албатта тутади. Агар бу ҳатога бугун йўл қўйилмаганда бу ниҳоятда фойдали бўлур эди.

Ҳаётда доим истиқболни кўзлаб иш тутиш лозим. Кеча фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш, йўл қўйилган хатоликлар ва нуқсонларни бартараф этиш керак. Лекин салбий ҳодисаларга баҳо берад эканмиз, ана шу воқеалардан фақат камчилик ва нуқсон излаш мутлақо нотўғри бўлур эди. Бундай ёндашув материалистик диалектиканинг қарам-қаршиликлар бirlиғи ҳақидаги қонуниятга ҳам зиддир. Салбий ҳодисаларнинг моҳияти ва ўрнини ижобий самаралар билан таққослабгина белгилаш мумкин. Кимки ижобий жиҳатларни кўра билмаса, у ҳаётда рўй берган салбий ҳодисаларнинг моҳиятини ҳам англай олмайди. Бизнинг бугунги кун тараққийимиз — жамиятимизнинг буюк тарихий юксалишининг самарасидир. Энг аввало совет социалистик воқелигимизнинг ана шу бош йўналишини, асосий ва белгилоччи томонларини кўра билиш лозим. Ана шу улкан жараёнда йўл қўйилган камчиликларни, фойдаланилмаган имкониятлар ва ҳал қилинмай қолган вазифаларни кўра билиш — эртанги кун ҳақида жиддий ва серғаклик билан мулоҳаза юритиш демакдир.

Танқидга нисбатан тўғри муносабатда — партиявий, холис, серғак бўлиш ҳам раҳбарнинг сиёсий етуқлигидан далолат. Лекин ҳеч нарса қилмаган кишигина янглишлардан холи, деб бежиз айтилмаган. Айтиш керакки, айрим жойларда юқоридан бўладиган танқид, қўли остидагилар фаолиятини танқидий баҳолаш жуда яхши йўлга қўйилган. Қўйдан бўладиган танқид эса баъзи ташкилотларда ҳали етарлича тарқалмаганлигини эътироф этмоқ керак. Баъзи ҳолларда юқори лавозимдаги раҳбарни у шидан кетиши аён бўлиб қолган тақдирдагина ниҳоятда дадил танқид қиладилар. Қолбуки, қўйдан бўладиган танқид камчиликларни ўз пайтида очиб ташлаш ва бартараф этишнинг муҳим йўлларидан биридир. Ҳар бир раҳбар коллектив олдидан ўз масъулиятини чуқур ҳис этмоғи, унинг қирқларига қулоқ осмоғи, танқидни тўғри қабул қилиши ва

нуқсонларни тугатиш учун зудлик билан чора-тадбирлар белгиланмоғи керак.

Сиёсий маданият кадрлар билан ишлаш маҳоратини ҳам ўз ичига олади. Бу ишда принципаллик, талабчанлик, кадрларга нисбатан ғамхўрлик ва эътибор билан қараш диалектик бирлигини ҳисобга олиш лозим. Партиявий принципаллик ва талабчанлик кадрларни тарбиялашнинг, уларни давр олдига сурган вазифаларни ўз пайтида ҳал этишга йўналтиришнинг муҳим шартидир. Бироқ талабчанлик уларга нисбатан меҳр-эътибор билан қўшиб олиб борилиши керак. Кадрлар — қарорлар ва кўрсатмаларни оддий ижро етувчи иродасиз ва туйғусиз темир роботлар эмас. Ҳар қандай ходим зиммасидаги асосий вазифасидан ташқари ўзининг ор-номуси, нафсонияти, психологияси ва бошқа инсоний хусусиятларга эгадир. Агар талабчанлик фавқулодда дағал, айрим ҳолларда қўполлик билан бирлашиб, кишиларнинг нафсониятини ерга урадиган, ўз позициясини баён этишга йўл қолдирмайдиган бўлса, бу, муқаррар равишда, ишонсизлик, пессимизмга олиб келади, раҳбарларнинг ижодий фаоллигини, мустақиллигини сусайтиради. Яхши, илқ сўз билан ҳам кишиларни социализмни тақомиллаштиришнинг мураккаб ва кўп қиррали вазифаларини ҳал этишга илҳомлантириш мумкин.

Шу билан бир вақтда талабчанликни бўшаштириш, кадрларга ортқ даражада ғамхўрлик кўрсатиш ва мақтовлар ёғдириш, лаёқатсиз кишиларни ҳомийлик остига олиш ва ҳимоя қилиш хатоғина эмас, балки зарарлидир. Ғойий жиҳатдан етилмаган кишилар ўз шаънига билдирилган кечкиз ва асосиз мақтовларни нотўғри тушунадилар. Улар юқори лавозимдаги айрим лаганбардор ва сиёсий гўр, масъулиятсиз раҳбарлар томонидан ўзларига берилган баҳони ўз хатти-ҳаракатларига қиёслаб жиддий мушоҳада эта олиш қобилиятидан маҳрумдилар. Андишасиз мақтовлар туфайли бундай раҳбарлар онгидан ўзларининг гуноҳсизлиғи, ўрнини алмаштириб бўлмадлиғи ҳақида тасаввур уйғониб, улуглик васвасаси, такаббурлик, коллектив фикрини, юқори органларнинг кўрсатмаларини назар-писанд қилмаслик туйғуси вужудга келади. Улар ўз майлларига қараб иш юритишга интиладилар, социалистик ахлоқ нормаларини бузадилар, алдамчилик, қўшиб ёзиш, қўзғабўямачиликка йўл қўядилар. Ана шу зайл улар фақат фойдасиз эмас, балки жамиятга зарарли кишиларга ҳам айлана борадилар. Кечкиз мақтовлар ва ўринсиз ҳомийлик натижасида анча-мунча кадрларни йўқотганимиз хусусида қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда маҳаллий ташкилотлар раҳбарларининг ҳуқуқини кенгайтириш масаласи тобора кенгроқ қўламда кун тартибига қўйилмоқда. Бу борада айрим раҳбарларни шу кенгайтирилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишга ўргатмоқ ҳам зарур.

Ўтмишда йўл қўйилган камчиликлар, нуқсонлар кадрларнинг ташкилотчилик ва илчанлик қобилиятлари, ғойий-сиёсий хусусиятларининг етарли эмаслиғи билан ҳам боғлиқ эди. Бироқ йўл қўйилган ҳамма камчиликларнинг сабабларини айрим кадрларнинг хатоликларигагина йўйиш нотўғри. Кадрлар қўшиб ёзиш, қўзғабўямачилик, давлатни алдаш йўлидан ҳамма вақт фақат шахсий ташаббус билангина бормаганлар. Ана шу салбий ҳодисалар рўй беришига имконият яратган объектив сабабларни ҳам инobatга олмоқ керак. Халқ мулкани катта микдорларда ўғирлаш, талон-тороқ қилиш, ажратилган молдий ресурслардан фойдаланишдаги масъулиятсизлик қўздан яширин бўлиб кетганлиғи тасодиғий эмас. Бу камчиликларнинг сабабларини ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этиш формаларидан, маҳсулот сифати ва самарадорлиқни белгилоччи мезонлардан, раҳбарлик фаолиятининг услуб ва методларидан ҳам қидирмоқ керак. Агар ана шу сабаблар моҳиятини ўрганмас ва бартараф этмас эканмиз, у ҳолда янги кадрлар ҳам вақт ўтиши билан мушкул аҳволга тушиб қолишлари мумкин. Бу ўринда ўтмишда рўй берган салбий ҳодисаларнинг объектив ва субъектив сабабларини диалектик бирликда ҳисобга олиш керак.

Ичкиликка ружу қўйиш — сиёсий маданиятнинг пастлигидан далолат. Давлат ҳисобидан турли хил зиёфатлар берилганлиғи сир эмас. Ҳозирги пайтда ҳар бир раҳбар юксак даражада сиёсий хушёрлик билан алкоғолизм ва ичкиликбозликнинг ҳар қандай кўринушларини тугатиш чора-тадбирларини белгиланмоғи керак.

Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, раҳбар кадрларнинг сиёсий маданиятини ошириш биринчи даражада вазифалардан ҳисобланади. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI, XIX пленумлари қарорларини ўз фойдалари учун дастур қилиб олган республикамиз коммунистлари камчилик ва қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш, халқ хўжалиғи тараққийиғига чинакамига ҳисса қўйиш ҳамда КПССнинг XXVII, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб нишонлаш йўлида белгиланган қатор чора-тадбирлар асосида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳар тўғрида бир шингил

ХАРРАН СИРЛАРИ

Анатольяннинг унумли текисийнинг жасубий-шаркий бурчағида Харран ша-

ҳарчаси жойлашган. Эндиликда кичкина виллатга айланаб қолган бу шаҳар узок ўтмишда ниҳоятда ривожланган марказ эди. Эрамиздан олдинги 3000 йилдан бошлаб мўғул истылосига қадар бу шаҳар маданиятланган муҳим маъмурий ва

савдо маркази бўлган. Ундаги дорилфунун ҳамда Син ибодатхонаси (Ой маъбудаси) ўша даврда шаҳарнинг шухратини ёйган эди.

Солномаларда эсланишча, Хетт подшоҳи Суббилуиум ва Митания подшоҳи Мативаалар Кўш худоси ва Ой маъбудаси номидан ўзаро шартномани шу шаҳарда имзолаганлар.

Кимлар кўп ва кимлар оз?

Демограф олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги вақтда Ер юзюнда эркаклар ахлининг сони аёллар ахлига нисбатан 20 миллион кишига кўп экан. Бироқ, олимлар шу нарсани

таъкидламоқдаларки, XXI асрга бориб, бу борадаги ахвол кескин ўзгаради. Бирланган Миллатлар Ташкилотининг ахвида нашр этилган илдиқ ҳисоботида бивано келгуси асрга Ер юзюда аёллар ахлининг сони эркаклар ахлига нисбатан 175 миллион киши ортқ бўлади.

ҲАМЗА — ТЕЛЕРОМАН ҚАҲРАМОНИ

МАРКАЗИЙ Телевиденининг миллион-миллион томошабинлари ўн етти оқшом «Ўзбекфильм» маҳсулоти — «Оловли йўллар» телепоеясини кўрдилар. Марказий матбуот саҳифаларида тақризлар эълон қилиниб, асарга юксак баҳо берилди. Ўзбекистон ёзувчиларининг IX съездида асар ҳақида ижобий фикр билдирилди, телеэпопеянинг гоёвий, тарбиявий, эстетик қиммати ҳақида чуқур мулоҳазалар айтилди.

«Оловли йўллар» телевизион бадиий фильми кўпчиликнинг диққатини тортишига сабаб бу — ўн етти серияли илк телеполотно Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг инқилобий воқеалар билан боғлиқ, ҳамisha жўш уриб турган фаолиятига бағишланганида бўлди. Ижодий коллектив сценарий устида йиллар давомида ишлади, сон-саноксиз эскизлар чизилиб, асарнинг экрандаги тасвири белгиланди, минглаб кадрлар студиямизда, республикамиз областларидагина эмас, Москвада, Тожикистонда, Қозоғистонда, Қирғизистонда, Грузияда, Украинада йилнинг тўрт фаслида, кечакунду суратга олинди. Деярли ўн йил давомида тарихий ҳужжатлар, архив материаллари, ўша йиллари матбуот саҳифаларида ёритилган мақола ва хабарлар ижодкорлар томонидан чуқур ўрганилди. Инқилоб арафасидаги Туркистонда ҳукм сурган шароит, кураш, адабий оқимлар, инқилобий кураш экранда аниқ тасвирланишида Ҳамза ҳамда унинг сафдошларининг асарлари, ай-

Ҳамидулла АКБАРОВ,
филология фанлари доктори

рим зиддиятлардан холи бўлмаган фикрлари ёрдам берди.

Аввало Ҳамзанинг баркамол образини яратиш, шоир, инқилобчи ва чин инсоннинг кинопортретини тарихий воқеалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатиш дохий Ленин гоёларининг ўлкамизга етиб келиши ва халқимизни келажак тузум даҳшатида қутулиш жараёнини тасвирлаш бош мақсад қилиб қўйилди. Асарнинг бир қатор серияларида образлар талқинида, гоёлар курашини кўрсатувчи кадрларда бу маъсулиятли вази-фа бажарилган, дейиш мумкин.

Асарнинг ҳар бир серияси воқеалар ва давр руҳи камраб олиниши, образлар миқдори ҳамда уларга берилётган чуқур тавсиф жиҳатидан йирик эпик асарнинг таркибий қисми сифатида қабул қилинади. Шундай фильмлар олижаноб фикр, яхлит образлар туфайли бирлашиб, бир-бирига узвий боғланиб, ягона композицияни ташкил этади. Муаллифлар (Комил Яшин, Борис Привалов, Шухрат Аббосов) телероманинг ўз микрокомпозициясига эга бўлган ҳар бир «боби» орқали воқеалар ривожлана бориши, фабула қурилиши мустаҳкам бўлиши учун қайғурдилар. Шу тариқа, параллель сюжет йўллари, ўнлаб персонажларга эга бўлган бадиий асар пайдо бўлаборди. Бундай композиция


санъаткорларга Ҳамза характерининг шаклланишида маълум роль ўйнаган турли воқеаларни кульминацион нуқтагача ривожлантириб бориш ва катта драматик куч йиғишга ёрдам берди.

Режиссёр Ш. Аббосовнинг сценарий ёзишда қатнашиши асарнинг адабий экран драматургияси талабларига жавоб беришини, сўз билан тасвирнинг узвий боғланишини таъминлади. Кўпдан-кўп воқеалар тизмасидан ташкил топган адабий сценарийни экранлаштириш жараёнида кинороман яратилаётгани кўзда тутилди. Эпик асар талабларига мувофиқ ҳикоя ритми танланди, сўз билан ифода этилган ҳис-ҳаяжон, фалсафий фикр, образлар ечими, воқеалар тавсифи экранга янада бойиб етиб келиши учун шароит яратилди. Бунда тажрибали ёзувчилар К. Яшин ва Б. Приваловнинг характер яратиш маҳорати, Ш. Аббосовнинг эса кинодраматургияда мукамал ишланган композициялардан фойдалана олиши муҳим роль ўйнади.

Фильмнинг дастлабки эпизодларидан бирини эслайлик: Ҳамза (артист Ҳ. Алихўжаев) севгилиси Зубайда (артист Д. Қамбарова) ёнига шошилади. У тор кўчалар, кимсасиз харобалар орқали ўтиб бораётган экан, висол онларга халақит бермоқчи бўлган миршабларни — чор ҳукуматининг содиқ малайларини доғда қолдиради.

Бу саҳнада илиқ юмор ҳам, шингил сюжет ҳам, динамик тасвир ҳам мавжуд. Режиссёр севишганлар учрашадиган жойни танлашда ҳам Ҳамза ва Зубайданинг муҳаббати, қалб изтироблари, атрофдагилардан шубҳаланишларини томошабинга дарҳол етказиш ҳақида ўйлаган. Висол онлари харобазорда ўтади. Самимий сўз, тиллақлар, эртанги кун ҳақидаги ўйлар чаёнлар макони бўлмиш харобада айтилади.

Кадрлар композициясида ҳамisha Ҳамза ва унинг муҳаббатига сазовор бўлган жасур, ифбатли қиз Зубайда бўлади. Лекин камера «нишонга олган» тасвирда биз асосий гоёни очишга ёрдам берадиган унсурларни ҳам кўрамыз. Зубайданинг севган йигитига ҳавас билан боқиши, уалиб сўзлашини кўрганимизда, худди шу кадрда, фақат иккинчи планда тандир ичидаги ўргимчак инига кўзимиз тушади. Шунда биз Аҳмадбой (артист Н. Қосимов) ва Содикбой (артист Б. Ватаев) бу қизга тузоқ қўйгани, уни катта пул эвазига ҳийла-найранг билан итоаткор, заиф аёлга айлантirmoқчи бўлгани ҳақида ўйлашимиз учун режиссёр кинематографик восита қўллаганини кўрамыз. Бу сюжет йўли давом этиб, тобора ривожлана бориб, фильмнинг кейинги серияларида юксак иродали қизнинг ҳалокати билан якулланади. Отаси ва ўғай онасининг қистови, дўқ-пўписаларига қарамай, беандиша Содикбой билан эмас, севиклиси Ҳамза билан тақдирини боғлашга аҳд қилган қиз чорасиз қолганида ўзини ёвуз бой қўлига топширишдан кўра, ўлимни афзал билади.



Суратларда: «Оловли йўллар» фильмидан кадрлар.

Н. Хмара фотолари

ТҮЕНА

Ўзбекистон ССР халқ расмони Чингиз Аҳмаров билан шогирди Эркин Назаров ҳамкорликда яратган сюжетли, икки мустақил композициядан иборат, олти қисми «Балет» деворий сурат Ўзбекистон ССР Хореография билим юртининг деворларини бегади. Хар икки композиция ҳам бинонинг икки раиғларига мос бўлиб кчи.

Маълумки, рақс санъатининг икки қаноти: халқ рақси ва балет рақси мавзуд. Шу сабабдан ҳам мунаввирлар композициялардан бирини халқ рақсларига, иккинчисини эса балет санъатига бағишладилар.

Биринчи композиция уч қисмдан иборат бўлиб, унинг марказида Ўзбек халқ рақс санъатининг Бухоро, Фарғона, Хоразм мактаблари рами бўлими уч раққоса мўжассамлашган. Икки раққосадан иборат кейинги қисми шу халқ рақс санъатига бағишланган. Композициянинг учинчи қисмида эса Кавказ халқлари рақслари учун хос бўлган жўшқинлик муҳрланган. Деворий суратнинг бу қисми ҳам икки раққосадан ташкил топган.

Иккинчи композиция ҳам бағоят нафис ишланган. Унинг биринчи қисми Ўзбек балет санъатининг тақомили тўғрисида бахс юртида. Уч раққосадан иборат навабдаги қисми томоша қилар эканиси, совет хореография санъатининг фахри — Ленинград балети аъзалари ҳақида тасаввур ҳосил қиласиз. Композициянинг сўнги қисми кўп асрлик тарихга эга бўлган Ўзбек халқ рақсларининг сарҳадлари тўғрисида маълумот беради.

Катта нафосат, шовирона мушоҳада билан ишланган хар иккаса композицияда Чингиз Аҳмаров Урта Осиё деворий расмонлигининг қадимий аъзаларига бўлган эҳтиромини бу гап ҳам намоийн этган.

— Якин келажакда шогирдларим билан шу билим юртининг янгида қурилаётган яна бир ўқув корпусига деворий суратлар ишлаш орачим бор, — дейди Чингиз Аҳмаров. — Унда жаҳон халқларининг рақслари акс этса, ажаб эмас... Дарвоқе, мен билан елкама-елка туриб ишлайтган шогирдим Эркин Назаров ҳақида икки оғиз гапирмасам бўлмас. Эркин бундан бир неча йил муқаддам мен билан бирга Красноярсқ шаҳрида «Баҳор» қаҳвахонасига деворий сурат ишлашда қатнашган. Меҳнаткам, одолиб бу ёш ижодкор рағбатсир ишларнинг қадам-қадам эгалламоқда. Мана, композицияга сўнги чизик ҳам қўйилди. Энди самондошларим — дёрнинг меҳри дарё кишилар мавзуда мента тинчлик бермаётар. Бу борада бир туркум асарлар вужудга келтирилиши дилжига тугиб қўйганман.

Устоз ва шогирд ўз ижодий меҳнатларини — мааскур деворий суратни КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига бағишладилар.

Шерали СОҚИН

— Айрим эпизодлар Ҳамза ҳаётида бўлмаган, уларни сценарий муаллифлари ўйлаб топишган, деган тушунча ҳам бор, — хикоя қилади Ш. Аббосов. — Аслида эса шoirнинг Зубайдага нисбатан бўлган катта муҳаббати маълум. Бу самийий муносабатлар Зубайданинги ўлими билан туаган: қизнинг отаси ёшларнинг бирга бўлишига рози бўлмаган... Айрим томошабиларнинг: «Шoirнинг Аксинья Уваровага уйланиши кадрларини ўзингиз тўқигансиз», деган мулоҳазаларини ҳам эшитишга тўғри келди. Аслида эса бу тарихий факт: Ҳамза Қўқонда биринчи бўлиб рус қизига уйланган. Бу ҳол миллатчиларни дарғазаб қилган. Зотан, эски урф-одатлар бузилганди. Ҳаттоки, Ҳамзанинги аяқлари ҳам бундай янгиликни дарҳол қабул қилмаганлар. Шoirнинг отаси табиб Ибн Ямин Қозонга татар дўстларига хат ёзиб, бу ҳақда маслаҳат сўраган. Тарихистон Россияга яқин бўлиши сабабли у ерда бундай никоҳлар учраб турарди. У ердан ижобий жавоб келган. Ҳамза, албатта, севгани туфайли Аксиньяга уйланган. Лекин бундай никоҳнинг атрофдагиларга сиёсий таъсири ҳам бўлган.

Фильмнинг хикоя ритмини тузишда лирик сахналарни оммавий жанг, отишув, иш ташлаш, инқилобий ҳаракатни кўрсатувчи эпизодларга улаш кўзда тутилган. Бу эса Ҳамза ҳаётининг турли соҳалари ҳақидаги хикоя бир текис давом этишини таъминлаган. Масалан, сўнги ўн еттинчи серияда шoirнинг Шоҳимардондаги ижодий фаолиятини кўрсатувчи кадрлардан кейин фоғия билан тугайдиган эпизод бошланади. Баланд тоғлар бағрида Ҳамза ёш республика душманлари билан учрашади. Эпизод катта драматик кучга эга. У оҳиста равишда суратга олинади: муаллифлар, режиссёр ҳаётий материал моҳиятидан келиб чиқиб, воқеани барча тафсилотлари билан тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Шу боисдан шoirнинг «гуноҳлари» «қораловчи актда» бирма-бир саналиб ўтилади, шoirга отилдиган катта-кичик тошлар танланади: ашадий душманлар харсанг тошни зўр-базўр ердан узиб қуролсиз, оддий чопонда, бағрини тоғ шабадасига очиб турган шoir томон иргитишга ҳозирлик кўрадилар. Панорама йўли билан буларнинг барчаси бирма-бир кўрсатилади. Сўнгра монтаж ритми динамик равишда ўсиб боради. Кадрда гоҳ тош отаётганлар, гоҳ холдан тойиб йиклаёган Ҳамзани кўрамаиз... Узоқ давом этган қатл эпизодида сахна асарига хос бўлган шартли ҳолатлар, хатти-ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Лекин мааскур кадрлар, айна вақтда, ҳаётий материал заминидан вужудга келгани ҳам сезилиб туради.

Ҳамзанинги илк севгиси ҳамда ижодининг бошланиши, инқилобий воқеаларда қатнашиши, хотин-қизлар овозлиги учун курашиши, драматургия соҳасидаги фаолияти, театр ташкил этиш йўлида чеккан машаққатлари ҳамда кишлоқларда маърифат ўчоқларини қуриш учун илгор

кучларни сафарбар этиши — буларнинг барчаси ўз микроколлекциясига эга бўлган новелларда ўз аксини топади. Бу новеллаларнинг ечимида Ҳамза характерининг қирралари кўзга ташланади, шу билан бирга, қаҳрамон атрофидаги кишиларнинг ҳаёти тасвирланади. Бундай сюжет йўллари, айтиб ўтганимиздек, кейинчалик бир-бирини тўлдириб, яхлит композицияни, бир бутун бадий тўқимани ташкил этади.

Кадрларда биз Ҳамзани гоҳ дўстлари даврасида — мушоира пайтида, аскияда қатнашиб завқ олаётганида, гоҳ эса миршаблар қуршовида, жадидлар баҳсида, гоҳо рус ишчилари билан суҳбатда, гоҳ ижод дамларида, оташин тарғиботчи сифатида кўраимиз. Ҳамзанинги самимиети, ўзгаларнинг гам-ташвишини ўзиникидек қабул қилиши, истеъдодди қирраларини, турли характердаги кишиларга бўлган муносабатини таърифлайдиган бундай эпизодлар адабий жиҳатдан пухта ёзилганини, операторлар (Т. Эфтимовский, А. Исмоилов), расомлар (А. Шиббаев, Н. Нуридинов), актёрлар томонидан тафаккур этилиб, экранда намоён бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Катта оммавий сахналар, лирик-психологик лавҳалар ҳам муваффақият билан суратга олинган.

Шариат талабига кўра, Ҳамзанинги уйдан ҳайдалиши эпизоди ва шoirнинг отаси Ибн Ямин дин пешволари ҳузурида ўз ўғлини «оқ қилиши» лавҳаси учун режиссёр қўллаган хикоя ритми, тасвир услуби кейинги кадрлардан — Ҳазрат (артист Р. Ҳамроев) ва унинг муриди Матқобул (артист Ж. Ҳамроев) муносабатларини, мадрасадаги воқеаларни тасвирловчи, Содиқбой далада пайдо бўлган трактордан хайратга келиши ҳамда янги ҳаёт элчиси бўлиши бу техникадан нафратланишини кўрсатувчи сахналарда топилган баён услубидан фарқ қилади. Шунингдек, Шоҳимардонда, аёллар паранжларини ташлашларига бағишланган кадрлар, Ҳамзанинги мафкуравий душманларга қарши нутқ сўзлаши, Сўфизода билан ҳамфикр бўлиб миллатчиларга қарши эҳтиросли, доно сўз айтиши лавҳасидан композиция, ритм жиҳатдан фарқ қилса-да, бу эпизодлар бир-бирини тўлдирарди. Режиссёр воқеа моҳиятига ва унинг қаҳрамон ҳаётида тутган ўрнига қараб, эпизодларга драматик ургу беради. Шoir сиймосини ёркин ифода этишга ёрдамлашадиган ҳодиса, шунингдек, иккинчи пландаги қаҳрамонларга тавсиф беради. Натигада марказий қаҳрамон образи фильмдан фильмга ўсиб борган.

Ижодкорлар ўз қаҳрамонларининг драматик воқеаларга бой ҳаётини пардозламай, айрим зиддиятлардан холи бўлмаган дастлабки ижтимоий-фалсафий фикрларини четлаб ўтмай, Ҳамзанинги хурриятпарварлиги, софидиллиги, темир иродаси, ноҳик табиатини кўрсатишга алоҳида аҳамият берганлари туфайли мураккаб образ яратишга муваффақ бўладилар.

Яна бир муҳим масала халқ қилинишида тўғри йўл танланган. Фильмда асосий ижобий қаҳрамонга айёр, узокни кўзлаб иш тутадиган, тадбиркор кишиларга қарши курашадилар. (Масалан, Олчинбек — артист Б. Йўлдошев, Ҳазрат — артист Р. Ҳамроев, Қўқон уездининг бошлиғи — артист И. Дмитриев ва бошқалар). Шу боисдан конфликтлар жўнгина ечилмайди. Образлар талқинида сохталikka, примитивликка йўл қўйилмайди. Ўз фалсафаси, режиси бўлган кишиларнинг дунёқарши аввало, фикрлар курашида намоён бўлади. Фильмнинг навабдаги серияларида улар ўз ақидаларига амал қилиб, диний маслак йўлида иш олиб борадилар. Ҳамза каби ёркин фикрловчи шахсага қарши бўлган курашда улар бирлашадилар. Бу туркумдаги қаҳрамонлар орасида артист Б. Вагаев ижросидаги Содиқбой образи фақат драматургик материал жиҳатидан эмас, талкин услуби билан ҳам ажралиб туради.

Асарнинг кўпгина серияларини суратга олган оператор А. Исмоилов ҳаётий материал тақоза этган содда, раvon шакли топа билган.

Фильм суратга олинishi жаъраёнида бир қатор актёрлар, операторлар, расомларнинг малакаси ўсганини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Зеро, бу асар ўз ижодини катта ролларни ижро этиш билан бошлаб, кейинчалик режиссёрлардан тақлиф кутиб юрган актёр У. Алихўжаев ижодиди бурилиш ясади. У Ҳамза образининг моҳиятини очиб йўллари йиллар давомида излади, қаҳрамон ўйлари билан янашга ҳаракат қилди. Бу эса санъаткордан янги ижро воситаларини қўлаш лозимлигини кўрсатди. Тамара Шокирова эса Юлдуз роли устида ишлаш даврида ўз актёрлик техникасини янгилагандек кўринади. Экранда чорак аср мубайнида кўриниб келган бу ижрочи телеэпопеяда илк бор катта драматургик вазифани бажарувчи образни намоён қилиш устида ишлади.

Фильмнинг бarcha сериялари бир савияда эмаслиги, айрим кадрлар йирик бадий полотно услубий талабларига мос келмаслиги ҳақида фикр юритганимизда, қўйдагиларни қайд қилишимиз зарур.

Шoirнинг чет элга бориши сюжет жиҳатидан қизиқарли бўлса-да, образлар ечимида муаллифлар, режиссёр юксак ҳисуйгуларини намоийш этган бўлсалар-да, мааскур кадрлар ҳужжатлар замирида вужудга келган биографик асарнинг руҳига мос келмагандек туюлади. Шунингдек, ҳомилдор Аксиньянинг бир гуруҳ аёллар томонидан дўшпосланиши каби қатор эпизодлар эътироз уйғотади. Аммо бундай камчиликларига қарамай, умуман, «Оловли йўллар» эпопеиси ижодкорлари ўз олдидаридаги эзгу вазифини тўла-тўқис бажара олганлар. Бу асар томошабин қалбига Ҳамзани севадиган, унинг хотираси олдидиги бурчларини ҳаммаша ҳис этиб турган санъаткорлар томонидан яратилганлигига ишонч ҳосил қилади.



СОДИҚ ЛЕНИНЧИ

В. И. Ленин Улуғ Октябрнинг биринчи тунготида, Бутунроссия Советларининг II съездида: жаҳонда биринчи Ишчи-деҳқонлар ҳокимияти составини ўқиб бераётиб, Маориф Халқ Комиссари лавозимига Анатолий Васильевич Луначарский тайинланганини айтганда, залда гулдурас қарсақлар янгради. Бу революцион курашнинг барча жабҳаларида чиниққан атоқли пропагандист А. В. Луначарскийга революцион омма меҳр-муҳаббатининг рамзи эди. Бу партия ва совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин партия кадрла-

рини яхши билишининг, уларни кадрлашнинг мисоли эди...

Яқинда ленинчи революционерлар гвардиясининг кўзга кўринган вакили, атоқли давлат ва партия арбоби, адабиётчи ва танқидчи, драматург ва киносценарийчи, етук нотик ва публицист, 1895 йилдан партия аъзоси, социалистик маданият ва маорифнинг буюк намоёниси А. В. Луначарский таваллудининг 110 йиллиги кенг совет жамоатчилиги томонидан нишонланди, унинг бой умр йўли бутун совет

халқ кўз ўнгига яна бир марта жонланди.

А. В. Луначарский 1875 йил Полтава губерниясида чиновник оиласида туғилди. Швейцариянинг Цюрих университетидида ўқиди; немис фалсафаси билан шуғулланди, тарихий материализмни, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг асарларини ўрганди; ўша пайтда Женевада ташкил топган, Россияда марксизмни тарғиб қилишда катта ҳисса қўшган «Меҳнатни озод қилиш группаси» аъзолари билан, айниқса, группанинг раҳбари Г. В. Плеханов билан яқиндан ҳамкорлик қилди. 1897 йилда РСДРП Москва комитетининг аъзоллигига сайланганидан кейин революцион фаолияти активлашди ва кўп ўтмай бу ҳаракати учун қамоққа олиниб, Калугага сургун қилинди. 1901—1903 йилларда Вологда ва Тотьмада сургунда бўлди. Оташқалб революционер сургун давомида кучли назорат остида бўлишга қарамай, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг оммага ёйишда алоҳида хизмат қилди.

Чор самодержавиясининг кучли таъқиб-би большевиклар партиясининг барча раҳбарларини у ердан бу ерга кўчиб, яширин яшашга мажбур этарди. А. В. Луначарский ҳам ана шундай таъқиб туфайли 1904 йил аввал Парижга келди. Бу ерда В. И. Ленин билан учрашди, кўп ўтмай Женевага кетди. У ўз фаолияти давомида бевосита В. И. Лениннинг раҳбарлигида большевикларнинг «Вперёд» газетаси редколлегияси составида, «Пролетарий» газетасининг составида ишлади. Ленин Луначарскийнинг адабий иқтидорига ўша пайтда юксак баҳо берган эди.

А. В. Луначарский Лениннинг топшириғи билан РСДРПнинг III съездида революциянинг стратегик масаласи — куролли кўзголон ҳақида доклад қилди. Шу масала бўйича съезд резолюциясини В. И. Ленин тайёрлаган эди. Луначарский РСДРПнинг IV (бирлаштирувчи) съездида қатнашди. Россияда чоризм реакцияси кутурган 1907—1910 йилларда большевикларнинг вакили сифатида II Интернационалнинг Штутгард ва Копенгаген конгрессларида иштирок этди. Худди шу йилларда Луначарский идеалистик фалсафа оқимларига берилиб, «Вперёд» номли оппортунистик группага қўшилди, социализм учун курашни дин билан боғлашга интилди. Луначарский ва бошқаларнинг «худо изловчилик» гоёлари В. И. Ленин томонидан жиддий танқид қилинди ва уларга қатъий зарба берилди. Жиддий танқидлардан хулоса чиқарган Луначарский 1912 йил яна большевиклар сафига қайтди ҳамда 1913 йилдан бошлаб большевистик «Правда»нинг ходими бўлиб ишлай бошлади. У кейинчалик ўзининг большевизмдан чекинган йилларини «кечириб бўлмайдиган адашиш», деб изоҳлаган эди.

А. В. Луначарский Февраль буржуа-демократик революциясидан кейин Петроградга қайтди ва агитация-пропаганда ишларини жадал суръатлар билан олиб бора бошлади. Улуғ Октябрь кунларида Луначарский Петроград Ҳарбий революцион комитетида ишлади. Унинг билими, ўткир нотиклиги, халқ маорифи тараққиёти учун фидойилиги Маориф Халқ Комиссари бўлиб ишлаган йилларида янада яққол намоён бўлди. Маориф Халқ Комиссарлиги олдига қўйилган энг муҳим вазифа — янги системадаги халқ маорифини қуриш эди. Янги совет мактаби ва таълимини ташкил этишда Маориф Халқ Комиссари А. В. Луначарскийнинг ташкилий-амалий фаолияти, унинг коммунистик тарбия ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги маркча-ленинча гоёларини конкретлаштириши, амалда ҳаётга татбиқ этиши ва халқ маорифи соҳасидаги назарий қарашлари бениҳоя катта аҳамият касб этди.

У. Б. и Ленин бошчилигида Совет ҳукуматининг мактаб-маориф соҳасидаги биринчи ҳужжатлари: мактабни черковдан, черковни мактабдан ажратиш ҳақидаги декретларни тайёрлашда актив фаолият кўрсатди.

Унинг жуда кўп асарлари, ўқитувчиларнинг съезд ва конференцияларида қилган «Маориф нима?», «Ижтимоий тарбия тўғрисида», «Маориф ходимлари I Бутунроссия съезидидаги нутқ», «Мактабнинг синфийлиги тўғрисида», «Пролетар давлатига қандай мактаб керак?», «Владимир Ильич ва халқ маорифи», «Коммунистик пропаганда ва халқ маорифи», «Совет қурилиши системасида маорифнинг вазифалари» каби доклад ва нутқларида янги совет мактабини қуриш кўп қиррали вазифа эканлигини, янги совет мактабини барпо этиш вазифаси ўз моҳияти билан коммунистик, ижтимоий меҳнат, атеистик ва интернационал характерга эга бўлишини асослаб берди.

А. В. Луначарский Советларнинг III Бутунроссия съезидида (1918 йил, январь) мактабни қайта қуришнинг кенг программасини баён этди. Бу программа В. И. Ленин ва партия талаблари асосида совет мактабини меҳнат, политехник таълим характерида қуришни жадаллаштирди. А. В. Луначарский социализмда таълим умумий, мажбурий ва bepул бўлишини омма онига етказишда ленинчасига жонболик кўрсатди.

Унинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Ягона меҳнат таълими мактабининг асосий принциплари», «РСФСР ягона меҳнат таълими мактаби тўғрисидаги Низом» каби тарихий ҳужжатлар янги, совет мактабининг барпо этилишда муҳим роль ўйнади.

Партия Марказий архивида А. В. Луначарскийнинг 1920 йил Коммунистик Интернационал II конгресси делегатларига «Маориф Халқ Комиссарлигининг иши тўғрисида»ги докладнинг тезислари сақланган. Бу тезиснинг ҳар бири бир неча масалаларни камраб олган 10 пунктдан иборатдир. Ана шулардан айримлари қуйидагилар:

«1. Маориф Халқ Комиссарлигининг уч асосий вазифаси:

а) саводсизлик билан кураш;
б) омманнинг ҳунар-техника савиясини ошириш;

в) коммунистик пропаганда».

Сўнгра қуйидаги пунктлар қайд этилади: «Бу вазифаларни бажариш йўллари», «Ҳунар-техника таълимининг ўрни», «Олий ўқув юртлирининг янги характери», «Маданий-оқартув бош бошқармаси ва унинг асосий вазифалари», «Музейлар иши» ва бошқалар.

А. В. Луначарский мактабни большевиклар партияси сиёсатидан айириб олиш учун ҳаракат қилганларга, маорифни социалистик давлат организмнинг бир қисми эканлигини инкор этганларга, маорифнинг синфийлигини тан олмаганларга қарши янги таълим системаси ва совет мактабининг синфийлиги учун аёвсиз кураш олиб борди. Биринчи Маориф комиссарининг «Синфий мактаб тўғрисида», «Совет ҳокимияти маориф сиёсатининг асослари», «Мактаб фалсафаси ва революция», «Марксизм ва педагогика», «Марксизм ва фан» асарлари мактаб таълими ва фаннинг синфий характерига бағишланди.

Маълумки, Улуг Октябрь революцияси-дан кейин Россия Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари Совет ҳокимиятига бўйсунмасликка, фаннинг синфий хусусиятини инкор этишга ҳаракат қилдилар. А. В. Луначарский Россия Фанлар академияси Совет ҳокимияти учун хизмат қилиши йўлида тинмай кураш олиб борди. Шу хусусда 1925 йилда СССР Фанлар академияси 200 йиллиги нишонла-

ниши пайтида А. В. Луначарскийнинг Совет ҳукумати номидан сўзлаган нутқи диққатга сазовордир. Академия юбилейига Ғарб мамлакатларидан келган кўпгина олимлар ўз нутқларида фаннинг синфий характерини инкор этдилар; улар фанни қуёшга ўхшатиб, у ҳаммага барабар нур сочади, деган ғояни олдинга сурдилар. Совет ҳукумати номидан сўзлаш учун Анатолий Васильевичга сўз берилганда, ажойиб нотиқ ўз нутқини рус тилида бошлаб, немис тилида давом эттирди, шундан кейин француз ва италян тилларида сўзлаб, лотин тилида тамомлади. «Дарҳақиқат, — деди Луначарский, — қуёш ҳаммага барабар нур сочади. Унинг нурлари деҳқон ҳайдаган ерга тушса, ажойиб экинлар етишади ва ҳосил беради. Лекин унинг нурлари ахлат ўрасига тушадиган бўлса, унинг таъсирида инсониятга юқумли касалликлар эпидемияси ва ўлат келтирувчи ярамас микроблар ривожланади».

А. В. Луначарский мамлакатимизда маданий революцияни амалга ошириш ишига бевосита етакчилик қилиш билан бирга «Ленин ва маориф», «Ленин ва маориф масалалари», «РКП(б) ва Ленин», «Лениннинг маданиятга оид васыятларидан бири», «Ленинчис беш йил» ва бошқа асарларида В. И. Лениннинг маданий революция ҳақидаги фикрларини, шунингдек, унинг «Қундалик дафтардан саҳифалар» асаридида ғояларни — саводсизлик ва чаласаводлиқни тугатишга оид, коммунистик таълим-тарбиянинг кўп қиррали масалаларини кенг пропаганда қилди.

А. В. Луначарский совет мактабидидаги марказий сиймо — ўқитувчининг обрў ва эътиборини, билим ва малакасини, иқтисодий аҳволи ва жамиятдаги ўрнини юксак даражага кўтариш учун ҳаракат қилди. Маориф Халқ комиссари жойларда борганда ўқитувчиларнинг моддий-маданий турмуши билан қизиқди, ўқитувчилар учун уй-жойлар қуриш кооперативларини ташкил этишда ташаббускорлик қилди, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор берди.

Халқ маорифининг ёшлар тарбияси, айниқса, уларнинг сиёсий тарбияси А. В. Луначарскийнинг асосий эътиборида бўлди. Анатолий Васильевич «Ленин ва ёшлар», «Санъат ва ёшлар», «Янги киши», «Маиший турмуш тўғрисида» каби қатор асарлар яратдики, булар халқ комиссарининг маърифатпарварлигидан далолат беради. Бу асарларнинг аксариятида муаллиф ёшларга умумий ва техник билимлар билан бирга кучли сиёсий билим бериш заруригини кўрсатади; билимнинг бу уч «эвеносини бир тугунга тугиш ва уни ёшлар онгига қуйиш» вазифасини олдинга суради. Шунингдек, у ёшларнинг сиёсий тарбияси орқали уларнинг дунёқараши, маънавий қиёфаси шаклланишини уқтиради. А. В. Луначарский ёшлар тарбияси тўғрисида мулоҳазалар юритганда, ахлоқ, муҳаббат, йигит ва қиз дўстлиги, оила масалаларига, ёшларни тарбиялашда меҳнатнинг ролига юксак баҳо бериш билан бирга мактабдан ташқари болалар муассасалари: пионерлар уйлари, лагерлар, ёш техниклар, табиатшунослар станцияларини, болалар кутубхоналарини ташкил этишнинг ташаббускори бўлди.

Кутубхонашунослик ва музей ишининг катта билимдонларидан бўлган Анатолий Васильевич совет кутубхоначилик ишига ҳам асос солди.

А. В. Луначарскийнинг партия ва совет халқи олдидаги жуда катта хизматларидан яна муҳими — мамлакатимизда лениншунослик фанини ташкил этувчилардан бири бўлганлигидир. Истеъдодли олим дохий ҳаётини пайтидаёқ унинг тарихий хизматлари ҳақида бир қатор очерклар ёзди; Ленин вафотидан кейин

эса унинг асарларини, у ҳақидаги хотираларни тўплашда, нашр этишда фаол қатнашди.

Партия ва ҳукуматимиз 1929 йил сентябрда содиқ ленинчи, маърифатчи А. В. Луначарскийни СССР Советлари Марказий Ижроия Комитети қопидаги Илмий Комитетнинг раиси лавозимига тавсия этдилар. Бу мамлакатимиздаги бош илмий аттестация муассасаси эди. Қомуши билимлар соҳиб Луначарский 1930 йил СССР Фанлар академияси академиклигига сайланди.

А. В. Луначарский фаолиятида халқро аҳвол масаласи ҳам муҳим ўрин тутган эди. 1922 йил эсерлар партиясининг террорчи раҳбарлари суд қилинганда Луначарский давлат қораловчиси сифатида қатнашиб, эсерлар партиясининг сиёсий ожизлиги, халқ оммасига қарши сиёсати туфайли террорчилар, ватанга-доллар партиясига айланганлигини асослаб берди. 1927 йили кулолсизлини бўйича халқро конференцияда, 1929-33 йилларда Миллатлар Лигасидаги Совет ҳукуматининг вакили сифатида иштирок этди. Миллатлар Лигаси минбаридан туриб, империалистларнинг янги жаҳон урушига тайёрланиш сиёсатини ўзининг жўшқин, тарихий фактларга бой нутқлари билан фош этди, фашизм хавфига қарши курашди; фашистик партияларни уруш оловини ёқувчилар, деб атади. 1933 йил А. В. Луначарский СССРнинг Испаниядаги элчиси қилиб тайинланди. Матонатли большевик ўша йили 26 декабрда Франциянинг жанубидаги Ментон вилоятида вафот этди.

Коммунистик партиянинг содиқ жанчиси Анатолий Васильевич Луначарский кўп миллатли Ватанимизнинг барча ўлкаларида маданият ва маорифни ривожлантириш, шу жумладан, Ўзбекистонда халқ маорифи, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантириш ишларига жуда катта эътибор берди ва ҳисса қўшди. У 1920 йили Туркистон Давлат университетини ташкил этиш ҳақидаги ленинча Декрет эълон қилингандан кейин шу Декретни амалга ошириш ишига бевосита раҳбарлик қилди, янги университет учун кадрлар ташлаш, унинг ўқув базасини мустаҳкамлаш ишларига бевосита бошчилик қилди. 1918 йили Луначарскийнинг тавсияси билан В. И. Лениннинг сафдоши, халқ маорифининг ташкилотчиларидан бири — П. Н. Лепешинский Туркистон халқ маорифи комиссарининг ўринбосари қилиб юборилди. П. Н. Лепешинский Туркистонда халқ маорифи ишларини ташкил этишга ёрдам бериш учун Москвадан 30 дан ортиқ методист олимлар билан келди.

Республикаимизда театр санъати ривожига ҳам А. В. Луначарскийнинг катта ҳиссаси бор. А. В. Луначарский ташаббуси билан 20-йилларда 50 дан ортиқ ўзбек йигит-қизлари Москвадаги Станиславский ҳамда Вахтангов театр-студияларида таълим олдилар. Кейинчалик улар миллий драма санъатининг қадиргочлари ва ташкилотчилари бўлиб етишдилар. Булар орасида Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Абдор Ҳидоятлов, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхоннов, Мария Кузнецова, Замира Ҳидоятлова, Олим Хўжаев, Қудрат Хўжаев, Обид Жалиловлар бор эди.

А. В. Луначарскийнинг халқ маорифини ташкил этиш соҳасига, маданий революцияга қўшган ҳиссаси, жуда кўп қиррали ижоди абадий яшайди. Зотан, унинг революцион ижтимоий-сиёсий фаолиятига қизиқиш, ижодини ўрганиш давр ўтиши билан тобора кучайиб бормоқда.

Козим УМАРОВ,
Искандар ҲАЙИТОВ,
тарих фахлари кандидатлари, доцентлар

Күёш

I

Хайр, күёш, меҳрибоним, хайр тонггача,
Ўзинг билан менга тонгда қувонч олиб чиқ.
Хар кунгидан яна ёруғ, яна янгича,
Шуълаларинг сочиб-социб тундан қолиб чиқ.
Сен тўқиган нурли тўрда яшар она Ер,
Бу тўғарак олам сендан мангу баҳравор.
Соғинч билан ҳар тонг сенга очаман бағир,
Бир дарахтдай нурга қараб ўсаман такрор.

II

Ўн саккиз минг олам бино бўлмасдан аввал
Бу чекислик қаърида сен бўлгансан пайдо.
Олмос каби шуълаларинг учаркан ял-ял,
Учқуиларинг юлдузларга айланди гўё.
Нур тафтида жонга кирди чекис зарралар,
Меҳринг билан бир-бирига бўлдилар жипс.
Ханузгача борлиқ олам сендан айланар,
Сен — онасан, фарзандларинг унутмас ҳаргиз.
Ерга сочдинг энг кўп меҳр-муҳаббатингни,
Бино бўлди тушунувчи ақлли зотлар.
Қалбга жойлаб ардоқлаймиз ҳароратингни,
Кўнгилларда уйғонади эзгу мақсадлар.

III

Ез пайтида соғинаман оппоқ қорларни,
Қишда эса сенга интиқ бўламан, күёш.
Кўз олдимда товлантириб мевазорларни,
Анжирлардан асал бўлиб томасан, күёш.
Раҳим келар нур тегмаган қия, ўрларга,
Нафасимни бўға бошлар зах ва рутубат.
Бундай ерни ўргумчаклар ўраб тўрларга,
Ўз мулкига айлантириб олади фақат.
Сув бормаган жойларга ҳам келади раҳим,
Тафтинг билан тарс ёрилиб кетади ерлар.
Нур билан сув дўст тутинган жойдаги иқлим
Одамларнинг бахти бўлиб жўровоз куйлар.

IV

Күёш — ўзинг, дунё ҳам сен, юлдузлар ҳам сен,
Дарё ҳам сен, гавжум, ёруғ кундузлар ҳам сен.
Сенсиз чекис уммонлар ҳам музга айланар,
Бахтиёрман, дейиш қуруқ сўзга айланар.
Саховатда танҳоқирсан, караминг кенгдир.
Бу ҳайбатли коинотда оламинг кенгдир.
Оламларга сочиб мангу иссиқ ҳаётни,
Ўзингга чин мафтун этдинг одамизодни.
Күёш, сенга омонлиқни тилайман доим,
Сен бўлмасанг бу дунёда қиёмат қойим.



Дарё бўлолмаган ирмоқлар,
Майса, шувоқларга ҳаёт бўлдингиз.
Олисларда ёнган ёлғиз чироқлар,
Қанча йўловчига нажот бўлдингиз.
Кўлмак, ёнар қуртлар қулмоқда сизга,
Ирмоқ ёки чироқ бўлолмай аввал.
Минг бир қусур топиб зўр берса сўзга,
Уларга ачиноиб қарайман ҳар гал.
Ҳаракатда бўлган оқим ҳеч қачон
Қотган қўлмакларга қилмайди парво.
Ёнар қуртлар элни қилмас чароғон,
Чироқлар шуъласи равшан доимо.



Сенга ҳам, менга ҳам етар бу дунё,
Караминг кенг бўлсин, шудир муддао.
Ҳар уйдан кўтариб чиқишиб челақ,
Ариқдан сув олар — камаймас бешақ.
Бир дарахт шохиди пишган олмани,
Бир ўзинг емайсан, ўйлаб кўр, қани.
Бу дунё етади насиб қилганга,
Ҳар лаҳза илмдир агар билганга.
Бу ёқда бир ниҳол ёкиб, кўкартиб,
Уага боғ мевасин юрасан топиб,
Яхшилик қилибоқ кутма ўшандан
Эҳтимол, ўзгадан кўрасан чандон.
Одамни ҳавас-ла эсларкан одам,
Унга бу шарафдир, бахтдир чинакам.

Одам борки, унинг бошида
Савдолари кўп бўлар экан.
Эркаланиб кичик ёшида,
Қатта бўлгач онг тўлар экан.
Ширинликлар ақлга дўстмас,
Пўлга тўғри тушмайди қадам.
Кўп аччиқ ҳам доривор эмас,
Ози яхши ҳаммасининг ҳам.



Бир одам қўлидан кўп нарса келмас,
Ҳар кишидан чиқса бир оғиздан сўз,
Барини тиймоққа бардоши етмас,
Инсон яқкаланиб қолмасин ҳаргиз.
Балки у ҳақлидир, яхши одамдир,
Кимдир қўлламаса виждони чорлаб,
Барибир оломон ичра мулзамдир,
Бир чироқ ҳар уйни ёритмас порлаб.
Жиндак инсоф бўлса кимдадир агар,
Унинг қаторида ёнмоқлик керак.
Тўхтаманг, гар одам бўлсангиз чиндан,
Ҳақиқатга доим бўлингиз тиргак.
Ҳақиқат ҳаммаша дўстга муҳтождир,
Дўстсиз одам доим сукутга маҳкум.

Дарёга тўсиқлар, харсанг писандмас,
Кенг юрак яшашга бўлгандек қодир.
Мағрур оқаверар, йўл излаб юрмас,
Қудрати ўзига маълум, баҳодир.
Аммо ирмоқларга бўлингиз ҳамдам,
Унга тўсиқ бўлар бир дона сур тош.
Издан чиқиб кетса топиб бўлмас ҳам,
Дарёча эмасдир ундаги бардош.

Анджон.



Кўнглингдаги ўйни сезар гапирмасингдан аввал,
Шу ондаёқ бир сўз билан қилиб қўяр хотиржам,
Кимларгадир куйиб-ёниб айтиб берсанг муфассал,
Уқмаганга, сезмаганга олар уни ўша дам.
Икки оғиз ширин сўздан қўлдан кетмас давлати,
Салом учун аликма ҳам баҳо қўяр нокаслар.
Тоғдек қатта бўлса ҳамки яхшиларнинг ҳиммати,
«Қайтим»га зигирчалик ҳеч хомтаъма эмаслар.



ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Муҳокама,
Мулоҳаза,
Мунозара

ПЛУГИНГИЗ НЕЧА ЯРУСЛИ?

...Аваллари шудгорлаш ҳақидаги маълумотларда: «Фалон гектар майдонни икки ярусли плуглар билан ҳайдадик», деган гаплар бўларди. Аслида бу гапларга ишонши қийин эди: плугларнинг иккинчи яруси ё олиб ташланар ё кўтариб қўйилар эди.

— Ғирт даҳмаза, плуглар орасига ғўзапоя тиқилиб қолавериб, ишнинг белига тепади, — дейишарди бу ҳақда дехқонлар. Механизатор ҳам икки ярусли плугда эмас, оддий плугда иш-лашдан кўпроқ манфаатдор эди. «Кўпроқ ер ҳайдаб, кўпроқ ҳақ олсам», дерди. Бунга раҳбарлар ҳам, мутахассислар ҳам кўникиб кетишганди. Масаланинг моҳияти эса бир четда қолиб кетарди.

Ахир, оддий плуглар билан ҳайдалганда, ер яхши ағдарилмай қолади, турли касалликлар, бегона ўт уруғлари кишлаб қолишига йўл қўйилади. Ғўзапояларнинг ерга яхши қўмилмай, баҳорда экинга ҳалақат берганичи?!
Миришкор дехқонлар, тажрибали механизаторлар билан пайкал бошида, дала-даштда бўладиган гурунглар, ўқиб-ўрганишлар масаланинг моҳиятини очиб берди.

— Бу йил ерни юз фоиз икки ярусли плуглар билан ҳайдаймиз! — деган қарорга келишди задарёликлар. Қаршилар ҳам бор эди. — Нима кераги бор ўзимизни қийнаб? — дейишарди улар. — Оддий плугда шартта ҳайдаб ташлайверган маъкул эмасми? — Маъкул эмас!
Бу РАПОНинг узил-кесил қарори эди.

Икки ярусли плуг тақдирини ҳал қилиши керак бўлган кўргазмалари семинарга кўп одам йиғилди. РАПО райси ҳисоб бераяпти... Бир ҳафта мобайнида ҳар бир трактор ҳисобига уч гектардан ер ҳайдалипти...
— Э, ҳа! Ана айтмадимми?! — деб юборди қоратўридан келган киши. Ташмамаат ялт этиб қарадию уни таниди: ўша «ураура»чилардан. Тайин фикри йўқ. Шамол қаёқдан эса, ўша ёкка эгилади...

Ташмамаат Раҳмонов ўртага чиқди. Ҳамма куйма гавдали, юзлари чўл офтобда қорайган, кўзлари кулиб турадиган бу йиғитга қаради. Ташмамаат — район қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш корхонасининг бошқарувчиси. Ингирма йиллик инженер. У табиятан оғир, вазмин.

Ташмамаат бу гал гапирмади. Уртада турганча одамлар ораси-

да кимнидир излади. Охири Абдусаломга кўзи тушиб тўхтади.

— Қани, Абдусалом ака, бу ёкка чикинг.

Кишилар орасидан бекасам тўн кийган, юзлари думалоққа мойил, ғўлабир йиғит чиқди. Бу — Абдусалом Қодиров. Илчыч номидаги колхозда ишлайди. Районнинг олди механизаторларидан.

— Қани, ака, — деди Ташмамаат ўзига савол назари билан қараб турган Абдусаломга, — ғўзапояни плуг орасига тушмайдиган қилмаз, гилдираклар оралигини тўқсонга келтирамиз.

Кўп ўтмай плуг ўрнидан жилди: энди ғўза қатори аввалгидек плуглар оралигига эмас, трактор гусиницага тўғри келиб қолган, гусиница эгат устидан юриб, ғўзапояни ерга қапиштириб борар, орқадан келаётган икки ярусли плуг ўша эгатни ғўзапояю ўтўлани билан ағдарар эди. Трактор юриб ўтган қаторда ошириб ташланган кўнғир тупроқдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

— Қандимгни ур, ўғил бола! — деб юборди кимдир.

Ҳамма енгил тортиди. Ундабунда қарсақ овозлари эшитилди...

Шундан кейин барча хўжаликлардаги ҳайдов тракторлари икки ярусли плугда ишлагга мослаштирилди. РАПО, район қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш корхонасининг мутахассислари бу ишнинг бошида турдилар.

Задарёликлар икки ярусли плуг билан оддий плугда ҳайдалган ернинг фарқини обдон билиб олишди: ўтган йили ғўза қатор ораларида ўт ўсади. Уқувчилар ҳам дарсдан қолиб, ўт юлиш даҳмазасидан кутулишди. Ҳосилдорлик ошди. Олимлар ғўзапояни кўмиб кетиш ғўзага азот ўғитларининг 25 процентича қувват беради, дейдилар. Задарёликлар бунинг тўғрилгини ўтган мавсумда синаб кўришди. Яна муҳими, терим машиналари яйраб ишлади.

Дехқончилик изланишни ёқтиради. Изланганга эса имконият эшиклари очилиб бораверади.

— Лекин икки ярусли плуглар масаласи ҳали ишнинг бошлангиси эди. Ҳали тишга тегиб турган, олға кетишга ҳалақат бераётган кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келарди...

ТИШГА ТЕККАН МУАММО

— Тўнзимизнинг ўнгирини кевар сал бундоғроқ тиккан эканми-е... Бир ёнини тортсақ, бир ёғи қоцади-я!

Бу гапни Илчыч номидаги колхоз инженери Абдуқаҳҳор Салимов айтди.

Бу ёғи — декабрь. Эртага ҳам ҳаво шунақа туриб беради, деб ким айта олади. Қиш қишлигини қилади, эрта ўтиб индинга ер тақа-тақ музлайди. Ана ундан кейин бирорта тракторни ишлаб кўринг-чи! Районда юз элликка яқин бульдозер бўлгани билан уларнинг ярми ер ҳайдашда, ярми пайкал олишда. Кучлар бўлиниб кетган.

Вақт ўтиб бораяпти. Иш эса айтарли даражада олға силжима-япти. График бажарилма-япти. Дехқон шошиляпти. Ер шошиляпти. Фураат шошира-япти. Бечора Ташмамаат Раҳмоновни ҳужалик раҳбарлари роса ўртага олишди. У бўлса, бир оғизгина гапирди:

— Эҳтиёт чораларини кўра-миз, — деди. Бошқа одам бўлгандами? Чирсиллаб кетарди, чирсиллаб ҳам гап эканми, гуриллаб ёнарди. «Нима, менинг трактор ишлаб чиқарадиган заводим борми?!» деб бақириб юборарди. Лекин унинг қаватида турган бошқа мутахассислар, раҳбарлардан бирортаси: «Имкониятимиз шу, ўртоқлар», деб очик-ойдин айтиши керак эди-ку? Шунга ҳақлари бор эди-ку! Йўқ. Улар индашмади. Оғзиларига талқон солиб олгандек, индамай ўтиришаверди. Ахир, ҳар қандай гапни ҳам ўз вақтида, иссиғида айтган маъкул эмасми?

...Далада эса бульдозерлар ҳамон наъра тортаяпти. Қизик. Битта картада нечта трактор бор? Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти... тўққиз... ўн... Ҳу, нариги томондагиси билан ўн бир... ўн иккита-я! Тахминан ўттиз гектарлик дўппидек жойда ўн иккита бульдозер-а! Ҳа, хўжалик раҳбарларининг кунюналича бор. Бунақада трактор етказиб бўлмайди.

Яна масаланинг бундан кўра муҳимроқ томонлари ҳам бор: Бульдозер олган пайкаллар чуқур бўлади. Баъзан кўкларда ер вақтида етилмайди. Экинч кечикади. Сурилган тупроқдаги шўр қолиб кетади. Қиши билан қор демай, аёз демай қанчадан-қанча сувчи этик билан сув кечиб шўр ювади. Ваҳорда, пайкаллар бузиладиганда, яна ер бетини шўр қоплайди. Бульдозер жониворнинг икки-уч қулоч жойда дам олдига, дам орқасига, дам ёнбошига юриб кучангани-чи? Қанчадан-қанча ёнилги исроф қилинади, мотор ишдан чиқади.

Техника асрида яшаймиз. Ихтиромиздаги машина-механизмлар баъзан керагидан ҳам ортиқ. Шундай экан, нахотки пайкал оладиган ихчам машиналар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса. Чаққон, абжир машина бўлса... Бир кунда бир ўзи битта бригаданинг пайкаллари олиб ташлайверса...

Республикамизда ер шароити шўрроқ ерлар қанчадан-қанча.

Агар ана шундай махсус механизмлар ишлаб чиқарилса, қанчадан-қанча ишчи кучи, ёнилги тежаб қолинарди. Задарё каби кўриқ районлар шароитида сув билан ҳаводек зарур бульдозерга ўхшаш машиналарнинг умри узаяр эди. Бунинг ҳам қўйиб турайлик-а, ишнинг тез ботиши, ернинг эрта етилишини айтмаймиз?!
— Бундай машинани ўзимиз ҳам ясаб юбораверардигу, баъзи бир деталлар етишмайди-да, — дейди Абдусалом Қодиров. — Ундан кейин инженер конструкторларнинг ҳам фикрини олиш керак... Ишнинг пухта бўлганига нима етсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати А. Қодиров — тажрибали механизатор. Изланиб, янгилик яратиб ишлайди. «Ўзбекистон» терим машинаси ишлаб чиқарила бошлаганда, дастлабки нусхалари республикамиздаги 25 механизаторга берилган эди. Улардан бири ана шу Абдусалом эди. Шунга ҳам ўн саккиз йил бўлибди. Бу давр ичиде у машинага қанчадан-қанча ўзгаришлар киритди.

Ўша пайтларда дехқонлар ўртасида: «Янги машина тўкиб кетаркан, сочиб кетаркан», деган гаплар юрарди. Баъзи бригадирлар бу машинани даласига яқинлаштиргиси келмас эди. Абдусалом ўзича вентилятор оборотини тезлаштирди. Шундан кейин сўриш кучайиб, чанокда, пайкалларда пахта қолмайдиган бўлди. Яна: «Янги машина кўсақларни эзиб кетади», деган гаплар ҳам юрарди. Абдусалом шпинделларнинг қуйи қисмини торайтирди, тепасини салгина кенгайтириш билан бу муаммони ҳам ҳал этди. Энди «Ўзбекистон» оралаб ўтган пайкалдаги кўсақлар тирналмайди, заха емайди, тўлиб, дўппи бўлиб очилади.

Бу йиғит ёғ радиатори билан сув радиаторини кенгайтириш туфайли машина умрини узайтирди. Авваллари бу ораликқа бўр тиқилиб қолар, мотор тез қизиб, тез ишдан чиқар эди. Абдусалом «Ўзбекистон» машинасини ўн саккиз йилдан бери капитал ремонтсиз ишлатмоқда. Фақат шунинг ҳисобига ўттиз миңг сўмлик маблағни тежади.


Бугунги механизатор ана шундай бўлиши керак. Давр шунини талаб этмоқда...

КИРОЙИ ИШ ШУНДАЙ БЎЛСА...

Задарёликлар ташаббуси ва режаси билан Тошкент конструкторлари тажриба тариқасида пайкал олишга мўлжалланган мослама тайёрладилар. Ишлатиб



— Жуда ярашди, — дейди кувонч билан Мархамат Жунисалиевага Тошкент ГРЭСига қарашли 16-Қишлоқ махсус техник билим юрти ўқувчилари Бахтиёр Топмагомил ва Малика Хасанова.



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент ГРЭСи ишчиси Йўлдош Муслимов.

В. Мосин фотолари



СҮНГИ ЧАНОҚ.

ЧҲПОН.




**Ўзбекистон
ССРда
хизмат
кўрсатган
санъат
арбоби,
рассом
Маннон
Саидов
асарларидан
намуналар**



ХУМСОН.

ПАХТАКОРЛАР.





Бу ердан дидингизга мос совғаларни харид қилишингиз мумкин.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Марказий универмаги пойафзал бўлимида.

А. Губенко фотолари





Зайтун устидаги одам

Индонезия пойтахти Жакартада тарқатилган бир хабар кўпчиликини ҳайратга содди. Унда айтилишича, Суматра оролидаги Сукахардо қишлоғида Тоҳиран исмли қимса салкам икки йилдан бери кокос дарахтининг устида яшмоқда. 22 метр баландликда яшаётган бу одам ҳамқишлоқларининг илтимосларини рад этиб келаяпти. Тоҳиран пастга тушишни хоҳламайди, маълум бўлишича, у маҳаллий зодагонлар деҳқонлардан навбатдаги тўловни йиғишга келганларида дарахт устига чиқиб, яширинган экан. Чунки Тоҳиран аввалроқ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш программасига мувофиқ олган қарзини қайтаришга қурбн етмаганлиги сабабли дарахт устига «кочиб» кетишни афзал кўрган.

Чойхўрлар байрами

Боқунинг денгиз бўйидаги истироҳат боғи шаҳарликларнинг севишли масканига айланган. Яқинда ана шу истироҳат боғида галати байрам ўтказилди. Байрамда асосан чой ихлосмандлари иштирок этдилар. Чойхўрлар ўша кунга бу хуш-

бўй ичимлик ҳақида хушбат қурдилар, дастурхон тузаш, аъло чой дамлаш бўйича уюштирилган мусобақада иштирок этдилар, чойхўрлик тарихи бўйича тайёрланган викторинада қатнашдилар. Ҳолибларга самоварлар, чиройли чойнақлар, совгабоп стаканлар, хилма-хил чойлардан саралаб тайёрланган «Озарбойжон гулдастаси» номли тухфалар берилди. Чойхоначилар ва узоқ-яқиндан келган чой мухлислари худди шу ернинг ўзида — самоварлар ва ширинликлар қўйилган столлар олдидан бу хушбўй ичимликни қандай дамлаш хусусида маслаҳат бердилар, чойнинг шифобахш хусусиятларидан ҳикойа қилдилар.

Асрлар садоси

Украинада жойлашган Иван Франко шаҳридаги капитан Дадугин кўчасининг қайта қурилаётган қисмида шофер М. Маланюк гоёт баҳайбат суяк топиб олди. Оғирлиги беш килограммдан ортиқроқ келадиган бу суяк ўлкашунослик музейга топширилди. Илмий ходимлар — Б. Долишиний ва Б. Лях топилган суякнинг мамонт умурткаси эканлигини аниқладилар.

Мазкур ўлкашунослик музейида энг қадимий жониворларнинг ана шу баҳайбат, қудратли вакили — мамонтнинг бир неча тишлари, дондон тишлари ва бошқа суяклари аввалдан мавжуд эди. Бундан икки йил муқаддам Буришти сув омборини қайта қовлаш давомида қадимий баҳайбат маҳлуқнинг тўла бўлмаган скелети ҳам топилган эди. Капитан Дадугин кўчасида ер остидан топилган суяк асрлар қаъридан етиб келган яна бир бебаҳо топиладилар.

қуришди. Биноийдек. Зудлик билан Қўқон машинасозлик заводиға буюртма бериб, шундай мосламадан эллик-олтмишта тайёрлаб олидилар.

— Энг муҳими шуки, — дейди Задарё район партия комитетининг биринчи секретари Абдубанно Аширов, — янги мослама билан пайкал олинган ерлар шўрламади, эрта етилди. Терим машиналарининг унумли ишлашига имкоцият туғилди. Шу тариқа йиғим-терим муддатини аввалги йилдагидан бир ойга қисқарттирдик. Ҳар йили Намангандан 15 мингдан ошиқ ҳашарчи, 5 минг ўқувчи ёрдамға келарди. Утган йили шаҳардан ўқувчилар келмади. Бор-йўғи етти минг ёрдамчи келди. Улар ҳам бир ярим ой ишладилар холос. Ҳосилни ёғин-сочинли кунларға қолдирмай тез, сифатли йиғиштириб олдик. Бу эса районимиз экономикасиға сезиларли таъсир


кўрсатди. Одамларимизнинг моддий манфаатдорлиги ошди. Ҳар бир ишловчининг ўртача йиллик даромади 2 минг 150 сўмни ташкил этди...

Районимиз пахтакорлари беш йилликнинг якуновчи йилида, КПСС XXVII съездиға муносиб тайёргарлик кўрилаётган қутлуғ йилда Она-Ватанға 65 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, ҳосилнинг қаида 80 процентини машиналар ёрдамида йиғиштириб олишға аҳду паймон қилишган эди. Мана, бугун ҳамманиннг юзи ёруғ: район меҳнатқашлари давлатға «оқ олтин» топширишда ҳам ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар.


Шундай: деҳқончилик излаишни ёқтиради. Излаган эса имкон топади!

Ортиқали НОМОЗОВ


Наманган область,
Задарё райони



Тошкентдаги Маннон Уйгур номли мактаб ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Сарвара Ғуломова 32 йилдан буён ёш авлодға кимё фани асосларини ўргатади.



Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 22-мактаб директори Ҳаким Ҳошимов дарсада.



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Фазлиддин Расулов пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги 22-мактабда физика фанидан дарс беради.

В. Мосин фотолари

БИР БОР экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир одамнинг етти ўғли бор экан. Улар овчилик билан кун кечирар эканлар. Кунлардан бирида йигитлар овга отланишибди. Уларнинг оналари ҳомилдор экан.

— Агар онамиз қиз туғса, дарвозамиз тепасига қўғирчоқ осиб қўйинг, ўғил турилса ўқ-ёй осинг, — дебди ўғиллар оталарига. Улар кетишлари билан оналари қиз туғибди. Ота дарвоза тепасига қўғирчоқ осиб қўйибди. Аммо, маккор кўшнлари бор экан, душманлик қилиб қўғирчоқни олиб, ўқ-ёй осибди. Йигитлар ордан қайтаётиб қарасалар дарвозалари тепасида ўқ-ёй осилиб турганмиш. «Тақдир бизга сингил ато этмабди», деб орқаларига қайтиб кетишибди ўғиллар. Улар бир тоғнинг қавагида макон қуриб, овчилик билан кун кечириб юраверишибди.

Энди гапни бу ёқдан эшитинг. Ота-онаси янги турилган

онамдан бунақа гапни эшитганим йўқ-ку, — дебди Оқпомиқ хайрон бўлиб.

— Кийиккинам, улар кексаликлари учун акаларингни излашмади. Сени ҳам кетиб қолмасин, деб айтишмаган. Сенинг оғаларинг фалон тоғнинг қавагида ётибдилар, — дебди кекса кампир. — Агар менинг ўргатганимни қилсанг, бу гапни сенга онанг ҳам айтиб беради.

Оқпомиқ уйларига қайтач ойисига:

— Бошим оғрияти, — дебди ёлгондан.

Ойиси қизидан нима егиси келаётганини сўрабди.

— Қовурмоч егим келяпти, — дебди қиз. Ойиси дарвор қовурмоч қовурибди.

— Қозонбошида ейман, — дебди қиз. — Қўлингиз билан оберинг.

Ойиси ховучини тўлдириб қовурмоч олганда, қиз унинг қўлидан маҳкам ушлабди. — Ойи! Тўғриси айтинг, менинг акаларим борми? — деб сўрабди у.

Ойиси қўлининг куйганига чидай олмай:

кетишибди. Оқпомиқ яна кирчир кийимларни ювиб, овқат ҳозирлабди. Акалари келиб қўришса, аҳвол кечагидан ҳам яхши. Улар: «Келинлар, биримиз қолиб, бу ишларни ким қилаётганини билайлик», дейишибди. Биринчи гал энг катта акаси соқчиликка қолибди. Уни тез орада уйку босибди. Оқпомиқ унинг ухлаганини кўриб, бекинган жойидан чиқиб, яна кийимларни ювиб, овқат қилибди. Акалари келиб кўришса: овқат тайёр, кийимлар ювилган. Ҳеч ким ҳеч нарса билолмабди. Эртасига ундан кичиги соқчиликка қолибди. У ҳам уйкуга кетаётганда бармоғини тилиб туз сепабди ва уйкусини қочирибди. Узини ухлаганга солиб ётаверибди. Шу вақт бир қиз чиқиб кийимларни ювиб, овқат пишира болаганда ҳалиги соқчи кўзини очибди:

— Инсмисан-жинсмисан,

нинг бошини қараб, битини тозалабди-да:

— Мен сиздан чўғ олгани келувдим, қайтмоқчиман, — дебди.

— Унда этагингни тут, — деб дев Оқпомиқнинг этагига олдин кўмир, сўнг кул, сўнг чўғ қўйибди. Оқпомиқ йўлга равона бўлибди. Аммо йўлда кул остидаги кўмир қизиб этаги оғина тешилиб, ундан оз-оздан кул тўкилиб, из ҳосил қилибди. Бундан беҳабар Оқпомиқ уйга етиб келиб овқат тайёрлаб, акаларини кутиб ўтирибди. Акалари ордан қайтиб, овқатни ичиб ухлашибди. Эртасига яна овга кетишибди. Шунда дев кулнинг изидан улар ашайдиган уйини топиб қилибди. Оқпомиқ девни узоқдан кўриб оқ эшикни ичкаридан маҳкамлабди.

— Эшикни оч, ё бўлмаса тирқишдан бармоғингни чиқар, — дебди дев.

Оқпомиқ бармоғини чиқарибди. Дев унинг бармоғини маҳкам ушлаб, битиз билан тешиб қонини сўрибди. Бир ордан кейин:

— Агар менинг келганимни



ТУРКМАН
ХАЛҚ ЭРТАГИ

чақалокқа Оқпомиқ деб исм қўйишибди. Ўғилларнинг йўлларига кўз тикиб яшайверишибди. Кун ўтибди, ой ўтибди, йил ўтибди — йигитлар келишмабди. Ота-она ўғилларининг қайтишидан умидларини узибди. Ой ўтиб, йил ўтиб қиз тўққиз-ўн ёшларга кирибди. Бир кун қўшнлари йўгин қилишибди. Оқпомиқни ҳам бу йўгинга тақлиф этишибди. Оқпомиқ қувониб бу йўгинга ташриф бузурибди. Бу ерга келган келинлардан бири Оқпомиққа номаълум бўлган сирни очиб учун шундай дебди:

— Кимнинг ака ёки укаси бўлса, тўрға ўтсин, кимнинг оға-иниси бўлмаса, пойгақда ўтсин.

Оқпомиқ пойгаққа ўтиб ўтирибди. Кекса кампир унга: — Ҳой, кийиким, сен юқорироққа ўтир, — дебди.

— Вой, эна, менинг оғаним йўқ-ку, — дебди Оқпомиқ.

— Вой, оғзингдагини шамол учирсин, ҳамманнинг битга-иккита оғаси бўлса, сенинг арслондай-арелондай етита оғанг бор. Юқорига чиқ!

— Мен шу вақтгача ота-

— Бор эди, сен турилмасдан олдин овга кетганича қайтишмади, — дебди. — Улар фалон тоғнинг қавагида ётибди, деб эшитамиз.

— Мен уларни излаб кетдим, — дебди қиз.

— Сен уларни тополмайсан, — дебди ойиси. — Мен сенга бир чўрак-нон пиширай. Шунини бир юмалатиб кўр, қайси томонга юмаласа, ўша ёққа қараб кетавер, акаларинг ўша ёқда бўлади дебди.

Оқпомиққа ойиси чўрак пишириб берибди. Қиз чўрақни гилдирашиб кетаверибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, охири бир тоғнинг қавагига етибди. Бу қавақнинг ичида қон сачраган кийимлар тўлиб ётган, бир неча бўлак гўшт осилиб турган экан.

Оқпомиқ кийимларни ювиб, гўштдан овқат пишириб қўйибди. Бир вақт қараса, анча кишилар ёрғага қараб келаётган эмиш. Оқпомиқ дарҳол бекиниб олибди. Акалари келиб кўрсаларки, овқатлари пиширилган, кийимлари ювилган. Улар кийимларини алмаштириб, бемалол ёнбошлабдилар. Эртасига яна овга

ким бўлсанг ҳам ўзингни танит, — дебди.

— Инс ҳам, жинс ҳам эмасман, сизларнинг туғишган синглингишман — дебди, — Оқпомиқ.

Улар танишибди, катта акалари келгунча, овқат тайёрлашибди. Сўнгра уларга пешвоз чиқишибди. Барча акалари уйларига қиз турилганидан, сингиллари уларни излаб келганидан шод бўлишибди ва Оқпомиқни кийикнинг илғи билан меҳмон қилишибди.

Орадан бир қанча вақт ўтибди. Нима ҳам бўлибди Оқпомиқнинг олови ўчиб қолибди. Қиз нима қиларини билмай тошни тошга уриб олов ёқмоқчи бўлибди. Аммо эпполмабди. Овқат ҳам кеч қолибди. Охири нима қиларини билолмай таварак-атрофига аланглаб қарабди. Узоқдан бир тутун кўришибди. Оқпомиқ тутун чиқаётган жойга келибди. Эшикдан салом бериб кирса, қари дев ёнбошлаб ётган экан. Дев Оқпомиқни кўриб:

— Саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим, кел, қизим, бошимни бир қараб қўй, — дебди. Оқпомиқ дев-

акаларингга айтсанг, сени ёб қўяман, — деб изига қайтибди.

Оқпомиқ қўрққанидан акаларига ҳеч нима демабди. Дев ҳар кунни келиб унинг бармоғидан қонини сўраверибди. Оқпомиқ кундан-кунга озиб-тўзиб кетаверибди. Акалари ундан: «Сенга нима бўлди, — деб сўрашса у: «Ҳеч нима бўлгани йўқ», деб жавоб берибди.

— Бу ерда бир сир бор. Келинлар, аниқлаймиз, — дейишибди қизнинг акалари. Улар овга кетгандай бўлишибди-ю, ўша атрофга бекинишибди.

Оқпомиқ ҳамма ишларни саранжом-сарашта қилиб, девнинг келар вақти бўлганда, эшикни ичкаридан қулфлаб ўтирибди. Қизнинг қонини ичмишга ўрганиб қолган дев бугун ҳам эшикни қоққан экан, етти оғайни етти томондан ташланиб девнинг бошини кесишибди. Девнинг қалласи думалаб кетаётди: «Хасдан-чўндан ҳам кўп бўлиб қайтаман», дебди. Оқпомиқнинг акалари қаланинг изидан ета олишмабди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин ўша кал-

ла бир неча дэва айланиб қайтиб келиб, етгита оғайини ўлдириб гўшларини еб суякларини ташлаб кетибди. Оқпомиқ бўлса, кийик терисининг остига кириб бекинбди. Девлар кетгандан сўнг Оқпомиқ беркинган жойидан чиқиб акаларининг суякларини бир жойга йиғиб, устига кийик териларини ёпибди. Бир отга миниб овулма-овул айланиб, донишманд одамлардан акаларини қандай қилиб тирилтириш мумкинлигини сўрабди. Ҳеч ким жавоб бера олмабди. Охири кекса бир кампирга дардини ёрибди.

— Қизим сенинг акаларингни девлар ўлдирган бўлса, тирилтиришнинг иложини топиш мумкин, — дебди кампир. — Аммо бу жуда мушкул иш.

— Майли, онажон, ҳар қандай мушкул ишга тайёрман, — дебди Оқпомиқ.

— Хув тоғнинг остида Оқмоя деган бир туя бор, — дебди кампир. — Шунинг сутидан келтириб, суяклар устига сепсанг акаларингга жон киради. Аммо Оқмоя одамхўр, кўзига кўринганини соғ қўймайди. Оқмояннинг бўталогги эса, одамзодга дўст, у сенга ҳам ёрдам бериши мумкин.

Қиз кўлига теридан тикилган идиш олиб Оқмоя томонга равона бўлибди. Юриб-юриб у Оқмояннинг бўталогига дуч келибди. Бўталоқ Оқпомиқ ёнига сакраб-сакраб етиб келибди. Оқпомиқ бўталоқнинг боши-кўзини силаб, кўп меҳрибончиликлар кўрсатиб, охири арзи-додини айтибди.

— Майли, аммо онам билиб қолса, иккимизни ҳам ейди, — дебди бўталоқ. — Кел, сен менинг қўлтигим тагига яширин. Мен сутни эмиб, сенинг идишингга қуяман.

Бўталоқ жундор бўлиб, туқлари ергача тегаркан ва қизни бекита оларкан.

Оқпомиқ унинг айтганини бажарибди. Бўталоқ онасининг ёнига яқинлашибди.

— Одам иси келаяпти, — дебди Оқмоя.

— Онажон, бу ерда одам иси нима қилсин, — деб ёлворибди бўталоқ. Оқмоя бўталоқни эmdirишга рози бўлибди. Оқпомиқнинг идиши тўлгандан кейин бўталоқ усталик билан ундан айирлиб, шу орада ўтлай бошлабди. Оқпомиқ бўталоқнинг қўлтигидан чиқиб, отига қараб югурибди. Қиз Оқмояннинг сутини олиб келибди-ю, акаларининг суякларини жой-жойига қўйибди. Фақат улардан биттасининг қилич суягини тополмабди. Уни дев чайнаб кетганини ёки бошқа нарса бўлганини — биллолмабди. Шундан кейин суякларининг устига Оқмояннинг сутидан сепиб, бир кеча қутибди. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг:

— Вой-вуй, кўп ухлаб қолибмиз, — деб акалари ўрниларидан турибдилар. Оқпомиқ уларга бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берибди. Улар сингиллари Оқпомиқнинг ўзлари учун шунчалик кўп жафо чекканини эшитиб, ундан миннатдор бўлишибди. Олти оғайиннинг ҳамма жойи бус-бутун, аммо фақат кенжасининг қилич суяги йўқ эмиш.

Шундай қилиб етти оғайини ов овлаб кун кечириб юраверибди.

Оқпомиқ акаларининг ҳаммасини уйлантирибди. Акалари эса, Оқпомиқни аввалгидан ҳам кўпроқ ҳурмат қилади-кан бўлишини. Акаларининг хотинлари: «Эрларимиз бизни Оқпомиқча кўрмайди. Келинлар, бир маслаҳатлашайлик!» — дебдилар. Оқпомиқнинг энг катта келиноиси: — Келинлар, уни ётқизиб

— Сенга нима бўлди? — деб сўрашибди акалари. Қиз жавоб бермабди.

— Бунга нима кераклигини мен биламан, — дебди катта келиноиси. — Оқпомиққа эр керак, юрагига кўр керак.

Энг кичик келин эса: — Оқпомиқни бир туяга миндириб юбориш керак, тақдирини синаб кўрсин, — дебди.

Акалари бир туяга кўшк ўрнатиб, ичига Оқпомиқни миндириб, туяни бебошвоқ ҳайдаб юборишибди. Оқпомиқ боши оққан томонга кетаверибди. Бу вақтда подшо билан вазирнинг ўғли овга чиққан экан. Улар узокдан бир қорани кўриб, отларини шу ёққа буришибди. Яқинлаб келиб, бир кажавали туянинг ўз ҳолича ўтлаб юрганини кўришибди.

— Ичидаги меники, — деб-

лин излаб кетибди. Оқпомиқнинг ўғли келиб:

— Ойи, нон! — дебди. Оқпомиқ индамабди, ўғлига нон ҳам бермабди. Ғамгин бўлиб ўтираверибди. Уғлининг жаҳли чиқибди. Онасининг энсасига қоқиб: «Ойи, нон деяман», — деган экан, шу вақт бўғиздаги кўррошин «лоп» этиб тушибди. Шундан кейин Оқпомиқ гапира бошлабди. У ўғлига:

— Уғлим, қулогимга ҳам бир ур, — дебди.

Уғли қулогига бир урибди, қулогигаги кўррошин ҳам ерга тушиб, Оқпомиқ эшитадиган бўлибди.

Чап қулогимга ҳам бир ур, — дебди Оқпомиқ. Уғли яна урибди.

Шу билан унинг иккала қулоғи ҳам очлибди. Оқпомиқ бутунлай соғайибди.

Подшонинг ўғли бир пайт



Расми Н. Иброҳимов чизган.

оғзига, қулогига кўррошин қуямиз, — дебди. Энг кичигидан бошқа ҳаммаси бу маслаҳатга қўнибди. Кичик келиноиси эса:

— Бундай қилиш яхши эмас, — деб қаршилиб кўрсатибди. Шунда катта овсинлар:

— Бўлмаса, ўзининг оғзининг кўррошин қуямиз, — деб кўрқитишибди. Шундай қилиб, Оқпомиқни ушлаб ётқизиб, унинг оғзига ва қулогига кўррошин қуйишибди. Оқпомиқ гунг ва кар бўлиб қолибди. Аммо кичик келин бу ишга қатнашмаса-да, ҳеч кимга бу тўғрисида оғиз очмабди. Оқпомиқнинг аҳволи оғирлаша бошлабди.

ди подшонинг ўғли.

— Ташқарисидаги меники, — дебди вазирнинг ўғли.

Улар туяга яқинлашибди. Кажавани очиб кўришса, бир қиз суратдай қотиб ўтирибди.

— Ҳой қиз, паримисан, жинмисан, гапир, — деб сўрашибди улар. Қиз жавоб бермабди. «Гунг бўлса ҳам бахтимдан кўрдим», — деб подшонинг ўғли унга уйланибди. Орадан бир йил ўтибди. Улар бир ўғил кўришибди. Уғли тўрт-беш ёшга кирганда ҳам Оқпомиқ гапирмабди. Подшонинг ўғли эса:

— Бу гунг аёл билан яшай вераманми, яна бир бор уйлансам уйлана қолай, — деб ке-

иккинчи хотинини олиб келаверибди. Оқпомиқ сут қайнатаётган экан. Сут тошиб тўкила бошлабди. Янги келин отнинг устида туриб:

— Мен сизга ҳайрон, тўкилди ҳайрон, — деб қичқирибди.

Ҳали отдан тушмаган келиннинг заҳарханда гапини эшитган Оқпомиқ:

Келинга боқ, келинга боқ, Заҳаргина тилига боқ, Келар эгар қошида Кўзи ўчоқ бошида, —


деб жавоб берибди.

Подшонинг ўғли Оқпомиқнинг гапира бошлаганини кўриб, янги келини отдан туширмаёқ изига қайтарибди.

Кўшиқлар излайман шаънинга лойиқ

Кўк гумбаз кўксига сим-сим ярақлар
Саркаш кавокиблар талғати — совуқ.
Сонсиз овозларни бағрида сақлар
Жонсизга жон бериб жонли бу тарих.
Мен бу овозларни тинглайман беҳол,
Тарих варақларин бир-бир очганда;
Босинқи туш кўрган кексалар мисол,
Уларни ўйлайман уйку қочганда.
Овозлар — фарёд бу, овозлар — армон,
Овозлар — оҳ ва дард, овозлар — нола.
Ушбу овозларнинг остида куфрон
Кўмилиб ётибди қанча замона.
Кўмилиб ётибди, беасос эмас,
Машрабнинг бўйига у сиртмоқ солди.
Насимийни қувғин қилди басма-бас,
Фурқатнинг ашбори ғамларда қолди.
Робия ўз ишқин оқибати деб,
Қони билан ёзди ҳаммом четига.
Хаёлдай бу севги умрларга зеб,
Лекин у туфлади зулм бетига.
Нурпараст Самарқанд эхромларидан
Қулоққа урилар аччиқ, тилсиз дод.
Бухоро мулласин каломларидан
Ошиб ўтар қуллар кўтарган фарёд.
Нурота тоғларин жонбахш бағрида,
Менинг ҳам аждодим ўтди неча бор.
Бу кун билмоқдаман, улар умрида
Замондан топмабди беҳбуд, эътибор.
Эътибор топмади, ҳа, алп халқим,
Икки хур дарёдан ичди қора қон.
Бир пойдор толени қалба жо этиб,
Неча замонларким, чекди у фиғон...
Ўтмиш садоларин ўйимдан қувиб,
Мен ўз замонамга қарайман масрур.
Ленин даҳосига муҳаббат туйиб,
Қалбимни порғлатар голиб бир ғурур.

Йўқ ажаб замонам, менинг замонам
Халқимга беролди орау, бахтини.
Бугун мартабаси шондай бу олам
Термулиб турибди кўриб шахдини.
Термулиб турибди фин балиқчиси,
Ошиқдай термулар мисрлик дехқон.
Америка фермерин қув қўриқчиси
Уни тушларида кўради аён.
Голланд ишчисини қўйиб берса гар,
Юртига айтарди мангу алвидо.
Чилидан қувланган доно исёнкор.
Менинг замонамга бермоқда нидо...
Мен бу кун бахтимдан энтикиб, балқиб,
Турибман қалбимда беармон сурур.
Ташаккур айтаман замонга қалқиб,
Лекин унга етмас оддий ташаккур.
Мен уни қуйламоқ истайман ёниб,
Қуйламоқ истайман дилбар замонам.
Кўшиқлар излайман шаънинга лойиқ,
Беазвол кўшиқлар сен учун, онам...
О, лекин уларни топмадим ҳали,
Еш умрим ўтса-да ишқиде толиб.
Елиб кетмоқдасан Коммуна сари,
Ҳар қандай кўшиқни орда қолдириб!



БАРХАНЛАР

- Барханлар — йўл кутиб ётган туялар.
- Мина кўрма, йўловчи.
- Барханлар — барқарор қиру қиялар.
- Йўқ, инонма, йўловчи.
- Барханлар — қалъалар сарбаланд, мағрур.
- Дил ёрмагил, йўловчи.
- Барханлар — тоғлар-ку шамоли учқур.
- Йўқ, бормагил, йўловчи.

Икки сирли садонинг
Ажратолмай фарқини,
Тўртта гашту сафонинг
Туяй, дея, завқини,
Йўловчи бурди йўлин
Сахро — барханлар томон.

Оқпомиқ билан тотув яшай
бошлабди. Оқпомиқ акаларидан
умидвор бўлиб, ўғли учун
олтин ошиқ ясаттирибди.
Ўғлига: «Ҳар ошиқ ташлаганингда:

Оқпомиқнинг ўғлиман,
Якёғир жияниман.
Олтин ошиғим олчи тур,
Етти тоғам боши учун,
Энг кичиги Байрамдир,
Байрам тоғам боши учун, —

дегин», деб ўргатибди.
Энди гапни Оқпомиқнинг
етти акасида эшитинг. Уларнинг
анг кичиги Байрам: «Бизга
шунча яхшилик қилган
синглимизни туяга миндириб
жўнатган эдик. Мана етти йил
бўлдики, на тириги бор, на
ўлиги. Келинлар, уни излайлик»,
деб акаларига маслаҳат солибди.
Акалари ҳам рози бўлиб,
ҳар бири бир шаҳарга

сингилларини излаб кетибди.
Кичик акаси бир шаҳарга борса,
бир тўп бола ошиқ ўйнаб
юрганмиш. Улардан бирининг
қўлида олтин ошиқ бор эмиш.
Уни ҳар отганда:

— Оқпомиқнинг ўғлиман,
Якёғирнинг жияниман.
Олтин ошиғим олчи тур, —

Дермиш. Оқпомиқнинг кичик
акаси болаларнинг ёнига келиб:

— Ҳой ўғлон, яна бир
айт, — дебди. Оқпомиқнинг
ўғли ошиғини отиб:

— Оқпомиқнинг ўғлиман,
Якёғирнинг жияниман,
Олтин ошиғим олчи тур,
Етти тоғам боши учун,
Энг кичиги Байрамдир,
Байрам тоғам боши учун,
Олтин ошиғим олчи тур, —

дебди. Тоғаси уни таниб:

— Қани, ўғлон, уларнинг
қайда? — деб сўрабди-да,
боланинг изига тушиб, Оқпомиқнинг
уйига келибди. Оқпомиқ билан
акаси бир-бирини таниб ҳол-аҳвол
сўрашибди. Оқпомиқ бошидан
ўтганларни айтиб берибди.

Кунлардан бирида акаси
қайтмоқчи бўлибди. Оқпомиқ
шаҳзодага қарашли одамларга
айтиб, кўп чаён ушлатибди.
Етти халтача тикиб, олти тасига
чаён, биттасига майиз солибди-да:

— Бу олти халтани катта
келинойиларимга, еттинчисини
кичик янгамга беринг, —
деб илтмос қилибди.

Байрам совғаларни эгаларига
топширибди. Катта келинлар:

— Қайсинглимиз бизга
совга берибди, — деб халтачаларга
қўлларини тиқиши билан
чаёнлар уларни қақиқ

олишибди. Катта янгалар
дод-вой солиб йиғлашибди.
Кичик келин ўзига берилган
халтачани очиб кўрса ичи
тўла майиз экан. У бу совгадан
қувонибди. Байрам акаларини
қақириб:

— Мен Оқпомиқни топдим,
фалон юртнинг маликаси бўлибди,
— деб унинг бошидан
ўтганларни оқизмай-томизмай
айтиб берибди. Етти оғайни:
«Бизга шунча яхшиликлар қилган
синглимизга ёмонлик қилган хотинлар
бизга керак эмас», деб ўз
хотинларини ҳайдаб юборишибди.

Оқпомиқ бу гапларни эшитиб
шод бўлибди. Акалари яхши
қизларга уйланиб, мурод-мақсадларига
етиб, Оқпомиқ билан борди-келди
қилиб, аҳилликда яшай бошлашибди.

Б. Норбоев таржимаси

...Гупиринди ўнг-сўли —
Бирдан бошланди бўрон.
Кўзларига тўлди кум,
Оёқлари суринди.
Қулоқлари бўлди гум,
Оғзидан кум тупирди.
Қани, қани, туялар,
Қирлар йўқ-ку ўрнида?
Қалъа — туссиоз соялар,
Тоғлар учар қуйида...
Бирор қор бўлмагандек,
Мана, тинди-ку бўрон.
Авалгидай ётар тек
Барханлар қотган тугён.
Бири ўхшар туяга,
Бири мисли қир-адир.
Қўрғон қорлар қияда,
Тоғ — мўжиза қорлайдир.
Барханларга қўшилиб
Тагин мўъжаз бир бархан,
Нурдек қуйлаб, эшилиб,
Чорлар мунис, меҳрибон...

Ўтди не-не замонлар,
Не-не андилар ўтди.
Келди ажиб давронлар —
Иўлимиз ойга етди.

Елгон айтиб нетамиз, —
Ҳамон гоҳ қуйиб-ёниб,
Ўзни ҳалок этамиз
Барханларга инониб.



БОЛАЛИККА СОҒИНЧИЛИК САЛОМ ХАТ

Болалигим, бизнинг йўл
Қачон тушдйкан айри.
Сени истайдир кўнгил —
Қайда у дамлар сайри.
Қайларда қолиб кетдинг,
Йирлагим келар гоҳо.
Соғинганимдан битдим —
Бу хатни, — бу тун аро.

Бойчечаклар неча бор
Очилди ҳам, сўлди ҳам.
Момом айтган Бойчибор —
Умид оти бўлди ҳам.
Булутлар орасига
Сингиб кетган қуш мисол,
Кетдим олис-олисга
Қалба орзулар бисёр.


Бироқ сен ўйлагандай
Текис йўллар йўқ экан,
Ҳар қадамда пайдар-пай
Гоҳ гул кўрдим, гоҳ тикан.
Одамларни учратдим —
Етаклади кўлимдан.
Одамларни учратдим —
Тариқ сепди йўлимга...

Очиқ кўнгиллик, — бу жар,
Бир кун тортар домига.
Мен ҳам унинг неча бор
Тушиб чиқдим қомига.
Қўйнимда, дўст деб баъзан,
Илонларни асрадим.
Кўнглимда, ёв деб баъзан,
Дўстларимдан ажрадим.

Қизиқ бир ҳодисотга
Яқинда бўлдиқ гувоҳ:
Бир адибни ҳақ гапга
Дўппослабди уч гумроҳ.
Адиб қилди шикоят
Каттароқ идорага.
Оқибат-чи, оқибат,
Боши қолди балага.

Болалигим, кўп нарса
Сўнг аён бўлар экан;
Катта харсанг остида
Не гуллар сўлар экан.
Едингдами, сен қандай
Севар эдинг қоғозни?!
Йиллар чақди чакиндай
Ва тушундим устозни. —

Билсанг энг ёмон иллат,
Қоғозбозлик иллоти.
Ҳатто гоҳ қувончу дод
Қоғозларда битади.
Бундан кимдир мансабнинг
Куресида пойидор.
Алам-жабрига дарднинг
Юлдузлар бўлар абгор.



ОДАМ ўғли, бу бари
Бир кунни ўтар-кетар.
Чоғатнинг қори каби
Сув бўлиб эриб битар.
Бахти ёр шоирман
Бугун эл, давронининг.
Сўз дурин соҳириман.
Куйлайман замониمنى!

Эмасман озурда жон,
Кетолмайман дил узиб, —
Сенга қалбимни шобён
Ошиқдай тўқдим, узр.
Эзиддек қорла доим,
Марч йўл олис, мубҳам.
Сен бирла яшай токим
Ғойибона бўлса ҳам!

Боис: сени агарда
Сақдай билса қалба ким,
Ўз ақли, юрагига
Ўзи албатта ҳоким!
Тоғлар ўз булоқларин
Йўлин олис ташлайди.
Лекин шаксиз уларнинг
Ишқи билан яшайди!

! В. В. Маяковский ва унинг
«Қоғозбозликини йўқ кўрарга кўзим...»
сатрига ишора.



РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР

2-неврология бўлими палатасига ранги-руйи бир ахвол, қарирок аёлли олиб кириб ётқиздилар.
— Ойим, кўчада йиқилиб тушиб юролмайдиган бўлди, томоқларидан овқат ўтмайди, гапиролмайди, — деб изоҳ берди беморни кузатиб келган ўғли.
Врач Ғозибой ака олиб-югуриб, бошқа врачлар

билан маслаҳатлашиб, беморни даволай бошлади. Бир неча кундан сўнг беморнинг иштаҳаси очилди, юзига қизиллик югурди, оз-моз юра бошлади. У бир кунни бошидан ўтган мижароларни ҳамхоналарига гапириб берди:

— Нима бўлса ҳам, ўзимдан ўтди... Фолбинга бордим, домлага ўқитдим... Бир қариндошим бор эди, келиб ахволимни кўриб мени роса койди:

— Бекорга ўзингизни қийнаб ётганингиздан кўра докторга кўривсангиз, бўлмайди? 15-касал-хонага кўнгироқ қиламан, ўғлингиз сизни машинада олиб борсин! — деди:

Бу ерга келдим. Докторлар мени меҳрибонлик билан кутиб олишди. «Холажон, соғайиб, юриб ҳам кетасиз», деб тасалли берди улар. Бу ерга эртароқ келсам бўлмас эканми...

— Нега кеч келдингиз? — деб сўрайди врач Ғозибой ака.

— Вақтида келишга

чора топа олмадим-да, деб жавоб қилдим. Ғозибой ака иста билан даволашга ҳам уста экан. Неврология бўлими бошлиғи М. Ҳодиев эса саккиз хил мутахассис врачга, доцентларга, профессор Абдуманноб Раҳимжоновга кўрсатди. Ҳаммалари тўғри маслаҳат бериб, тўғри даво белгилалдилар. Улардан бир умр миннатдорман.

Топкент шаҳар 15-касал-хонада соғайиб шифо қорларига атай махсус журналга ёзиб қолдирган ёки уйларидан ёзиб юборган ташаккурномаларига кўз югуртирамиз.

«Хурматли Шавкат Сатторович! — деб ёзади Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирланмасининг бош инструктори А. Баҳромов. — Неврология бўлимидаги шифокорларнинг ўз бурчларига содиқлигини ҳис эгдим, уларнинг фидойийлигидан дардимга шифо топ-

дим. Ўйлайманки, врачларингизнинг гамхўрлиги менинг — Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг соғлиғини тиклашга ҳам муваффақ бўлдилар. Мен бу шифобахш масканда даво топганларнинг бириман. Бунинг учун шифокорларга ташаккур айтаман».

«Миям лат еб 15-касал-хонага тушган эдим. У ерга бир ой даволадим. Ҳозир ишлашман ва ўзимни яхши сезаялман. Мени даволаган врачларни, ҳамшираларни ҳеч унутма олмайман. Айниқса, даволочи врач Яков Яковлевич Телхор каби хушмуомала, беморга меҳрибон шифокорлардан миннатдорман» — деб ёзади Шавкат Султонбекова.

2-неврология бўлими муdiri Махмуд Ҳодиевни олинг. 1976 йилда ТопМНИ муваффақиятли таъомлаб, кейин аспиратурада сабоқ олди. 1982 йилда

кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1983 йилда республика комсомол мукофоти унвонига сазовор бўлди.

Доцентлардан Ғозибой Соилов, Шавкат Аскарлов, Собир Тургунов, Бахтиёр Ғафуров, ассистентлардан Султон Бусаков, Мамлакат Маҳмудова, Гулчехра Дадахонова сингари шифокорлар ҳам эл хурматини қозongan кишилардир. Уларнинг қўлида қанчадан-қанча беморлар шифо топмоқдалар.

Дарҳақиқат, шифохона ҳамшираларидан тортиб илмий унвонли врачларгача ҳаммаси беморлар учун жонқур, меҳрибон ва билимдон кишилар.

Клиникада меҳнат қилаётган шифокорларнинг кўпчилиги муқаддас қасамга содиқ қолиб, ўз бурчларини садоқат билан бажармоқдалар.

Тургунобай ҒОЯИПОВ

ИЖОДКОРЛАРИМИЗ БУРЧИ

ЎЗБЕКИСТОН ёзувчилари ҳаётида катта воқеа бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри биносига республика ёзувчилари ўзларининг IX съездларига тўпландилар.

Съездни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун очди. КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевнинг нутқини съезд қатнашчилари зўр мамнуният билан тингладилар.

— Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди — республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеадир, — деди нотик. — Унинг аҳамияти профессионал союз доираси билангина чекланмайди. Бунинг сабаби равшан: адабиёт — ҳаёт кўзгусидир, ўз замонининг солномачиси бўлиш, замондошимизни маънавий жиҳатдан бойитишда партиянинг ишончли ёрдамчиси бўлиш эса совет ёзувчисининг бош вазифасидир. Республика коммунистлари, барча меҳнатқашлари ёзувчиларнинг олижаноб меҳнатларини гоё қадрлайдилар. Ёзувчилар ўз санъатлари билан давримизнинг юксак идеалларини қарор топтирмақдалар. Улар партия билан халқ КПСС

XXVII съездига тайёргарлик кўраётган жуда масъулиятли даврда тўпландилар, бу съезд совет жамиятининг коммунизм сари олға силжишида жуда муҳим ўрин олади...

Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларини тубдан қайта қуриш зарурлигини КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев ўз доқладлари ва нутқларида гоё аниқ ва равшан асослаб берди. У партия ўртага қўйган вазифалардан биронтасини инсон омилини кучайтирмай туриб, хал этиб бўлмаслигини таъкидлади.

Мана шу ишда партия адабиёт ва санъатга, барча ижодкор зиёлиларга катта умид боғламоқда.

Давр ёзувчилардан ҳаёт билан, халқ билан янада мустаҳкам узвий алоқада бўлишни қатъий талаб қилмоқда. Бу, адабиётнинг воқелигимизни унинг бутун ранг-баранглигида ҳаққоний акс эттиришининг энг биринчи шартидир. Шу муносабат билан Максим Горькийнинг: «Санъаткор — ўз мамлакати, ўз синфининг жарчиси, унинг кўз-қулоғи ва қалбидир; у ўз даврининг



Ўзбекистон Ёзувчиларининг IX съезди Президиумида: (ўнгдан чапга) Улмас Умарбеков, Уйғун, Ҳалима Худойбердиева, Асқад Мухтор.



Суратда: Тожикистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари Мўмин Қаноат (чапдан ўнгга), украиналик ёзувчи Александр Ильченко, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анатолий Иванов, Қозоғистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари Қаловбек Тур-сунқулов.

Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Комил Яшин (ўртада) IX съезд делегатлари (чапдан ўнгга). — Хуршид Даврон, Машраб Бобоев, Муҳаммад Али, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Нормурод Наразуллаев, Шукур Холмирзаев, Темур Пулатов, (иккинчи қатор) Омон Матжон, Сулаймон Раҳмон, Шаҳодат Исахонова, Ғаффор Ҳотамов, Абдулла Шер, Хайриддин Султонов билан суҳбатлашмоқда.

С. Молгачев ва С. Маҳмамов фотолари



овозидир», деб айтган сўзларини эслатиб ўтмоқ жоиздир.

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олаётган республикамиз меҳнаткашлари ҳаёти, ўлкамизда қудратли ишлаб чиқариш-техника потенциали барпо этилганлиги, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш барқарор ўсаётганлиги, иқтисоднинг аграр секторида ва, энг аввало, пахтачиликда ижобий сил-жишлар рўй бераётганлиги, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топириги анча ошириб бажарилганлиги адибларимиз учун битмас-туганмас илҳом манбаидир...

Съездда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи прав-ленесининг биринчи секретари Ҳ. Р. Умар-беков правленийнинг съездга ҳисобот докла-дини қилди. У таъкидладики, ҳисобот даври-да барча жанрларда кўплаб ёрқин, катта аҳамиятга молик асарлар яратилди, бу асарлар маданиятимиз хазинасини бойитиб, миллий адабиётнинг ривожланишида янги босқич бўлди.

Республика адиблари анжуманида СССР Ёзувчилар союзи правленийнинг секрета-ри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анатолий Иванов, украинлик ёзувчи Александр Ильченко, Тожикистон ССР Ёзувчилар союзи правленийнинг биринчи секретари Мўмин Қаноат, Озарбойжон ССР Ёзувчилар союзи

правленийесининг биринчи секретари Исмоил Шихли ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар. Соци-алистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин, Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правленийесининг раиси Т. Қаипбергенов, ёзувчилардан Мирмуҳсин, Ҳаким Назир, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Шукрулло, Рамз Бобожон, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худой-бердиева, Омон Матжон, Изат Султон, А. Осмонов Ўзбекистон Компартияси Марка-зий Комитетининг XVI пленуми қарорлари ёзувчилар ўртасида юксак талабчанлик, уларнинг ишида бракка йўл қўйилишига мурасасиалик вазиятини яратиш юзасидан бундан буён ҳам собитқадам иш олиб боришни тақозо этишини уқтириб ўтдилар. Ижодкор ёшлар билан ишлашни активлаш-тириш, мураббийлики ҳар томонлама ри-вожлантириш, гоёвийлик ва маҳорат маса-лаларига алоҳида аҳамият бериш, бошловчи авторлар билан мунтазам семинарлар ўт-казиб туриш, бу семинарларда ютқлар ва камчиликлар ҳақида амалий, принципиал фикр юритиш, ёшларни кенг қамровли, теран китоблар, пьесалар, сценарийлар яратишга йўналтириш лозим.

Съезд қабул қилган қарорда Ўзбекистон ёзувчилари партия ўртага қўйган улгувор вазибаларни бажаришга муносиб ҳисса қў-шадилар, КПСС XXVII съездини янги, ёрқин

асарлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирилди.

Съезд Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правле-ниеси ва ревизия комиссиясининг янги составларини, СССР ёзувчиларининг VIII съездига делегатларни сайлади.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Аб-дуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Со-вети раисининг ўринбосари С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходи-ми Е. М. Миронов ўртоқлар иштирок этдилар.

Шу кунги Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленийесининг пленуми бўлиб ўтди. Пле-нум правление Президиумини сайлади. Ул-мас Умарбеков Ўзбекистон Ёзувчилар со-зи правленийеси президиумининг раиси этиб сайланди. Абдулла Оринов, Асқад Мухтор, Тўлепберген Қаипбергенов президиум раис-ининг ўринбосарлари этиб сайландилар.

* * *

Ёзувчилар союзининг декабрь ойидаги пленумида Евгений Березиков Ёзувчилар Союзи Правленийеси раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди.

ЮРТ ИШҚИНИ ТУЙГАНЛАР

Х

АР ИИЛИ кузда далалари жасорат майдонига айланиб кетади. Қимирлаган жон пахтазорга йўл олади. Пахтакор халқимиз, механизаторлар, студентлар, ҳашарчи шаҳар аҳолиси матонатига ҳар қанча тасанно айтсак ҳам. Меҳнат жабҳасида фидойилик кўрсатган дўсту қадрдонлар номи қошу қарогимиз устиди. Дарҳақиқат, ўтган йил кузи-да ҳазилакам иш бўлгани йўқ. Энг муҳими, меҳнат ниҳоятда ҳалол, ниҳоятда марду очиқ дил билан амалга оширилди. Тарозудан уриб, тошбақа бўлиб қолганлар, кўшинг ёзиб, халқни алдаганларнинг қўли ушланди. Давлатга ҳаппа-халло, оппоқ пахтамиз арму-гон этилди. Ҳалоллик бор жой-да ҳамма нарса тоза ва завқ-лидир. Улуғ мураббиймиз — партиямиз бизни тўғри ва ҳа-лол йўлга солди. Пахтакор халқнинг шонли номига битта-яримта «искирт бузоқ» доғ ту-шира олмайдди! Азамат ўзбек халқи, социалистик жумху-риятимиз байроғи улуг оилада доимо баланд хилпирайди!

Қатрада куёш акс этгани-дек, бутун республикамиз халқ-қи уйган «оқ олтин» борасида азамат Сирдарё областадиги Ильич райони совхозларида жасорат кўрсатган пахтакор-лар ва ҳашарчи ёшлар ҳақи-да бир неча сўз айтмоқчимиз.

Ўтган йили куз куёши саҳий келди. Куёшли куннинг ҳар бир дамини ғанимат билган халқимиз жасорат кўрсатиб, пахтазорларда меҳнат қилди. Дехқон қалб меҳрига йилан-ган, куёш нурига йўғрилган оппоқ далалар бирин-кетин ўзининг хазина тўла бағрини бўшатиб берди. Съезд йилида жонажон Ватанимизга арму-гон этилган улкан хирмонлар-да Сирдарё областадиги Ильич районида қарашли «Октябрь 60 йиллиги» — 5 «А» совхози ишчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мазкур хўжалик пахтакорлари районда бирин-чилардан бўлиб галаба рапор-ти бердилар: давлатга 8090 тоннадан зиёд «оқ олтин» топ-ширдилар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги байрамини ана шун-дай ёруғ юз билан, кутлуг юкларини елкалашган юзлаб ҳашарчи йигит-қиз билан, ў-заларининг меҳнатларига эш бўлган саҳий куз билан қарши олишди.

Биз ўтган йилнинг кузида, айна Улуғ Октябрь байрами кунлари, қадимги тап-тақир чўл ўрнида бунёд этилган «Ок-тябрь 60 йиллиги» совхози да-лаларида бўлди. Совхоз 9 но-ябрга қадар планини 106 фоз адо этиб, давлатга 8575 тонна-лик «оқ олтин» хирмонини армугон қилган эди. Аммо да-лада иш қизғин эди. Бир ёнда пахтазор пайкаларидаги сўнги мисқоллар териб оли-

ниб, ерни кузги шудгорлашга ҳозирлаш жадал борарди, бир ёнда эса, шудгорлаш иши ав-жида. Икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳамда бир неча медаллар нишондори, совхоз директори Умнат Олло-ёров биз билан суҳбатда сов-хоз меҳнатчилари эришган ютқлар ҳақида батафсил га-пирди:

— Халқимиз — тупроқдан гавҳар, қумдан зар ундирати-дан меҳнаткаш халқ. Биз қўл-га киритган ютқлар ҳам фа-қат меҳнат, меҳнат ва яна бир қарра меҳнат эвазига эришил-ди. Албатта, меҳнат билан бир қаторда техникадан унум-ли фойдалана билиш, ер қал-бига қулоқ солиш, тadbиркор-лик лозим. Совхозимизда 3165 гектар пахта экиладиган май-дон бор. Қўл кучи нисбатан кам. Шу сабабли асосий юкни техника зиммасига юклашга мажбурмиз. Масалан, бу йил машина терими билан умумий ҳосилимизнинг 85 фоизини йнгиштириб олдик. Яъни ма-шина терими плани 130 фоз қилиб адо этилди. Аникроқ қилиб айтганда, умумий ҳо-силнинг 7040 тоннасини йнгиштириб хирмонга тўкиш «зангори кема»лар зиммасига тушди. Баҳриддин Муҳамма-диев, Очил Турсунқулов син-гари илгор механизмторлари-миз мавсумда 195 тоннадан, Лапас Алимов каби «зангори кема» капитанлари 185 тонна-

дан «оқ олтин» териб хирмонга тўкишди...

Ун беш йилдан буён дирек-торлик қилиб келаётган Умнат Оллоёровнинг мутахассисли-ги — олим-агроном. Пахта ти-лини яхши билади, бой тажри-бага эга. Янгилик тарафдори. Теримда «зангори кема»лар-дан унумли фойдаланишга ҳа-ракат қилади. Албатта, бу-нинг учун аввало ерни терим машинасига ҳозирлаш керак. Биринчи навбатда гўза бар-гарларини бир текис тўқдириш зарур. Ҳаммага маълумки, гўза баргарларини тўқдириш за-ҳарли химикатлар орқали ба-жарилади. Сирдарёликлар бу йил тракторларга ўрнатилган пуфлагичлар орқали гўза бар-гини тўқиш ташаббусини кў-тариб чиқдилар. Аввалига бу усул «Октябрь 60 йиллиги» совхози коллективига унча сингизишмади. Тракторда се-пешининг қийинчилик томон-лари кўп эди. Тракторнинг устига сал кам уч тонна юк ортиларди, натижада унинг намчил ёғатлар аро юриши қийинлашиб, иш унуми кес-кин пасайиб кетарди. Пурка-гич қурилмаларини трактор-ларнинг ўзига ўрнатмасдан, балки тракторларга тиркама шаклида яратишди. Пуркагич-ларни 80 сантиметр баланд-ликка қўтаришди. Натижада механизматорлар 6 метр олдин-да, дори пуркагичлардан узон-да бўлиб, уларнинг заҳарла-нишдан муҳофаза этилиши

ҳам таъминланди, трактор юки ҳам икки баравардан ортиқ камайди, эгатлар аро юришида қулайликлар туғилди. Совхоз механизаторларининг ихтироси область раҳбарларига ҳам маъқул бўлди. Уларнинг иш услубини ўрганиш мақсадида совхозда барглари тўктириш бўйича область семинари ўтказилди. Совхоз коллективининг бу усули оммалаштирилди. Худди шу усулда дори сепилган пайкаларда гўза баргларининг тўкилиши бирдай кечди. Буларнинг бари машина терими суръатини яхшилашга кўмаклашди. Совхоз коллективининг ўтган йилги муваффақиятларини таъминлаган омиллardan бири мана шундан.

Буларнинг бари куздаги — гўза шоналарида шигил бўлиб чаноклар солланган чордаги гап. Уни эрта кўкжам экиб, шу даражага етказишнинг ўзи бўлади. Бунинг учун баҳор инжиқликларини, саратон жазирасини бошидан ўтказган пахтакорлар қанчадан-қанча манглай терларини тўкканлар. Дарҳақиқат, «Октябрь 60 йиллиги» совхози далаларидан мўл ҳосил еттиштиришда икки марта Ленин ордени нишондори Нишон Абдуллаев, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Нормамат Абдуллаев, Сулаймон Абдусаломов сингари илгор бригадирларнинг, бригада аъзоларининг, сувчиларининг хизмати катта бўлди.

* * *

К

УЗ. Турналар аргимчоги жанубга, иссиқ мамлакатларга қараб учарди. Улар совуқ тушиб қолмасидан кўзлаган манзилларига етиш учун толмас қанотларини бетиним силкитарди. Худди турналардай қатор-қатор тизилган автобуслар Тошкент шаҳридан чиқиб, Катта ўзбек тракти бўйлаб пахта далаларига ошиқарди. Улар ҳам қуз куёшининг ғанимат дамларидан фойдаланиб, киш-қиров тушмасидан пахтакорлар ўзлари кўзлаган маррага етиб олишлари учун кўмак беришга шошилардилар. Виз ҳикоя қилаётган Ильич районидаги «Октябрь 60 йиллиги» ва Герман Титов номли совхозларда ҳам шаҳарлик ҳашарчилар жасорат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. «Октябрь 60 йиллиги» хўжалиги тузилгандан буён уни Ўрта Осиё Медицина педиатрия институти ўқитувчилари коллективи ҳамда студентлари ўз оталиқларига олишган. Улар ҳар йили келиб, шу совхоз далаларида сўнгги толалар йигиб олингунча турдилар. Утган йили институт

ўқитувчилари ва талабалари икки совхозда — «Октябрь 60 йиллиги» ҳамда Герман Титов номли хўжаликларда пахтакорларнинг оғирини енгил қилишга кўмаклашдилар. Бинобарин, 1630 талаба теримчи юсак хирмонни кўтаришда мазкур совхоз меҳнатчиларига ёрдамлашди. Улар совхозларнинг 20 фоиз пахтасини териб беришди. Институт талабаларининг теримни авж олдиришида айниқса медицина фанлари доктори, профессор, институт ректори, пахта териш мавсуми штаби бошлиғи Вали Мажидович Мажидовнинг ташкилотчилиги, педагог ҳамда студентлар орасида қатъий интизом ўрнатганлиги, уларни уюшқоқлик билан теримга сафарбар эта билиши асқотди. Профессор Вали Мажидов оёғида этик, ҳам пахта теради, ҳам ўз талабаларига оталиқ қилади. Уни совхоз ишчилари севиб: «Райком секретари» деб ҳам атайдилар. САМПИ микрокорта ташаббусини кўтариб чиқишган. Буни ҳам «Профессор Мажидов усули» дейди. Бундай усул билан терилганда, бир тола ҳам «оқ олтин»нинг нобуд бўлмаслиги таъминланади. Териб ўтилган пайкаллари бемалол кузги шудгорлаш учун топишириш мумкин. Микрокарта ташаббуси шундан иборатки, пайкалнинг маълум бир қисми тўртта қизил байроқча билан ажратилиб, унинг ҳар иккала томонидан теримчилар туширилади. Натижада ким қандай тараётганлиги, тазаланаётган майдон сифати қафтдагидек кўриниб туради. САМПИ ўқитувчилари, профессор Саидакром Ҳасанов, Эркин Турсунов ҳам ўз талабалари билан ташаббусни қўлга олиб, юрт учун хизмат қилишди.

Дарҳақиқат, жонажон Ватанимизнинг съезд олди йили хирмонида студент ёшларнинг хиссаси ҳам улкан бўлди.



Ҳашарчилар даврасида (Ўрта Осиё Медицина педиатрия институти ректори Вали Мажидов (чапдан биринчи), институт проректори Саидакром Ҳасанов талабалар билан).

* * *

Оху кўзликларим пахтазордадир,
Қалдирғоч қошиқларим юрибди учиб...
Ешларнинг ҳиммати дунёга татир,
Ишқли қалбар ишдан қочмади чўчиб.
Дала — аудитория,
мудрабмас, ишлаб
Ҳаёт фалсафасин
ўрганмоқдалар.
Имтиҳон чоғида қолмас бош кашлаб,
Ҳеч вақт панд бермаган оппоқ пахталар...
Студентлик — умрнинг олтин давридир,
Студентлар — буюк куч, йўқдир ниҳоя.
Келгусида тенгсиз ишларга қодир,
Илм саройига илк пиллаюя.
Муҳтарам профессор,
Вали Мажидов,
Галстук қийшайган,
пахтазор кезар...
Юракда юрт ишқи, ишдан қайтмас дов —
Меҳнат гавҳари-ла илм боғин безар.

* * *

Б

ИРИН-кетин хазира тўла бағрини бўшатиб бераётган далаларга янги куч бахш этилаётир. Тракторлар ҳайқириб, пахтадан тазаланган пайкалларни шудгор қилмоқда. Плулгар худди сариеғни кесгандек ерни ағдариб, ҳориган тупроқ бағрига «жон» киритапти. Трактор ортидан зарча ва олақарвалар галаси янгигина ағдарилган шудгор узра ёпирилади. Улар ҳам ер қатидан ўз ризқларини қидириб топшадилар. Ер — бутун мавжудотнинг онаси. Ер ўз фарзандларини боқидан чарчамайди. Бироқ

она ерни ҳам боқиб туриш лозим. Шунинг учун ҳам халқимиз: «Ер тўймаса — эл тўймайди», дейди. Бу ҳикматни яхши билган «Октябрь 60 йиллиги» совхози коллективининг ернинг ўз вақтида дам олишига, озикланишига, куч тўплашига катта аҳамият беради. Виз шудгорланаётган далаларни кузатдик. Ниҳоятда чуқур ҳайдалаётганлиги эътиборимизни тортди. Ернинг ҳайдалиш чуқурлигини ўлчаб кўрдик: 40—50 сантиметр. Бизнинг ҳайратимизни фаҳмлаган совхоз директори У. Оллоёров тушунтирди:

— Бу йил ҳар йилгига нисбатан шудгорлаш иши анча чуқурроқ қилиб амалга оширилляпти. Боси: қанча чуқурроқ ҳайдалса, гўзапоялар шунча ер остига тушади, тезроқ чириб ўғитга айланади, ер юзасидаги тупроқ билан ер ости тупроғининг жой алмашинуви яхшиланади, нам узок сақланади. Ҳосилнинг унумдорлиги авваламбор шудгорнинг сифатига боғлиқ. Мавриди келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу йил шудгорлаш нисбатан эртароқ бошланди. Яъни пахтаси тоза териб олинган пайкаллар кўридан ўтказилиб, акт тузилгач, эртасига шудгорлашга ҳам киришилмоқда. Бунинг ниҳоятда фойдаси кўп. Кўкжам чигит қадалгунча ер бироз нафас ростлайди, келгуси ҳосилга куч тўплайди...

Дарҳақиқат, деҳқончиликда вақтни бой бериб бўлмайдилар. Ҳар бир куннинг ўз кадр-қиймати бору. Шу сабабли ўтган йил кузида «Октябрь 60 йиллиги» совхозида сўнгги пахта терими билан шудгорлаш иши бир вақтда олиб борилди. Натижада совхоз далаларини шудгорлаш эрта тугатилди. Мана энди оппоқ киш кўрпаласи остида шудгорланган далалар мириқиб хордиқ чиқармоқда, келгуси ҳосил учун замин тайёрламоқда. Совхоз меҳнатчилари эса жонажон Коммунистик партияимизнинг бўлажак XXVII съезди руҳи билан, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида кўтариладиган мўл ҳосил орзуси билан нафас олишляпти.

Ўн биринчи беш йилликда ёруғ бўлди юз,
Зафар завқи билан тўлди деҳқоннинг дили.
Энди тарих varaғида қолдирмоқда из
Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили.
Қўтлуг бўлсин зафарларга тўла кечангиз,
«Оқ олтин»ни осмон қадар уйган деҳқонлар!
Қўтлуг бўлсин янги йилу янги режангиз,
Юрт ишқини юрагига туйган деҳқонлар!

МИРМУҲСИН,

Эргаш МУҲАММАД

НАФОСАТ



ТУРМУШДА ҳар кадамда мрамор, гранит ҳарсанглари юкланган поездларни, кудратли машиналарни кўплаб учратамиз. Лекин ҳамиша ҳам ўша кўнғир, беўхшов ҳарсанглarning мрамор ёки гранит эканлигини билвермаймиз.

Чунки биз республикамизда шаҳар ва қишлоқларидаги ҳамандор биноларга, Тошкент метрополитени бекатларига, кўчалар ва хиёбонлардаги ёдгорлик монументларига зеб ато этиб турадиган, булоқ сувидай тиник, қалбимизга ўзининг овозсиз мусиқийлиги билан ўрнашиб қолган ана табиат инъоми — ўта майин назокат, латифлик тимсоли сержило мраморларни кўришга одатланиб қолганмиз.

Ғазалкент шаҳарчасига кираверишда Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида ана шу гўзаллик бунёдкорлари — тоштарошларнинг посёлкаси жойлашган. Бу ерда республикамиздаги дунёга машҳур Ҳозғон ва Омонқўтон каби бир қатор мрамор конларидан, қардош Украинадан, Ленинграддан келтирилган қора ва қизил гранит ҳарсангларга ишлов берадиган комбинат ишчилари яшашиди.

Атрофи тоғлар ва боғлар билан ўралган бу посёлкада туну кун иш қизғин давом этади.

Кўтаринки руҳда иш дастгоҳлари сари интилаётганларнинг оқимида кўшилиб кетганингизда беҳтиёр мўъжизалар оламига кириб қолгандай бўласиз. Ҳаёлигинизни афсонавий тоштарош Фарҳод ҳақидаги ҳикоятлар банд этади. Ҳалигина комбинат атрофида уюлиб ётган кўнғир ҳарсанглари кудратли мосламалар ёрдамида тарошланган ишчиларнинг ёнчил ҳаракатларини кўрганингизда ўша афсона ҳақиқатга айлангандай бўлади. Тарошлаган цехининг бир томонида тош йўнаётган, бошқа томонида мрамор тахтачаларга сайкал бераётган кудратли машиналарнинг шовқин-сурони ҳам тоштарошларнинг машаққатли меҳнатидан далолат беради. Тошларга ишлов бериш жараёни ҳақида комбинат партия ташкилотининг секретари Галина Котельникова изоҳ беради:

— Тоштарошларимизнинг замонавий «тешалари» — мана бу ажойиб мосламалар ёрдамида ишчиларимиз ҳарсангларга белгиланган стандартлар бўйича ишлов берадилар. Қаршимизда турган ҳарсангни, — дейди у иккитаси улкан КАМАЗга юк бўладиган мрамортошни кўрсатиб, — машиналар уч сутка мобайнида арралаб улгуришади. Яхлит тахта ҳолига келтирилган тошлар сайқалланиб махус ишчиларга жойлаштирилади, сўнгра буюртмачи ташкилотларга жўнайтилади.

Тошга сайкал бериш жараёни — мураккаб ва диққатталаб иш. Дастгоҳларга тимсимсиз оқиб келаётган мрамор тахтачалари ишчилардан ўта ҳушёрликни талаб қилади. Арзимангизда эътиборсизлик туфайли қуллаб, ҳатто оғлаб чекилган захматнинг натижаси чиппақка чиқиси мумкин. Парракланган мрамор ёки гранит тахтачалари дастгоҳларнинг кузчи босим билан ҳаракатланадиган «кўл»лари ёрдамида сайқалланади. «Кўл»ларнинг қанчалик тез ва соз ҳаракатланиши таъминланса, тахтачалар шунчалик соз ва сифатли чиройга эга бўлади. Қолаверса, тошларнинг жийдолаши ишчиларнинг рассомона дидига ҳам боғлиқ.

Бундай ишларни комбинатнинг Нортожи Қошимбоев, Алимбой Эрметов, Абдурашул Абдуқаюмов, Абдухалил Иброҳимов, Давлат

Ерғишев каби тоштарошлари, Бахтиёр Ақромов, Олег Жернов, Виктор Ангольд, Жасур Каримов каби тажрибали фрезерчилари моҳирлик билан маромига етказдилар.

Комбинат ҳовлисига кираверишда Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинатидан тайёр маҳсулотлар жўнатиладиган саноат районларининг схемаси бор. Унда Ватанимиз пойтахти гўзал Москва, Узоқ Шарқ ўлкасидан тортиб, мамлакатимизнинг Ленинград, Киев, Новгород, Новосибирск, Ереван, Саратов, Пенза, Боку, Ашқобод, Тбилиси каби ўнлаб саноат марказлари қайд этилган. Комбинат коллективи бир ойда бир миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказиб бериш имкониятига эга. Бу ерда планда кўзда тутилган 1 минг 7 квадрат-метр мрамор, 1 минг 4 квадрат-метрдан ошқирок қора ва қизил гранит тошларига сифатли ишлов берилади.

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатига боғлиқдир.

— Меҳнат интизомини яхшилаш, — дейди комбинат директори Анвар Насибуллин, — маъсулиятли ишдир. Бу борада комбинат партия ташкилоти атрофида жипслашган коммунистлар кўпчилигига ўрнат бўлаётди. Қилинадиган ишлар кўп. Булардан энг муҳими коллективимизда соғлом ишчан муҳитни яратишдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми бизни ишлаб чиқаришда нуқсонсиз ишлашга ўргатди.

Коллективимизнинг ишлаб чиқаришда эришяётган ютуқлари КПССнинг XXVII ҳамда Ўзкомпартиянинг XXI съездига муносиб тўхфадир. Бизнинг ахши вазифаларимиздан бири ишчиларимизнинг меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўлишларини тарабиялашдир. Чунонча, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасида ҳам совет кишиларининг фаолиятида меҳнат тарбияси муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган.

«Партия ҳар бир совет кишисидан, — дейилади КПСС Программаси лойиҳасида, — меҳнатга, хоҳ у ақлий ёки жисмоний бўлсин, чуқур меҳр-муҳаббатни ва умум манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга тайёрлигини шакллантиришни тарбиявий ишнинг марказига қўяди. Меҳнат — жамият моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, кишининг социал обрў-эътиборини баҳолайдиган асосий мезон, унинг муқаддас бурчи, шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг негизидир».

Меҳнат тарбиясининг аҳамияти бениҳоядир. Аниқса коллектив меҳнати тадбиркорлик билан ташкил қилинган корхоналарда унинг самараси тезроқ юзага чиқади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати коллективи меҳнати тўғри ташкил этиш борасида талайгина ишларни амалга ошириши лозим. Бу ерда ишчилар сиргалувчан иш графикаси асосида ишлашади. Иш усуллари ибтидоий. Гарчи ишнинг оғир жараёнлари техникалар зиммасига юклатилган бўлса-да, иш шароитларининг нуқулдйлиги — масалан, тошларни паррақлаш пайтида тош йўниш технологияси кўп миқдорда сувдан фойдаланишни талаб қилади, мосламалардан тимсимсиз оқиб турган сув ишчилар ҳаракатланадиган майдончаларда кўллаб ётади, ўз-ўзидан маъ-

лумки, бутун иш давомида зах торган цехларда бўлиш ишчиларнинг саломатлиги учун зиён. Аниқса қиш пайтларида бундай қийинчиликлар иш сифатига ҳам, самарасига ҳам путур етказмай қолмайди. Комбинат фаолиятида етиқиб турган бу муаммо Ўзбекистон ССР Саноат қурилиши материаллари министрлиги мутахассисларининг конкрет ечимини қўтиб турибди.

Кейинги бир йил мобайнида комбинат маъмурияти ишчилар билан ишлашни бир мунча наъмунали йўлга қўйди. Маъмурият олдида кадрлар бўлимига тўшаётган аризалар оқимини чуқурроқ ўрганиш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Бунинг учун жамоатчилик асосида кадрлар билан ишлаш комиссиясини ташкил этиш маъқул деб топилди. Кадрлар бўлимига тўшаётган аризалар ариза берувчиларнинг иштирокида кўриб чиқилади. Уларнинг ишга кириш ва ишдан бўшаш сабаблари ўрганилади. Лозим, деб топилганда жамоатчилик ёрдами кўрсатилади. Жамоатчилик асосида кадрлар билан ишлаш комиссиясининг ҳар бир ҳулосаси комбинат маъмуриятининг, партия ташкилотининг эътиборига ҳавола этилади. Бир сўз билан айтганда, ўз-ўзини бошқариш тажрибаси яхши самаралар берапти. Аниқса комбинат қошида иш кўраётган ўртоқлик судининг роли катта. Уларнинг ёрдамида бир қанча ишчилар ана ўз иш қобилиятларини қайта тикладилар. Айрим маъсулиятсиз, ишга лоқайд муносабатда бўлаётган ишчилар жамоатчилик таъсирдан қочиб қутулмадилар. Бу ерда ишга кечикиб келиш, сабабсиз прогул хисобга олиб борилади. Ҳисоб-китоб натижаси ташкил қилган кунлар ишчининг меҳнат отпускасидан чегириб қолинади.

Партия ва ҳукуратимизнинг ичкиликбозликни бартараф қилиш борасида кўраётган чора-тадбирлари комбинат коллективни ҳаётида ҳам ижобий из қолдирди. Ичкиликбозликка қарши кураш масаласи комбинат партия ташкилотининг иш пилинда марказий ўринда туради.

Масалан, Виктория Набокина комбинатда кўтарма кран машинисти бўлиб ишларди. Бу ерда бажарилаётган жараёнларда унинг ҳам ўз улуши бор эди. Лекин у ўз қадрини билмади: спиртли ичтимликлар ичишга ружу қўйди. Унинг бу хатти-ҳаракати катта коллективнинг умумий ишига путур етказди, топшириқлар сурункасига бажарилмади. Сабабсиз прогулларнинг сони оша борди. Қолаверса, бағридаги икки гўдак фарзандининг тақдирини ҳамкасбларини ташвишга солди. Жамоатчилик бу аҳволга бефарқ қарай олмади. Коллектив уни ўз назоратига олди. Викториянинг касби вақтинча ўзгартирилди. Аччиқ ҳақиқатни тан олиш нақадар мушкул бўлмасин, эзгулик тантана қилди. Виктория Набокина атрофидаги оқунгил одамларнинг маънавий мададини ҳис эта олди. Коллективнинг тарбиявий кучи корхонанинг Расим Шарипов, Федор Жук каби ишчиларини ҳам тўғри йўлга сола билди.

...Ана, кудратли дастгоҳлар гувиллаб ишлаб турибди. Дастгоҳ ёнида кудратли ҳарсанг, ҳарсанг ёнида қудратли инсон, инсон ёнида ана инсон. Улар — гўзаллик бунёдкорлари. Бу бунёдкор инсонлар элимизга, юртимизга гўзаллик, нафосат етказиш ишқиди фидокорона меҳнат қиладилар.

Ғазалкент

Ўқтам МИРЗАЕРОВ



Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Собир РАҲИМОВ. Х. Лутфуллаев чизган расм.

Ж

АҲОН АҲЛИ, бутун тараккий-парвар инсоният катта анжуманлар ва тарихий учрашувлар шаҳри — Женевада бўлиб ўтган олий даражадаги Совет — Америка учрашуви руҳи билан яшамокда. Икки буюк мамлакат раҳбарларининг Женевадаги

учрашуви халқаро муносабатлар жараёнига ижобий ҳамда баракали таъсир қилиши шак-шубҳасиздир. Зеро, Ер юзи халқларининг бу учрашувга катта умид боғланликлари бежиз эмас эди. Айтиш кераки, Женевадаги учрашув халқларнинг умидни оқлади.

«Биз, — деган эди Владимир Ильич Ленин Советларнинг IX Бутунроссия съездида 1921 йил 23 декабрда қилган докладыда, — урушининг ишчи ва деҳқонларга қандай катта фалокатлар келтиришини биламиз, билганда ҳам жуда яхши биламиз. Шунинг учун ҳам биз бу масалага жуда эҳтиёткорлик ва хушёрлик билан қарашимиз керак» (В. И. Ленин. ТАТ. 44 том, 335-бет). Совет Иттифоқининг изчил тинчликсеварлик сиёсати дохиймиз В. И. Лениннинг кутлуг номи билан ҳаминча чамбарчас боғлиқдир.

Советлар мамлакатни бундан 69 йил муқаддам ўз фаолиятини тинчликнинг муҳим ҳужжати — Сулҳ ҳақидаги декрет билан бошлаган эди. У ўзининг жаҳон халқларига берган масъулиятли ваъдасини ҳаминша шараф билан бажариб келмоқда ҳамда инсоният тинчлиги ва хавфсизлигининг энг ишончли посбони бўлиб қолмоқда. Совет Иттифоқининг фақат урушдан кейинги йилларда тинчлик мақсадини кўзлаб илгари сурган юздан ортққ ташаббуслари ва таклифлари, амалга оширган тadbирлари ва, ниҳоят, Совет томонининг Женева учрашувидаги ҳолис ва олижаноб фаолияти бунга мисолдир. Бугун Женева учрашувларидан сўнг дунё бирмунча хавфсизроқ бўлиб қолган, Совет — Америка муносабатларида яхшилик томон силжиш бошланган экан, бунда Совет Иттифоқининг хизмати ниҳоятда катта ва ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Тинчликни мустақкамлашга ва халқлар хавфсизлигини сақлаб қолишга олиб борадиган асосий йўл — ядровий қуролсизланишни тезроқ амалга ошириш йўли, космоснинг мусофоллигини сақлаш ва унинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймастик масалалари, АҚШ билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи Совет — Америка учрашувининг асосий мазмунини ташкил қилди.

Маълумки, қуролсизланишни тезроқ амалга ошириш замонамизнинг долзарб ва асло кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Қуролланиш пойгасини авж олдириш оқибатида жаҳонда шундай кескин ва жиддий вазият юзага келдики, энди сиёсатда йўлба осилмаган ҳар бир қадам инсоният ва тинчлик тақдирини учун, умуман сайёрамиз тақдирини учун жуда қимматга тушиши мумкин.

Сўнги пайтларда Ер юзидеги барча мамлакатларда ҳарбий харажатлар ҳажми тобора ортиб бормоқда, табиат ва инсоният яратган бойликлар асосиз равишда ҳарбий мақсадларга сарф қилиб юборилмоқда. Давлатларнинг йиллик ҳарбий бюджетлари 800 миллиард долларга етди. Ер юзидеги тўпланиб қолган қуролларнинг кучи 58 миллиард кишини йўқ қилиб юборишга етади, биргина оддий қуролларнинг ўт очиб кучи кейинги 40 йил ичида 200 марта ошди. Ҳозир Ер юзидеги яшовчи ҳар 44 кишининг биттиси — ҳарбий. Ҳолбуки, 1 минг 30 кишига бир врач тўғри келади. Яппи қирғин қуролларнинг иккинчи авлоди яратилди, ҳозир ядровий қуролларнинг учинчи авлодини вужудга келтириш устида иш олиб

борилмоқда. Биргина АҚШнинг ўзи 1945—1985 йиллар давомида 700 марта ядро портлатишларини ўтказди.

Шунинг учун бугун Ер кўррасидаги халқлар ва ҳукуматлар ҳам, давлат ва сиёсат арбоблари ҳам бу масъулиятни чуқур ҳис этмоқлари, ўзларининг давлат донишманликларини намойиш қилишлари лозим. Ядровий ҳалокат хавфи ўта кучайган, безовталик ҳукмрон бўлган ҳозирги кунларда ақилрасолик қилиш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолмоқда. Женевада олий даражада ўтган Совет — Америка мулоқотлари чоғида худди шундай ақилрасолик намойиш қилинди.

«Халқаро сиёсат соҳасидаги йўлғимиз изчил, — деди ўртоқ М. С. Горбачев Женева учрашувлари олдида сўзлаган нутқида, — бу йўл — тинчликни ардоқлаб асрашдан, халқаро сиёсий иқлимни туддан соғломлаштиришдан иборат. Биз буни мутлақо реал ва эришса бўладиган мақсадлар, деб биламиз. Ишончсизлик, душманлик, гумонсираш халқаро муносабатлардан чиқариб ташланиши ҳаётий муҳим вазифадир». Совет томони Женевадаги музокаралар чоғида ушбу йўлга содиқ қолди.

Совет томони кўрсатган метин ирода ва сиёсий жасорат туғайли Женевада қабул қилинган Совет — Америка кўшма Ваёлотидан ядро уруши ҳеч қачон бошланмаслиги керак, унда голиблар бўлиши мумкин эмас, деган сўзлар ҳолди. Ваёлотда кўрсатилгандек, улар СССР билан АҚШ ўртасидаги ҳар қандай жоғира ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини тан олиб, ўз ўрталарида ҳар қандай — ядровий ёки оддий урушнинг олдини олиш муҳимлигини ҳам таъкидладилар, улар ҳарбий устуликка эришмайдилар.

Халқаро мавзуларда

Таъкидлаш лозимки, Женева учрашувида космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ерда шундай пойгани тўқтатиш йўлларини излаб топиш зарурлиги тўғрисида 1985 йил январидеги келишилган Совет — Америка ахдномаси тасдиқланганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Лекин, Женевада Совет — Америка мулоқотлари осонликча ўтмади. Тинчлик душманлари унинг йўлига ўтиб бўлмас тўсиқларни қўймоқчи бўлдилар. Жумладан, учрашув арасида Пентагон бошлиғи К. Уайнбергер президент Р. Рейганга мактуб йўллаб, уни «қаттиқ позиция» да туришга ва қурол-яроғлар устидан контроллик ўрнатиш соҳасида АҚШнинг ҳарбий программаларини ҳамда унинг космик фазони ҳарбийлаштириш режаларини хавф остига қўя оладиган ҳеч қандай чораларга рози бўлмасликка чакирди.

Маълумки, дунё ишларининг бориши, жаҳондаги вазият Совет — Америка муносабатлари аҳволига узвий боғлиқдир. Женевадаги учрашув ана шунинг учун ҳам тарихий аҳамиятга эгаки, у Совет — Америка муносабатларида, қолаверса, умуман дунёда яхшилик сари ўзгартишга эришиш мақсадидаги мулоқотни бошлаб берди.

Учрашувда турли погоналардаги мулоқотларни мунтазам асосга қуриш ва активлаштириш зарурлиги тўғрисида бир битимга келинди. Совет ва Америка раҳбарларининг яқин келажақда яна учрашиш тўғрисидаги аҳдлашуви бу жараёнинг муҳим қисмидир. Музокаралар фан, маориф ва маданият соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик ва алоқалар

программасини кенгайтириш тўғрисидаги битимга ҳам олиб келди.

Умуман, М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан учрашуви натижалари халқаро вазиятни соғломлаштириш учун, кескинликни юмшатишга қайтиш учун анча қулай имкониятлар яратди.

Совет Иттифоқи жаҳон ишларида яхшилик томон бурилишга эришиш учун бундан буён ҳам ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилверади. Ватанимизнинг бу олижаноб мақсадини ўртоқ М. С. Горбачев Женевада ўтказган матбуот конференциясида тагин бир қарра эслатиб ўтди. Бу фикр КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг СССР Олий Советининг бўлиб ўтган сессиясида қилган докладыда ҳам, СССР Олий Советининг «Олий даражада Женевада ўтказилган Совет — Америка учрашувининг яқунлари ва халқаро вазият тўғрисида» деб чиқарган қарориде ҳам алоҳида қайд этиб ўтилди. АҚШ президенти Р. Рейган ҳам конгресс палаталарининг кўшма мажлисида сўзлаган нутқида Женевадаги учрашунинг энг муҳим жиҳатлари тўғрисида ижобий фикр билан ахборот берди. «Биз, — деб айтди президент, — бир-биримизни яхши тушуна бошладик. Бу — тинчлик қалитидир».

Женевадаги олий даражадаги Совет — Америка учрашувлари 1985 йилнинг энг катта воқеаси бўлиб, халқаро муносабатлар тарихида ўчмас из қолдиради. Шунинг учун ҳам жаҳон Женева руҳи билан яшамокда, унинг яқунлигига юқори баҳо бермоқда. Бу учрашув социалистик ва капиталистик дунёда ҳам, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар олий раҳбарларининг Прагада бўлиб ўтган учрашуви КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Женевадаги учрашув чоғида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг биргаликда ишлаб чиқилган тинчликсевар позицияларини олға силжитишга ниҳоятда муҳим ҳисса қўнганлигига юксак баҳо берди.

«Даврнинг энг муҳим муаммоси — қуролсизланиш масаласини ҳал қилишга фойдали йўлланма берувчи Женевада бўлиб ўтган олий даражадаги бу учрашувни, — деди Хиндистон Бош министри Ражив Ганди, — биз қониқиш билан баҳолаймиз. Шу муносабат билан биз Хиндистоннинг ядро қуролига эга бўлишга ҳаракат қилмагани ва ҳаракат қилмаслигини алоҳида таъкидлаймиз».

«Олий даражадаги Совет — Америка учрашувининг қатнашчилари, — деди Германия социал-демократлар партияси раиси В. Брандт, — икки ярим кун ичида умуман эришни мумкин бўлган нарсалардан энг кўнига эришдилар, икки буюк давлат ўртасидаги туб муносабатлар умуман яхшиланиши лозим. Бу эса кескинликни юмшатиш сиёсатининг янги босқичи бошланиши кераклигини билдиради».

Уруш ва тинчлик масаласи ҳозирги кунда халқларнинг ҳаёт-мамот масаласи, жаҳон сиёсатининг асосий ва бош масаласидир. Доимо давлат донишманлигини ва сиёсий ирода намойиш қилаётган Совет Иттифоқи Женевадаги музокаралар чоғида ҳам худди шу масалани тинчлик ва инсоният фойдасига ҳал қилишга интилди. Совет Иттифоқи АҚШнинг «самовий урушлар» сингари хатарли режаларига «самовий тинчлик» концепциясини қарши қўйди.

Хуллас, қониқиш ҳисси билан таъкидлаш мумкинки, жуда кўп тарихий учрашувларга манзил бўлган Женевада бўлиб ўтган олий даражадаги Совет — Америка учрашуви инсониятнинг юксак мақсадларига, тинчлик ва хавфсизлик ишига, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатида тарихий бурилиш ясашга хизмат қилади.

Талъат СОЛИБЕВ

САРХУШЛИК КАСОФАТИ

Яқин қўшним билан ичкилик ва унинг аянчли оқибати ҳақида суҳбатлашганимизда, у беморлигида касалхонада кўрган кечирганларини бир ачинди, бир тугакиб гапириб берди:

— Ҳолдан тойдан эканман, палатада кимлар бор, улар қандай жароҳатланган — суриштиришга мадорим етмай ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам олмиш ёшлардаги бир нуруний киши чой дамлаб келиб вонуштага жой тайёрларди.

— Қалай, ука, яхши ухладингизми? Келинг чой ичамиз, — дея менга гап қотди у.

— Раҳмат. Жуда толиққан эканман.

— Мана, биз ҳам бир ойдан ошдикми, мана бу ўғлимизнинг касалига қараб ўтирибмиз, — деди чол ҳали бурканиб тўшақда ухлаб ётган беморга боши билан ишора қилиб. — Бу — иккинчи ўғлим. Бемаъниликни қарангки, кечаси ўртоқлари билан тўйда ичишиб, маст ҳолда машинага ўтиришган. Сал ўтмай кайф элиб, уйқуга кетишган, машина бориб бетон тўсиққа урилган...

Эҳ, энди ярим жон бўлиб қолди. Чап оёғида қорасон бошланганди. Докторлар уни кесиб ташлашга мажбур бўлдилар. Унг оёғининг жароҳати ҳам жиддий. — Суҳбатдошим гўё нафаси қисилгандек гапдан тўхтаб, чуқур хўрсинди. Унинг учун йигирма беш яшар норғул ўғлининг аянчли қисмати гапириш оғир эди. Тақдир шўр экан-да. Майли энди, жонининг омон қолганига ҳам шуқур қилиб ўтирибмиз. Икки-уч кун мен, баъзи кунлари қизим — шаҳарда ишлайдиган опаси ёнида ўтириб навбатчилик қилаймиз... Йигит киши ўзини чоғга урмаса, унга ўлим йўқ, дейдилар. Булар ҳам... Эҳ, бу ичкиликнинг касофати кимларнинг бахтига, соғлиғига завол бўлмаяпти дейсиз. Тўқликка шўқлик қилиб, бало оғуси бўлган ичкиликдан «отиб олиб», машиналаридан ким ўзарга учадиганлар ҳар хил бахтсизликларга сабаб бўлаётдилар. Мана шу — травматология касалхонасига ҳам ўз тақдир билан ўйнашган ўшанақалардан қўл ёки оёғи синган, боши ёрилганлар тушиб туришибди. Докторларнинг жонига балли. Ана шу аянчли қисматлар бошқалар учун сабоқ бўлиши, рулда ўрадиганлар оғу балосидан ўзларини тийишлари керак.

Одам одамнинг захрини олади, деганларидек, сариғочлик Тўхтамурод ака билан тезда иноқлашиб қолдик. Бир-биримиз билан овунди кунни кеч қиламиз. Лекин касалхона ташвиши туни билан тугамайди. Кечаси ҳам, алла-маҳалларда кўчада шикастланганлар «тез ёрдам» машинасида бу ерга келтириб туриларди. Айниқса, биз даволанаётган оғир жароҳатлар бўлимига бундай беморлар нисбатан кўпроқ келарди.

Бир кун тонгга яқин арава-чада дахлиз бўйлаб навбатдаги

беморни олиб ўтишди. Қиз кишининг оғриқдан инграгани эшитилди.

— Нима бўлиб жароҳатланибди?

— Уйнинг тўртинчи қаватидан тушиб кетибди...

Ҳамшира қизларнинг дахлиздан эшитилган бу гаплари миямига урилиб, уйқумиз қочиб кетди. Тўртинчи қаватдан йқилиб тушган бўлса, бадани оғир жароҳатлангандир, — деган хавотирли хаёл бизга ҳам ором бермасди.

Орадан кўп ўтмай дахлизда қандайдир аёлнинг йғи аралаш нидоси эшитилди:

— Тонгда милиционер уйимга бориб: «Қизингиз тўртинчи қаватдан йқилиб, травматология касалхонасига тушди, деб хабар берди. Тўртинчи қаватдан йқилди, тирик қоладими? Милиционер шунчаки мени овутган-да... Қизим қани?.. Анжелам қани?.. Ҳалиги аёл шундай дея ўқибди йғларди.

— Қизингиз бешинчи палатада... Аҳволи яхши, — деди ҳамшира қизлардан бири ҳалиги аёлга тасалли бераркан.

Онаизор ўша заҳоти ўзини палатага урди:

— Болагинам, бормисан, тирикмисан, — дея ўзини қизи ётган каравотга ташлади...

малари эзилган эди... Саёқ юркан, таёқ ейсан, деб шуни айтадилар-да!.. Ҳар бир ота-она «Сўнгги пушаймон ўзингга душман» вазиёга тушмайин деса, ўз фарзандини қаттиқ назоратда тутиши лозим.

Орадан икки-уч кун ҳам ўтмасдан замбилда хотин-қизлар палатасидан бирига Мавлуда... исмли жувонни келтиришди. Уни ва унинг уч боласини бир бадмаст ўз машинаси билан уриб кетиб, оғир жароҳатлаган эди. Жувонни «Тез ёрдам» машинасида травматология клиникасига, болаларини эса 17-касалхонага жойлаштиришибди. Она эмасми, ўзининг жароҳати ҳам кўзига кўринмай, эрталаб тонгда ёнига келган эридан у болаларининг аҳволини бирма-бир сўрар, қўнгли баттар ўқисиб, кўзидан юм-юм ёш тўкар эди.

Мавлуда ўша кунни ойманикига бораман, деб уч боласини олиб кўчага чиқади. Улар қатта йўлнинг четига «кўк чироқ» ёнишини кутиб туришади. Шунда рулда сархуш чайқалиб келаётган қандайдир бир бадмаст йўл ёпиқ бўлишига қарамасдан «жигулиси»да шамолдай учиб келиб, она ва болаларни уриб кетади ва яна орқасига қочади... Жувоннинг танаси икки жойидан оғир жароҳатланади. Унинг олти

ва йўлнинг очилишини кутиб турарди. Шу пайт тўқ жигарранг «жигули» қуюндай учиб келиб, ҳалиги йўл четигаги кишини зарб уриб ҳавога иргитди. У аввал машина қатоти устига келиб тушди. Шунда ҳам рулдаги номард машинасини тўхтатмади. Капотдан сирғалиб тушаётганда уни яна машинаси билан урди ва яқин тезлигида қочди. Унинг ГАИ ходимлари назоратдан қочиб қутилиши мумкин эмас...

Қаранг, машина рулини ичиб бошқаришнинг оқибати қанчалик аянчли... Узи ва ўзгалар ажал билан ўйнашган бундай номақбуллар кўча-қуйда битта-мақбурми? Республика Ички ишлар министри Давлат автомобиль инспекциясининг маъсул ходими ўртоқ М. Абутовнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида басилган мақоласида атиги уч кун ичида Тошкент области йўлларига 405 шофернинг транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарётганига қайд этилди!

Бир ўйлаб кўринг. Қўчалар тўла гуж-гуж машина. Машиналар сони кўпайган сари кўча ҳаракати мураккаблашиб бораёпти. Шундай қийин ҳолатда қайси машина рулида қанақа бадмаст ўтирганини бирдан билиш, уларни ўша заҳоти тартибга олиш қийин. Шунинг учун нима қилиш керак? Кайф билан машина рулига ўтирувчиларга қарши ҳаммамиз муттасил равишда аёвсиз кураш олиб боришимиз лозим. Тартибот ва суд, прокуратура ташкилотларининг ходимлари уларга нисбатан мутлақо муроасис бўлишлари, бундай ҳолатда қонун бўйича жаза қораларини изчил ва принципиал қўллашлари керак. Ичувчи ҳайдовчига нисбатан ҳар бир меҳнат коллективи, идораларнинг раҳбарлари, ўша ердаги жамоат ташкилотлари ҳам муроасисз муносабатда бўлиши, бирор идора ва муассасада ишлайдиган ходим ёки шофернинг шахсий ёки давлат машинаси рулига сархуш ҳолда ўтириши сезилса, албатта, қаттиқ қораланиши, у бошқалар учун сабоқ сифатида жазоланиши зарур. Партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозликка қарши кураш ҳақидаги қарорларида масала худди шу тарзда қатъий қўйилган.

Дарҳақиқат, партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоғолизмни бартаф этиш тўғрисидаги қарор ва кўрсатмалари муҳим дастуриламалдир. Биз бу зарур ва ҳаққоний йўл-йўриқларни қанчалик изчил ва принципиаллик билан амалга оширсак, ишлаб чиқаришда меҳнат умумдорлигини кескин оширишга, кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга, айни вақтда кўнгилсиз ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга шунчалик тез эришамиз.

Шумурод СИДДИҚОВ

Ичкиликбозлик — иллат

Маълум бўлишича, ўн олти ёшли Анжела: «Дугонамнинг туғилган кунига бораман», деб кечкурун уйдан чиқиб кетган. Она бечора эса, тун бўйи мижага қоқмай, қизим келади, деб ошпака кўз тикиб чиққан. Ахтарай деса, қизи адресни айтмай кетган.

Уша тун бир неча ёшлар Юнусобод массивидаги кўп қаватли уйлардан бирида давра қуришган ва ичкилик ичишган. Уларнинг орасида Анжела ҳам бўлган. Ушанда икки-уч тенгқур тўртинчи қаватнинг балконидан сархуш ҳолатда бир-бирига тегажочлик қилганлар. Шу аллозда фалокат юз берган. Анжела тўртинчи қаватдаги балкондан наस्ता учиб кетган. Ҳалиям бахти бор эканки, ҳавода иккинчи қават балконидан кир илинадиган арқонга бирилашиб, кейин ерга тушган. Бўлмаса... «Кайф билан ерга қандай тушганимни ҳам билмайман», деди Анжела врачлардан бирининг саволига.

Кайф билан... Ўн олти ёшга кириб-кирмаган бундай тенгқурлар туғилган кун ёки бошқа бир сабаб билан тўпланишиб, ичкиликка қўл чўзса, бундан хатарлиси борми?

Ушанда Анжела ўзи борадиган жойни ойисидан атайлаб сир тутган.

Анжела клиникада атиги беш кун бўлди. Тасодиф омадни қарангки, унинг фақат бикин тўқи-

яшар, саккиз яшар ва ўн икки яшар болалари (айниқса, иккови) жиддий шикастланади. Уларни 17-касалхонанинг болалар бўлимига жойлаштиридилар. Кўраясизми, бир бадмастнинг дастидан бутун оиланинг бир умр мажруҳ бўлиб қолишига сал қолибди-я. Меҳрибон шифокорларнинг инсоний фидойиликлари туфайли уларнинг саломатлиги тикланди. Лекин бу оғир ташвишлар осонликча кўмади. Мавлуданинг ўзи қарийб бир ярим йил изтироб чекди. Уша машина рулидаги босар-тўсарини билмаган «бойвачча» нинг ножўя ҳатти-ҳаракати шунчалик қимматга тушди. У, албатта, қилмишига яраша жазоланди. Лекин қарийб бутун бир оиллага етказган ҳароат асоратини айтмай-сизми?..

Собиқ бемор қўшнимдан эшитган бу нохуш воқеалар бизни қайта-қайта ўйлашга, чуқур мулоҳаза юритишга мажбур этади.

Шу йил май ойида бўлган бир дахшатли воқеа ҳеч кўз олдимиздан кетмайди. Луначарский проспектининг қоқ маркази. Кундуз соат 17. Биз уч-тўрт киши 2-Марказий касалхонада даволанаётган бемор дўстимизни кўриб қайтаётган эдик. Автобус бекатигача яёв келдик. Йўлнинг нариги четига кўксини жанговар нишонлар безаб турган олмиш-олти беш ёшлардаги бир киши машиналарнинг ўтиб-кетишини

ПАХТА

Кўзларимга оппоқ кўринган дунё
Кўёш сеҳриданми? Оқ йўракдан ё?
Аслида, мен илк бор ҳис этган зиё
Толангдан экан-ку, нурли пахтажон!

Йўлим оқлигини толангдан туйдим,
Қалбим поклигини рангинга йўйдим,
Ораум рамзи янглиғ хирмонга уйдим,
Умрим сен туйфайли сирли, пахтажон.

Сенсиз мантик йўқдир гурунг, суҳбатда,
Сенсиз маъно йўқдир ҳеч ишқий хатда,
Сенсиз — алёрсиздай тўйлар ҳам ҳатто,
Халқим каби тагли, ерли пахтажон.

Деҳқонга оқ тўшсан музли чиллада,
Кўзадаги мезонсан кузги паллада,
Ҳатто келинчақлар айтган аллада
Сен оҳангсан тафтли, кўрли пахтажон.


Эсимни танидим эгатинг ичра,
Сендан айру эмас йўлим ҳам сира,
Эгатингдай тиздим шаънинга мисра,
Толаси кўшиқли, шеърли пахтажон!

ЧОЛ ВА БОЛА

Сирмай қолар кўчага бола,
Ғайратининг йўқдай худуди.
Кўйиб берсанг, бамисли лола
Кўлга олғай кўёшни худди!

Деразадан кузатиб уни,
Ҳорғингина уҳ тортади чол.
Суюқлари қақшар ёз куни,
Ҳатто унга юрмоқ ҳам маҳол.

Бир зум очиқ ҳавога чолни
Чиқаролмас кексалик — армон.
Болаликни — асов ҳаёлни
Киргизолмас уйга саратон!
Гулистон шахри.



ЮРАКДАГИ ЕҒДУ

Шоир қалбда ижтимоий ҳаёт,
ундаги энг кичик ўзгариш ҳам
ўз аксини топади. Шу тариқа
ҳаёт ҳақиқати бадий ҳақиқатга
айланади. Бинобарин, шоир
ижодига баҳо берганда, унинг
бутун тадрижини назарда тутил-
са, мақсадга мувофиқ бўлади.
«Марварид»¹ тўплами Омон
Мухторовнинг йигирма йилдан
кўпроқ даврдаги шеърий ижоди-
ни ўз ичига қамраб олади.

Мажмуадаги шеърларнинг
ифода шакллари, вази ва тас-
вир объектлари ранг-баранг,
лекин улар мазмунан ягона нуқ-
тада туташадилар: бу яшаш
моҳияти, инсон ҳаётининг маз-
муни, туғилиш ва ўлим ораси-
даги жуда олис ва синоқли ти-
риклик йўлининг жоизбаси, бир
сўз билан айтганда, ҳаёт фал-
сафасидир.

Омон Мухторов Инсонни аф-
сонавий Прометей сингари за-
бардаст, қудратли тарзда тасав-
вор қилади. Унга ҳаёт ўтини би-
ровлар келтирган эмас, у ўз са-
Омон Мухторов. Марварид. Ғ. Ғул-
лом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти. Тошкент, 1985.

боти ва мардлиги билан барча
тўсиқларни ҳамда азобли йўл-
ларни босиб ўта олган. Замон,
ҳаёт ўзгаради. Инсон бахтга
эришди. Бирок заминнинг кенг
бағрида ҳали қоронғу гўшалар,
кулдига зор чехралар бор: «Ин-
соннинг бурчидир дунёда ҳамон
Юрмоқлик бари бир кўтариб
чироқ». Шеърдаги умумлашма
Инсон образи инсоният тақо-
милининг нурли жиҳатларини
ёқин кўрсатади.

Китобдаги мўъжазгина «Ва-
тан» шеърини олиб қарайлик.
Она юрт ҳақида шоирлар кўп
ёзадилар, унга садоқат ва меҳру
муҳаббатларини турли бадий
йўллар билан изхор этадилар.
О. Мухторов севиқли диёрга бўл-
ган беадад эҳтиромни ўзгача
бир тарзда тасвирлайди. Шеър-
нинг лирик қаҳрамони ўзи ўсган
заминга оҳиста, деярли шивир-
лаб шундай дейди:

Менинг сенга сўзлайдиган сўзларим
бисёр,
Юрагимда бир севиңч, бир дард.
Баъзан ёғду кечдим, баъзан ёмғир-
қор,
Сўзлаш эмасдир шарт.

Тарих, ҳаёт ҳусусидаги фал-
сафий қарашларини ифода қил-
моқ учун шоир Навоий, Машраб
сингари тарихий шахслар тақ-
дирига разм солиб, уларнинг
давр ва муҳитга бўлган қалб
исёнини бадий тадқиқ этишга
ҳаракат қилади. Алишер Навоий
умрининг сўнгги давларида юрт
тақдири борасида изтироб ва ар-
мон билан ўйлайди. Шеърда буюк
шахс фожиаси кўрсатилар экан,
инсон ва адолатсиз тузум ўр-
тасидаги беаёв зиддият илди-
злари очила боради. Маълумки,
нопок муҳит ўзига қарши турган-
ларни шафқатсиз жазолашга,
ўз измига бўйсундиришга инти-
лади. Шунга қарамай, ярамас
муҳитга қарши исён курашчан
инсоннинг бош мақсадидир.
Муаллиф «Машраб исёни» ше-
рида эрксизликка қарши кураш
мавзусига ўзига хос тарзда ён-
дашади. «Девонадай юрди...
ичда исёни. Ҳазин куйламади
ўхшаб у найга... Умри ўтиб кет-
ди шундай саргардон, На кўшиқ,
на севи бера олди бахт».

Навоий халқни бахтиёр кўриш
орзусига ета олмади. Бобур ва-
танга зор, Машраб эркак ташна
ўтди. Шундай қилиб, уч мута-
факкир шоир ҳақидаги уч шеър
моҳиятига кўра ягона доирада
бирлашади, ўтмиш зулматини ва
унинг қоронғу кўкида юлдуз
бўлиб қақнаганларни очик-ой-
дин кўрсатади.

Тўпламда манзара шеърлар
ҳам анчагина. Табиат ҳақидаги
ҳар бир шеър ижодкорнинг асо-
сий мақсади — тириклик маз-
муни ва фалсафий хоссаларини
очиш учун хизмат қилади. Ма-
на, улардан биридаги соддагина
тасвир: чўққилари қорга буркан-
ган тоғ, унинг пастида қишлоқ
жойлашган. Юксакдан алла-
қанча ирмоқлар куйига — одам-
лар маскани сари шошади. Қиш-
лоқда дов-дарактлар ажиб гул-
ларга бурканган. Қорли тоғ. Қиш-
лоқ кўчаси. Қизғиш гулли да-
рахтлар. Чўққилардан ўйноқ-
лаб тушаётган жилғалар. Лекин
уларни яшнатувчи баҳорнинг
сарчашмаси — тоғ тепасидаги
қор ва музларда... Бу шеър ин-
соният тақдирига ишора эмасми?
Баҳор қиш бағрида амал олган-
дай, хозирги ҳаёт, тараққиёт-
да, минг йиллар давомида бобо-
ларимиз чеккан меҳнат-машақ-
қат самаралари мавжуд. Бир
шеър ана шундай фалсафани

ўзига сиғдира олганидан жуда
суюмли бўлиб кўринади.

Муаллифнинг табиат ҳақи-
даги шеърларида куз тасвири
кўпроқ учрайди. «Мен ҳам бог-
ман, Куз келгани дам Бағрим
ёғар гўёки япроқ...» Шоир, кузда
бағрим япроқ каби ёғади, дейди.
Дарҳақиқат, куз — ижод фасли.
Куздаги сокинлик, салобат, ваз-
мин руҳ фақат шоирнигина эмас,
ҳар бир тирик жонни босиб ўтил-
ган умр, қилинган иш, айтилган
сўз ҳақида чуқур ўйлаб кўришга
ундайди. О. Мухторов лирик
қаҳрамонига ҳиббонга қалин
тўшалган япроқлар олтин варак-
лар бўлиб кўринади, чулдираёт-
ган ариқчада ниҳоятсиз куй чали-
наётгандай бўлади. Табиат охи-
ста бонг уради. Бу садо бутун
боққа, ундан эса оламга тара-
лади. Дунё олтин рангга ўрала-
ди. Кўёш ушалган нондек бар-
чага ўзини бахш қилади. Борлиқ
бирдай ярақлайди. Бу манза-
раларда кузнинг улғувор, некбин,
олижаноб қиёфаси равшан кўри-
нади.

Қалам соҳибининг ижод тари-
ҳида баъзан ўсиш, баъзан тин
олиш фасллари учрайди. Айт-
ганимиздай, «Марварид» китоби
О. Мухторовнинг йигирма йил-
лик шеърий иланишларини ўз
ичига олади. Унда яхши, дилкаш,
қалб ва тафаккур шуъласи билан
юзгага келган шеърлар кўп. Шу
билан бирга, айрим шеърларда
фикрий ва композицион тарқоқ-
лик, ўринсиз қўлланган сўз ва
бадий воситалар кўзга ташла-
нади. Тўпламга арузда ёзилган
бир неча газал ҳам киритилган.
Буларни шоир лирикасининг гў-
зал намуналаридан, дейиш мум-
кин. Уларда Омон Мухторовнинг
дилбар оҳанг орқали эътиборли
бадий мазмун ярато олиши кўри-
ниб туради.

Ҳар бир истеъдодли шоир
туйғуларни умуминсоний аҳади-
ятга моликдир. Чунки уларга
маълум давр ва жаҳиятга яша-
ган кишиларнинг орау-умид-
лари, фикр-ўйлари сингган бў-
лади. «Марварид» мажмуаси-
дан ўрин олган кўпгина гоёвий-
бадий жиҳатдан пухта ишлан-
ган шеърлар ҳам замондошла-
римиз маънавиятини бойитиш
учун хизмат қилади, дея оламиз.

Охунжон САФАРОВ,
Ғайрат МУРОДОВ.



БЕРЧ

Фарход МУСАЖОНОВ

Ҳажвия

ҚОСИМБЕРЧНИНГ кириб чиқмаган кўчаси қолмаган. Мактабнинг охириги синфларида ўқиб юрган пайтидаёқ чайковчиликка ўзини урди. Томошабопроқ кино чиқиб қолса, билет олиб, билет сотди. Шанба, якшанба кунлари бозорга тушиб, бўшангроқ дехқонларнинг қовунтарвузини пуллашга кўмаклашди. Мўмай пулга мазохўрак бўлиб қолган экан, институтда стипендияга қаноат қилолмади, ўқини ташлаб, ўзини яна олиб-сотарликка урди.

Олдинки омад унга кулиб боқди. Еғли ишга жойлашди. Бозорда паттачилик қилди. Аммо пули кўпайиб, босар-тусарини билмай қолди, бозоркўмини ҳам, савдо трести бошлигини ҳам менсимай қўйди. «Иккаловини ҳам вақтида оғзини мойлаб турибман, шундоқ экан ўзим хон, кўланкам майдон», деб катта кетди, зиёфатларда бир-икки бетгаочларлик қилди. Оқибати: думини туриб юборишди. Шундан кейин тақдир уни копток қилиб теңди. Бир қарасангиз, тепкининг зарбидан осмонга кўтарилди, яна бир қарасангиз, лой ва тупроқда думалайди. Ҳа, не ишларни қилмади у. Чойхоначилик, ошпазлик, сотувчилик, даллоллик, сартарошлик, такси ҳайдовчиси, ҳаммомда ходимгарлик, ҳуллас, текин пул тушадиган жамикни тешикка бурнини сукиб кўрди. Бу орада уч марта хотин олиб, хотин қўйди. Биттасидан иккита фарзанд ҳам бўлди. Аммо уни ҳам қувиб юборди, ўзининг ҳузурини ўйлаб, ишрат қилиб юраверди. Бир кун пақ этиб пешонаси деворга тегди, касалга чалиниб ётиб қолди. Бундай қараса, сочи оқариб, тишлари тушибди, қариб қучдан қолибди. Бир кул тум сув тутишга на бирон жигари, ҳолаҳвол сўрашга на бирон яқини бор. Шунда ҳам Қосимберч тавбасига таянмади. Тарки одат амри маҳол деганларидек, тузалиб, оёққа тургач, яна бозорга йўналди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да боққининг, бирор хунар ортирмаганки, ўшани қилса. Билгани бозор кезиш эди.

Энди у сахарлаб бозорга борар,

олдига яримта газета ёзиб, кечгача ўтирарди. Сотадигани аризмас ашқал-дашқаллар: қўлда ясалган тароқ, попуқ, бир-икки галтак ип, чойнакнинг қоққоғи, самоварнинг жўмрағи, эгов, тикув машинасининг игнаси, жез узуклар, кўзmunчоқлар, чий духобадан, бахмалдан тикилган жажжи туморчалар.

Шанба кун Қосимберчнинг бозори чаққон бўлди. Кечга томон кисасига яхшигина пул тушди. У энди нарсаларини йиғиштиратётган эди, бир кимса тумор сўраб келиб қолди. Касига юриб, туморлари тамом бўлганди. Қосимберчнинг кўзига харидор анчайин тўпори, анойн кўрипти.

— Туморнинг яхшиси уйимда бор. Хоҳласангиз уйдан обеввораман, — деди.

Харидор рози бўлди. Хотини ўтирган машинасига Қосимберчни таклиф қилди. Йўлақай гаплашиб кетдилар.

— Машинамнинг мазаси йўқ келаётганда ўчиб қолавериб, жонга тегди, — деди харидор, — кун кеч бўлиб қолди, борадиган жойим олис, авлиботаликман. Тагин йўлда қолиб кетмай, деб, чўчипман.

Қосимберчнинг қулоғи диккайди.

— Э бўлди, бўлди, эсимга тушди. Бир зўр эшон билан қимиз ичгани боргандик. Кўп гўзал жой. Энди машина масаласига келсак, сира гап еманг, Маккаи Мадинадан олиб келган тумордан бор. Нархи сал қимматроқ бўладю, аммо ҳосияти зўр. Мана кўрасиз, қилт этмасдан етиб борасиз кишлогингизга. Ие, келдик, тўхтаинг шўтга.

Қосимберч ана бузилади, мана бузилади бўлиб турган чолдеворхонада турарди. Харидорни ховлига бошлаб кирди, харобгина хужрасини кўрсатиб гапирди.

— Молу дунё, ҳаром топилган пул суриб кетади, иним. Шу боисдан фақат худо йўлига хизмат қилиб яшаймиз, — у харидорни оstonада қолдириб, хужрасидан битта тумор олиб чиқди, — мени бир айтиди дерсиз, машинангиз тулпордек учиб боради.

— Раҳмат, ака, раҳмат. Қосимберч харидорнинг ўн сўмини шилиб қолди.

Шу-шу узоқ-яқин қишлоқлардан тумор сўраб келадиган одамларнинг кети узилмай қолди. Энди Қосимберч бозорни йиғиштирди. Чайқовдан-кўп бўлса, — кунига беш-олти сўм тушарди. Уйда ўтириб, иккита тумор сотса, бозорда ишлайдиган пулдан уч-тўрт ҳисса кўпроқ топарди.

Айниқса ўтган яқшанба ови юрди. Биринчи бўлиб унинг ҳузурига яқин кийинган, оғзи тўла тилла тиш, ўрта ёшлардаги бир киши келди. Қосимберч кейинги пайтларда уст-бошини анча эпачага келтириб олган, бошида салла, эғнида қимматбаҳо чопон, олдидаги кичкина лавҳа варақлари титилиб кетган курьон. Алифни калтак деолмасам ҳам дуо ўқиб ўтирарди.

Кимса Қосимберчнинг тиловати туғашини кутди. Ниҳоят, Қосимберч пичирлашдан тўхтаб, бошини кўтарди.

— Келинг, бўтам.
— Ассалому алайкум, тақсир. Мен дўконда...

Кимсанинг гапи оғзида қолди. Қосимберч яна қавш қайтариб пичирлашга тушди. Кейин калласини сарак-сарак қилиб кимсага боқди.

— Мушкулингиз оғир, бўтам, мушкулингиз оғир. Кўзимга дўқонингиз атрофида ўралашиб юрган бир неча нафар бетавфиқ кимсалар кўринаятми. Нияти бузуқ аларнинг, бўтам, нияти бузуқ. Оллоҳ сизни ўз паноҳида асрасини, аммо улар ишингиздан ишқал қидиршияпти.

— Авлиё бўлиб кетинг. Дарҳақиқат, дўқонимни ревизор босди.

— Иншоолло, мушкулингиз осон бўлғай. Сиз мана бу туморни дўқонингизнинг бирор ерига пинҳона илиб қўйинг. Бунда хосяти кўп. Ишқал топпоқчи бўлган кимсаларнинг кўз олди қоронғулашиб, ганғиб қолғуси. Игна учинда қурьоннинг барча сурьалари битилган бу туморга.

— Раҳмат, тақсир, қушдек енгил тордим. — Кимса хокисорлик ва мутелик билан таъзим қилди, ёнидан тахи бузулган элликтиликни чиқарди. — Шунини олиб қўйсангиз, хизмат ҳақи.

Пулни кўриб, Қосимберчнинг кўзи қинидан чиқаёзди, лекин сир бой бермади:

— Йўқ, йўқ, пул ҳаром, бўтам. Биз илло-билло пул деган макруҳга қўл теккизмаганмиз.

Кимса қўлини кўксига қўйиб, илтижо қилди:

— Тақсир, чин юракдан рози бўлиб беришман, қўлимни қайтарманг.

— Шундоғму, ҳай, сазангиз ўлмасин.

Қосимберч кўрпачани кўтариб «Ташла», дегандек имо қилди. Кимса пулни кўрпачанинг тагига қўйиб таъзим билан орқасига тисарилди.

— Раҳмат, тақсир, раҳмат. Қосимберч бош ирғаб, у билан хайрлашди. Орадан кўп ҳам вақт ўтмай оstonада бир жувон пайдо бўлди. Қосимберч пичирлашда давом этди.

— Ассалому алайкум, домла почча. Кирсам майлими?

Қосимберч кўзини очиб, ер тагидан жувонга қаради. Унинг ҳуснини кўриб кўзлари чақнаб кетди.

— Киринг, синглим, киригиз.
— Домла почча, мен олдингизга... наҳот истаб келган эдим, — тутилиб, аранг гапирди жувон.

Қосимберч қўлини кўтарди.
— Бас қилинг синглим, менга шундоқ ҳам ҳаммаси аён. Эшикдан киришингиз билан авлиёлар дардингизни кўнглимга солди. Жувон Қосимберчнинг гапларига ишонқирамай оғзига тикилди. У эса кўзларини чирт юмиб, алаҳсираётган одамдек оҳ-воҳ урди, ниҳоят, эриниб, хол-сизланиб тилга кирди.

— Афеус, минг афеус...

Ва ана овози ўчди. Шум хабар эшитишдан чўчиган жувон қалтирок овозда сўради:

— Наҳот умид бўлмасам, домла почча?!

— Ҳа, синглим, бу йил пешонангизга ҳеч нарса битмас экан. Кўзимга силлик чизикдан бўлак ҳеч нарса кўринмапти. Афеус...

Жувон ўтирган жойида бу дунёдан умидини узган одамдек шалвираб қолди.

Қосимберч: «Жим!» деб қичқирди. Васваса тугган одамдек кўзлари пирпираб, калласи қилтиллаб, бутун аъзойи бадани безгак тутгандек қалтиради. Ва бирдан роҳат билан жилмайди:

— Оллога шукур, оллога шукур, келаси йилнинг бошида бахт қуши бошингизга қўнғай. Келаси йили кўчқордек ўғил кўрағисиз. Жувон севинчдан ўзини йўқотаёзди.


— Вой, домла почча, дардим худди шу эди. Қаёқдан билдингиз?

Қосимберч юзига жиддий тус бериб, яна қўлини кўтарди.

— Жим! Хўш, сизда зигирттак ҳам айб йўқ экан, хар силкганда дув-дув тўкиладиган серҳосил дароҳат кўринаяти кўзимга. Аммо кўёв боланинг мижози совуқроқ экан. Хўш, арақ ичмасинлар, тамаки, ноҳ чекмасинлар, писта-бодом, майиз, ёнроқ, қазидан босиб-босиб еб турсинлар.

— Хўш домла почча, — деди жувон ердан бошини кўтармай.

Қосимберч кўзларини жувонга қадади. Хаёлидан «бир кул тум



Расми М. Абдуллаев чизган.

сув билан ютиб юборса бўладиган нарса экан» деган фикр кечди. Ичида мавжланаётган хирсни базўр жилобла, ширин овозда гапирди.

— Қани, бериқоқ келинг-чи, ҳа, яқинроқ. Хўш, сиз мана бу муқаддас туморни бўйинга тақиб, мудом икки сийнангининг ўртасида сақлагулисиз. Йўқ, йўқ, қўлингизни теккизмав, ўзим тақиб қўяман. Қани бисмиллоху раҳмонур раҳим, мушқулдиз осон бўсин, — у жувоннинг оппоқ бўйнига тумор тақди. Нима учундир орқасига ўгрилиб, сесканиб қўйди. — Ҳа, зинҳор-базинҳор қўл теккизмав. Бу гапни куёв болага ҳам тайинлағайсиз. Билмасдан эзиб қўймасин. Урнига ётганда... андин сўнг, ювинмоқчи бўлган пайтларингизда туморнинг илдан ушлаб, аста ёстиқ устига қўясиз. Ҳа, бу муқаддас тумор, фақат юмшоқ жойларда сақлаш керак. Йўкса, таъсир кучи сўлғай. Ҳа, момиққа тегсагина куча қиради бу.

Тагдор бу гаплар жувонни ўнғайсиз аҳволга солди. У кетишга шошилди.

— Тушундим, домла почча, ҳамма айтганларингизни бекам кўст бажараман, — у Қосимберчга пул узатди, — арзимаса ҳам.

Қосимберч «чўчи» тушди. — Йўқ, йўқ, пул керак эмас, биз савоб учун, фақат савоб учун жон ачитгаймиз.

Жувон чин юракдан ёлворди: — Вой домла почча, атаб қўйгандим, олмасангиз хафа бўламан.

Қосимберч кўзларини хумор сузиб, яна илмоқли гап қилди: — Мана шунақа зорлиги турганингиздан кейин берганингизни олмаслик гуноҳи азим.

Жувон илдам ўрнидан турди, қўлини кўккага қўйди:

— Умрингиздан барака топинг, домла почча, кўнглим кундек ёришиди, — деди.

— Энди бундай, синглим, қачон юрагингиз сикилса, югуриб менинг олдимга келаверинг, каминанинг ҳунарлари кўп, бундан ҳам энгли тортиб кетасиз. Ҳа, кеп туринг, синглим, кеп туринг.

Жувон ташаккур айтиб, хонани тарк этди. Қосимберч суқлиниб, унинг ортидан тикилаб қолди. — Оҳ, оҳ, оҳ... қадам олишинчи, тустовуқнинг ўзи-я!

Шу захоти эшикда бир йигит пайдо бўлди. Кўринишдан эпчил ва ғайратчан. Гапиршлари ҳам бурро. У шиддат билан Қосимберчга яқинлашди.

— Отаҳон, ассалому алайкум. Сиз тумор сотар экансиз, деб эшитдим.

Қосимберч энсаси қотиб бурнини жийрди.

— Ие, қайси бемаъни айтди сизга бу хунук гапни?

— Эшитдим-да, — қувноқ овозда гапирди йигит. — Менга қаранг, отаҳон, мен кеча янги машина олдим. Жигули. Шунга туморингизнинг зўридан битта берасиз. Хурсанд қиламан.

Қосимберч ҳовуридан тушди. Пул унадиган бўлса, у ҳар қандай ҳақоратни ҳам ҳазм қилиб юборарди.

— Э, муборак бўлсин, яхшиликка мининг. Бунақа хайри-

ишга битта топамиз, — у ёнидаги қутини тикилаб, тумор чиқарди. — Мана, омаднингиз бор экан, битта қолибди.

— Раҳмат, нархи қанча? — Йигит анча бетгачопар эди.

Қосимберчнинг яна таъби хиралашди.

— Ие, ие, бу ер бозор эмас-ку, иним.

Йигит бўш келмади.

— Энди, ўзингиз айтинг-да, отаҳон, биз тумор олиб юрибмизми?

Қосимберч безбет одамлар билан безбетларча гаплашиш кераклигини биларди. Ҳиринглаб кулди:

— Оббо, сиз-ей, ҳа энди химматларига борлик, иним. Дарвоқе, туморни очиб ўқий кўрман, гуноҳга батасиз.

— Бе, буни ўқишга бизда савод борми? Қани, қўлни очинг.

Йигит бир сўмлик олиб, Қосимберчнинг қафтига урди.

— Хўп, отаҳон, рози бўлинг. Хайр, раҳмат.

Йигит қандай кирган бўлса, шундай шиддат билан чиқиб кетди.

Қосимберч бир сўмликни кўриб тутоқиб кетди.

Унга ҳеч қачон бунчалик алам қилмаган эди, қафтида турган бир сўм чўгдек куйдирар эди қўлини. У йигитнинг ортидан жон аччиғида қичқирди!

— Илоҳим бугуноқ аварияга учрагин, шаккок!

Яна анчагача Қосимберч ўз ёғида қовурилиб ўтирди. Ногаҳон останада савлатли бир одам пайдо бўлди. Қизиги шундаки, у бояги учта мижозни ҳам ўзи билан бирга бошлаб кирган эди. Қосимберчдан совуқ тер чиқиб кетди. Савлатли одам жуда одобли экан, қўлидаги туморларга ишора қилиб, ваэминлик билан гап бошлади.

— Биродар, мана сизнинг манави магазинчига эллик сўмга, манави жувонга йигирма беш сўмга ва манави валатга бир сўмга пуллаган туморларингиз. Энди сиздан илтимос. Шунга туморларни очиб, ичида нима деб ёзилганини ўқиб берсангиз.

Қосимберч донг қотиб қолди: «Ажабо, ким бўлди бу шахс?»

— Уқинг! — туморларни узатди унга савлатли одам, — ҳамма эшитсин.

Қўлга тушганда энг яхшиши тўғриси айтиш, гуноҳинг пасаёди — буни кўп синаган эди Қосимберч.

— Визда буни ўқишга илм йўқ. Тақсир, эскича ёзилган, — деди у ўзини беғуноҳ кўрсатишга уришиб, — алдасам, худо урсин!

— Сиз худони тилга олманг, — деди савлатли киши, — унда мен ўқиб бера қолай.

У туморларни очиб ўқиди.

— Биринчиси: «Аталадан палов яқин». Иккинчиси: «Ўнта шал-шал дегандан битта шафтоли деган афзал». Учинчиси: бу сизларга тегишли, — савлатли киши бояги учта мижозга юзланди, — мана эшитинглар: «Менинг бахтимга сен лақмалар омон бўлларинг».

Уччала мижоз бири олиб, бири қўйиб, гап билан Қосимберчнинг таъзирини беришди. Учар йигит эса уни уришга сал қолди, яхши-

ям савлатли одам бор экан, аранг ажратди.

Мижозлар туморларни Қосимберчнинг башарасига улоқтиришди, пуллари қайтиб олиб, чиқиб кетишди.

Қосимберч йиғламсираган оҳангда савлатли кишига илтижо қилди.

— Янгилишмасам сиз, акахон, беформа мелисалардан бўлангиз керак. Бу эскича қорозларни менга битта шумтақа эзиб берарди. Лаънатининг олдимга похол солиб юрганини билмаган эканман. Узи студент, шарқ фа-

ТЕРМА МАҚОЛЛАР

Арақхўр улфат — келтирар кулфат.

* * *

Доно ишига, нодон тушига ишонади.

* * *

Пашша анқовнинг оғзини пойлайди

* * *

Бол ҳам тилдан, бало ҳам тилдан.

ЛОФЛАР

Товуқ фермасининг мудури Ло-чинбек лофчи ёнбошлаб ётиб, гап бошлади:

— Бу йил товуқхоналарни ремонт қилаолмаганимиз учун фермасининг товуқ-хўрозлари турналарга қўшилиб иссиқ ўлкаларга учиб кетишди. Қиш туғани билан улар яна ўз фермаларига қайтиб келади...

— Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, — деб керилди мол фермасининг мудури Қўзвий лофчи. — Визлар ҳам ёзда ем-хашак жамғараолмаганимиз учун сизгир-бузоқларга уйку дори бериб ухлатиб қўйдик. Энди жониворлар уч ойгача айикка ўхшаб хуррак отиб ётишавради.

* * *

Пошшоҳон дугонаси Лаъзатхонга мақтанди:

— Қизимга ферма мудурининг ўғлидан совчи келган эди, қалинига ун, гуручдан ташқари беш минг сўм сут пули, ўнта қўй, элликта товуқ, ўнта турна, ўн бешта лайлак, иккита новвос бермасангиз, тўй бўлмайди, дедим.

культетида ўқийди. Отаси вафот этган, касалманд онаси ва саккизта укаси билан турарди. «Ердан бўлармикан», деб бир-икки сўм бериб турардим, хизмат ҳақи тариқасида. Аммо қўлимга тушса, сор қўймайман ярамасни. — Қосимберч кўзини чақчайтириб ҳам ёлбориб, ҳам уқтириш оҳангида гапирди. — Сизга бор гапни очик айтдим. Ҳақўйлигим инобатга олинар, деб, ўйлайман.

— Билмадим, — деди нотаини одам совуққонлик билан, — ҳали ҳеч қачон фибрибарлик жазоланмай қолмаган.

Лаъзатхон ҳам бўш келмади: — Ажаб қилибсиз, ўргилай. Менинг қизимга ҳайвонот боғи директорининг ўғлидан совчи келган эди, агар қалинига етти минг сўм пул, иккита кийик, тўртта товуқ, битта фил бермасанглар, қиз йўқ, деб юбордим.

И. АБДУЛЛА

ИМТИҲОНДА



СТУДЕНТ. Дадам сиз билан Сочида дам олган эканлар, салом деб юбордилар.


РОБОТ. Афсуски, мен шарҳдан ташқари чиққан эмасман, қани, билет олиб, жавоб беринг!



БОЛА. Бугун ота-оналар мажлиси бор экан, ўқитувчимиз айтиб юбордилар.

ОТА. Ўқитувчининг ўзи менинг ёнимга келиши!

Х. Лутфуллаев чизган расмлар



БАБАҚ ХУРОЗ: — Шу невараларимнинг ҳам тўйини кўрай...

А. Абалян фототюди



«ҚУШЛАР» ЧАЙНВОРДИ

1. Чумчусимон, сайроки куш. 2. Гала-гала бўлиб учадиган, ерда сакраб ҳаракатланадиган қора куш. 3. Ваҳор даракчиси. 4. Митти сайроки, фойдали куш. 5. Пиртқич куш. 6. Овланадиган йирик куш. 7. Қамишзор ва қўлларда яшовчи турнасимон ёввойи ов куши. 8. Тоғ ўрмонларида учрайдиган қора рангли фойдали куш. 9. Чумчусимонларга мансуб ҳашаротхўр куш. 10. Узун думли, кўркем, тўқай ов куши. 11. Узун тумшукли тўқай куши. 12. Тоғ куши. 13. Яшил патли фойдали куш. 14. Сайроки куш. 15. Урақларнинг бир тури. 16. Ваҳорда учиб келувчи чўл куши. 17. Сув бўйларида яшайдиган узун оёқли баликчи куш. 18. Куш аъзоси. 19. Оёғи узун ботқоқлик куши. 20. Осённинг жануби шарқидати ўрмонларда тарқалган товқусимон куш. 21. Афсонавий куш. 22. Сувда сузувчи йирик куш. 23. Қарғасимонлар оиласига мансуб патлари қорамтир куш. 24. Учқур йирик денгиз куши. 25. Елпигичсимон тоғли, асосан ерда ҳаёт кечирувчи фойдали куш. 26. Ўрмон қушларидан бири. 27. Пиртқич тун куши. 28. Куш ошёни.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

10-СОНДА БОСИЛГАН «ФАН» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Ал-Киндий. 2. Форобий. 3. Алифбе. 4. Келдиш. 5. Табиёт. 6. Фонетика. 7. Кинетика. 8. Бионика. 9. Мантик. 10. Дизель. 11. Дарслик. 12. Механика. 13. Улғубек. 14. Қобулов. 15. Алгебра. 16. Лебедев. 17. Қаримов. 18. Мўминов. 19. Мичурин. 20. Беруний. 21. Галилей. 22. Авлоний. 23. Папанин. 24. Рентген.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МУЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХУЖАЕВ, К. ЯШИН.


«Гулистон» — ежесемачный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; яқтимой-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.11.85 й. Босишга рухсат этилди 26.12.85 й. Р-09565. Қоғоз 70 × 108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотолабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 210412. Буюртма 2194. Нашр В-109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.



ЭЧКИ: — Ҳеч бўлмаса, ошпоқ соқолмини хурмаг кил, тиррагча!
А. Абалян фототюди

Биринчи бет: Ўзбекистон ССР халқ рассоми Чингиз Ахмаров Тошкент Хореография билим юрти биноси деворларига ишлаган суратларини КПСС XXVII съезди, ЎзКП XXI съезди шарафига бағишлади.

А. Жумаев фотоси

Тўртинчи бет: Қиш манзаралари.
А. Герасимов ва Н. Штин фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоқчага материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Журналнинг бу сонидаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталаридан фойдаланилди.



Саломатлик — туман бойлик.



А. Губенко фотолари.

Чотқолда.



Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207